8 СЕН 1992

БУГУНГИ БАЙРАМ АЖДОДЛАРИМИЗ БЎЛМИШ УЛУҒ АЛЛОМАЛАР—ИМОМ БУХОРИЙ, АТ-ТЕРМИЗИЙ, АҲМАД ЯССАВИЙ, АМИР ТЕМУР, АЛИШЕР НАВОИЙ КАБИ ДАҲО БОБОКАЛОНЛАРИМИЗ РУҲИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАГАНИ, БИЗЛАРГА БАХШ ЭТИЛГАН ОЛИЙЖАНОБ ТУЙҒУЛАР— РУҲ ОЗОДЛИГИ, ҚАЛБ ПОКЛИГИ, ИЙМОН, ЧЎНГ ИРОДА, МАРДЛИК, ЮРТПАРВАРЛИК, МИЛЛАТУ ВАТАН УЧУН ФИДОЙИЛИК ВА БОШҚА АСЛ ФАЗИЛАТЛАР НАСЛИМИЗГА, ҚОН-ҚОНИМИЗГА СИНГИБ КЕТГАНИНИНГ ИСБОТИДИР.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 4 СЕНТЯБР, № 36 (3192) ЖУМА

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК БАЙРАМИ

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

БИЗ ЎЗБЕКЛАР АЗАЛДАН АЗАЛДАН тўйчи халқмиз, анжуман ва йиғинларни яхши кўрамиз. Қандай шароитда яшамайлик топганимизнинг бир қисмини сабр-чидам билан йиғиб яхши кунларга — тўйга атаймиз. Чунки тўй мисолида халқимизнинг тинчлик, бахт-саодат, қувонч, келажакка ишонч туйғулари мужассамлашган. Зеро, оиласи осойишта бўлган одамгина бошқаларга бахт, қувонч улаша олади. Шунинг учун халқимизнинг бу одатига салкам бир ярим аср ҳукм сурган мустамлакачилик кишанлари ҳам, бугунги кундаги иқтисодий танқисликлар ҳам тўсиқ бўлолмади. Овул ва маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларда тўйлар — орзу-умидлар ушалиши айёми давом этмоқда. Эндиликда ана шу тўйлар қаторига яна бир шодиёна — республикамизнинг мустақиллик байрами ҳам қўшилди. Юртимизнинг қадим тарихи саҳифаларини нурлантирувчи, унинг бугунги истиқлоли, эрки, озодлигини намоён қилувчи, халқимизнинг келажак истиқболини белгиловчи бу шодиёна кун — 1 сентябрь байрамларнинг байрами бўлиб қолиши шубҳасиз. Шунинг учун унинг ҳар бир йили катта тантана сифатида нишонланади.

Республикамизда мустақиллик байрами — истиқлолнинг бир йиллиги тантаналарни қадим Тошкентнинг маркази Мустақиллик майдонидан бошланди. 31 август кеч соат 18.00. Ёзнинг сўнгги кунида қуёш сахий нурларини майдон узра ҳилпираган турфа хил алвонлар, кўкка бўй чўзган Ўзбекистон байроғи ва туғроси, озод юртимиз сарҳадлари акс этган катта ер шари устига аямай сочди, гўё шу билан улкан байрамга ўз ҳиссасини қўшди. Кейин уфқ ортига чекинди. Ўн минглаб томошабинни ўз бағрига олган майдонга кучли ёритқичлар нур таратди. Биз кўп йиллар давомида раҳбарларнинг юксак минбарлардан жой олишлари ва у ердан туриб халққа қарата қўл силкитишларига ўрганиб қолган эдик. Бу гал ана шу одатдаги «ҳол»га барҳам берилди, барча — раҳбарлар ҳам, меҳмонлару мезбонлар ҳам катта очиқ саҳна атрофидаги ўриндиқлардан жой олишди.

Майдоннинг икки томонида ўрнатилган «Ўзбекистон, Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик», деган шиорлар билан безатилган ҳаво шарлари кўкка ўрлади. Карнай сурнай ва ноғораларнинг садолари тўй бошланишидан хабар бериб атрофга таралди. Театрлаштирилган оммавий томошаларни шўх ва қувноқ куйлар остида юртимизнинг келажаги бўлган кичкинтойлар бошлаб бердилар. Уларнинг рақс ва қўшиқлари байрам қувончига қўшилиб кетди.

Байрам томошаларида халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажагини ёритишга алоҳида ўрин берилди. Дарҳақиқат, майдон бўйлаб ўтган «Буюк ипак йўли» карвонлари бизнинг хаёлимизни истиқлол тарихи томон олиб кетди.

МАНА, ТУРОН ЗАМИНИ БЎЙЛАБ ўтган йўллар. Бу йўлларда қанча аждодларимиз босқинчиларга қарши курашдилар, халқ эркки учун жон фидо қилдилар. Ахир Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқаннанинг ёвларга қарши курашларида халқнинг озодликка бўлган интилишлари ифодасини топмаганми? Алпомишнинг икки уруғни бирлаштириш учун қилган ҳаракатларида юртнинг бирлиги учун кураш мужассамлашмаганми? Ана сўнгги Хоразмшоҳ Жалолиддин охирги кучини йиғиб эл истиқлоли учун ёв устига ҳужумга чоғланмоқда...

Буюк бобомиз Амир Темур ва Бобурнинг улуғ давлатчилик ишлари орзуларимиз ушалгани, тарихимизнинг ёрқин саҳифалари эмасми? Мана, яна бир карвон йўловчилари — Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Замахшарий, Улуғбек. Улар халқимиз номини осмон қадар юксалтирмадими? Ёки Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, Турди, Нодира, Огаҳий, Фурқат кабиларнинг ўтли сатрлари бизга ҳақ йўлни очиб бермадими!

Ёки уларнинг давомчилари бўлган Мунаввар Қори «Зиёли Миллат, Ватан нима эканини билур» деганида, Беҳбудий «Шундоқ билмоқ керакки, бутун Туркистон халқи иттифоқ этса қон тўкмас» дея илтижо қилганида, Фитрат «Ҳақ йўлинда, Дин йўлинда, Ватан йўлинда, Миллат йўлинда жадидимиз, қадимимиз, мулламиз, бойимиз ва овомимиз бир ерда тўпланайлик», дея сўз айтганида, Чўлпон «Кишан кийма, бўйин эгма, ки, сен ҳам ҳур туғилгонсен» дея ҳайқирганида истиқлол курашчиларига айланмадиларми, ахир!

Ҳа, бу улуғ инсонлар бугунги юртимиз мустақиллиги кунида халқига қарата сўз айтишга тўла ҳақли эдилар ва бу ҳақ еринда қарор топди.

Юртимизга мустақиллик арзонга тушмади. У қанча курашлар натижасида қўлга киритилди. Шунинг учун ҳам республикамиз бир йил ичида шарафли йўлни босиб ўтди. Тинчлик, ҳамкорлик — Ўзбекистон истиқлолининг бош шиорига айланди. Бир йил ичида давлатимизни 120 дан ошиқ мамлакат тан олди. Элликка яқин давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тошкентда ўндан ошиқ мамлакатларнинг элчихоналари очилди. Мустақиллик байрамида Покистон, Туркия, Америка, Чин, Олмония, Ҳиндистон каби давлатларнинг вакиллари ҳам иштирок этганлиги бунинг яққол далилидир.

Майдонга «Буюк ипак йўли» карвонидан кейин жаҳон ва олимпиада ўйинларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиб, совриндор бўлган ўнлаб спортчилар кириб келдилар. Уларнинг турфа хил мураккаб машқлари спортчилар келажагидан далолат беради. Шундан сўнг майдонни яқиндагина ташкил этилган миллий гвардиячилар эгалладилар. Уларнинг ҳар хил ҳарбий машқлари байрам қатнашчиларини ҳаяжонга солди. Ҳарбий вертолётлар майдон узра мустақил Ўзбекистон байроқларини ҳилпиратиб ўтдилар. Ўнлаб парашютчиларнинг беш минг метр тепадан сакраб кўрсатган машқлари йиғилганларни ҳайратга солди. Ҳа, биз кўп йиллар давомида ҳарбийлар-

Давоми иккинчи бетда

Истиқлол айёмининг бир йиллиги тантаналари ижодкорларимиз учун ҳам қутлуғ келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 28 августдаги Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси таржима марказининг раиси, таниқли шоир ва адиб **Муҳаммад Али АҲМЕДОВ** **«Ўзбекистон халқ ёзувчиси»** фахрий унвони билан мукофотланди.

Газетамизнинг фаол муаллифини юксак унвон билан чин кўнгилдан муборакбод этиб, ижодий ишларига янгидан-янги парвозлар тилаймиз!

Қутлайсиз!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилганлиги, республика тараққиётидаги хизматлари, ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН

ЗУФАРОВ Урун — «Ўзбекфильм» киностудиясининг ҳайдовчиси

ИСРОИЛОВА Ҳурриятхон Солиевна — «Мақом» ансамблининг солисти

СУЛТОНОВ Хайриддин — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт бош муҳаррири

ФАХРИЙ УНВОНЛАР БИЛАН

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ»

АЛИМАТОВ Турғун — М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг ўқитувчиси

ДАВЛАТМУРОДОВА Замира Турдимуротовна — А. Навоий номидаги театрнинг солисти

ЖАМИЛОВА Гулчеҳра Манноповна — Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик театрининг артисти

РАҲИМОВ Абдурашид Галиевич — Халқлар дўстлиги саройининг бош режиссёри

ШУКУРОВ Аҳмад — «Зарафшон» Давлат фольклор ансамблининг солисти

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ»

АҲМЕДОВ Муҳаммад Али — Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси таржима марказининг раиси

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲОФИЗИ»

КАРИМОВ Муҳаммаджон — маориф ходимлари маданият саройи мақомчилар ансамблининг раҳбари

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ»

МИРЗАЕВ Алишер Тўлаганович — рассом

НАБИЕВ Малик — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг профессори.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

ОРИПЖОНОВ Олимжон — Қори Ёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясининг солисти

ЗИЯМУҲАМЕДОВА Ёдгор — Й. Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг артисти

Давоми еттинчи бетда



БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

Содиқ МАҲКАМОВ олган суратлар

Бола-чақанг кўп бўлиб, маблағинг бўлмаслиги катта балодир.

Ҳадиседан

БОЗОР МЕЗОНИ—АДОЛАТ

ёхуд режалаштиришнинг туб моҳияти нималардан иборат?

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

ЭСИНГИЗДА БЎЛСА, БУНДАН ИККИ-УЧ ЙИЛ МУҚАДДАМ жумҳуриятимиз матбуотида «Оилани планлаштириш керакми?» деган мавзуда баҳс-тортишувлар пайдо бўлганди. Ўшанда ҳар икки тараф, яъни туғишни сунъий равишда чеклаб қўйишни бизга ёт деб фикрловчилар ҳам, уни режалаштириш зарур деб ҳисобловчилар ҳам ўз нуқтаи назарларини исботлашга урингандилар.

Энди бундоқ ўйлаб қарасам, сўнгги вақтларда нафақат халқ хўжалигимизни, балки оилаларимизни ҳам социалистик план асосида ташкил қилиш юзасидан тавсиялар берила бошланган экан. Бу ҳолнинг сабаб ва оқибатларини излашдан аввал бир оз чекиниш қилиб, тил муомаламизга мустаҳкам ўрнашиб қолган режалаштиришнинг туб моҳиятига назар ташлайлик.

Хўш, план дегани нима ўзи? Ундан асфальтни ҳам тешиб, ҳаммаёқни вайрон қиладиган ажриқдан қўрққандай қўрқишимиз керакми ёки ҳақиқатан ҳам бир вақтлардаги беш йилликлар режалари «истиқболимиз»ни белгилаб берганмиди? Эҳтимол, режалаштириш нафақат оилаларимизни, балки миллий ҳудудимиз мустақиллигини ҳам чеклаб қўйиш учун сунъий равишда марказдан тиқиштириб келингандир.

Биз бирон-бир сўз ёки иборанинг маъносини билиш учун одатда қомусий нашрларга мурожаат қилишга ўрганиб қолганмиз. Аммо режанинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун шўро қомусларидан ташқари қатор илмий манбаларга ҳам мурожаат қилишга тўғри келади. Ана шу манбаларга асосланиб (албатта, назарий жиҳатдан), биздаги давлат режасининг бош моҳиятини умумлаштирсак, у социализмнинг иқтисодий қонунлари мажмуасини (халқ хўжалигининг режали ва мутаносиб ривожланиш қонуни, қиймат қонуни, меҳнатга қараб тақсимот ва ҳоказо), уларнинг талабларини онгли равишда давлат режаларига татбиқ этишдан иборат бўлиб чиқади, Аслида-чи?

Сўнгги ўн йилликларда иқтисодий истиқбол режаларини такомиллаштириш борасида энг юқори даражада бир қанча қарорлар қабул қилинди. Амалда эса бу режалар иқтисодий қонунларимизни инкор этиб келди. Майли, асосий иқтисодий қонун — халқ хўжалигининг режали ва мутаносиб ривожланиш қонунини бир четга қўйиб турайлик-да, қиймат ҳамда меҳнатга қараб тақсимлаш қонунлари талаби қай даражада бажарилганини эслайлик. Социализм шароитида бу қонунларга мутлақо амал қилинмасди. Фикримнинг далили сифатида қиймат қонуни орқали тартибга солиб турилиши керак бўлган нарх-наво сиёсати ўтган ўн йилликлар давомида кимнинг, қай биримизнинг манфаатимизни кўзлаб юритилгани ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Эътибор берсангиз, ҳозирги кунда нарх-навонинг кўтарилиши гўёки ҳеч кимни қизиқтирмай қўйгандек. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бу тадбир бир неча марта қайтарилаверилганидан ҳеч қайсимиз ҳайратланмай қўйдик. Лекин ана шу юқорилаш нимадан бошланганини ёдингизга келтириб кўринг-чи?

Эрта баҳор кунлари. Собиқ Иттифоқ халқ нозиблари Олий Кенгашининг сессияси. Ҳукумат раҳбари нарх-навони кўтариш зарурлигини, акс ҳолда, мамлакатимиз ҳамёни мутлақо бўшаб қолиши мумкинлигини алоҳида «эҳтирос» билан исботлаб берди. Устига устак, аҳоли, айниқса, унинг ночор қисми манфаатини кўзлаб давлатимиз кенг истеъмол буюмлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини унинг ҳақиқий таннархидан анча паст даражада ушлаб келгани биринчи марта айтилди, (Шу вақтгача нархлар сиёсати давлат сиёсати ҳисобланиб, мутлақо сир сақланар эди.) Яъни бир килограмм мол ёки қўй гўштининг таннархи 5 сўмдан тортиб 7 сўмгача-ю, лекин уларнинг давлат нархи, агар ёдингизда бўлса 1 сўм 80 тийиндан 2 сўм 20 тийингача қилиб белгиланганди. Кўп йиллар давомида айнан ўша нарх ушлаб турилганди. Давлат дўконидан шу баҳода гўшт олиб еган энг охирги авлод биз бўлсак керак. Ўша пайтда нон, сут ва шунга ўхшаш бошқа маҳсулотларнинг нархи ҳам сунъий равишда пасайтириб келинган. Энди қонуний савол туғилади: хўш, шундай экан, нега бу очиқ айтилмас эди? Ахир, турғунлик йиллари дейилган ўша замонда халқ манфаатини кўзлаб қилинган тарифка ишни ҳам бўрттириб кўрсатиш кўз-кўз қилиш ҳукуматга ниҳоятда зарур эди-ку? Давлат ҳар биримизга 1 килограмм гўшт учун 3 сўмдан тортиб 5 сўмгача қарз берган экан, бу даражадаги «олижаноб» илтифот нега сир сақланди? Энди шу масалани вазминлик билан таҳлил қилиб кўрайлик.

БИЛАСИЗ, МАКТАБ КУРСИСИДАНОҚ (бу фақат бизнинг собиқ социалистик жамиятда бўлган) жуда ғалати икки ибора қулоғимизга қуйиб келинарди. Биринчиси — энг зарур истеъмол моллари, иккинчиси — унчалик зарур бўлмаган моллар. Ҳар икки гуруҳга кирувчи истеъмол молларини номманом санаб ўтсам, Америқо очмаган бўламан. Аммо, барибир, энг асосийларини эслатиб ўтиш керакка ўхшайди. Биринчисига гугуртдан тортиб нон ва нон маҳсулотлари, сут, гўшт, маҳсулотлари, иккинчисига эса енгил автомобилдан тортиб заргарлик буюмларигача кирар эди. Эмишки, авваламбор инсоннинг қорни тўқ, бўлсин, қолгани бир гап бўлар. Яъни, енгил автомобиль, заргарлик буюмлари, спиртли ичимликлар кунда истеъмол қилинмайди. Шунинг учун уларнинг нархи ўз таннархидан бир неча баробар юқори бўлиши мумкин. Мантиқан қараганда тўғрига ўхшайди. Аммо инсон фақат қорин тўйғазиш учунгина яшамайди-ку? Бундай алфозда сиёсат юритишдан, кимга фойдаю, кимга зарар эди?

Фараз қилайлик, ҳар ойда 100 сўм маош оладиган оила бошлиғи бу маблағга фақат гўшт истеъмол қиладиган бўлса, 50 килограмм гўшт харид қилиши мумкин. Давлат унга ҳар килограмм гўшт учун 5 сўм қарз тўласа, ойига жами 250 сўм берган бўлади. Маоши 500 сўм бўлган оила бошлиғи, агар фақат гўшт истеъмол қиладиган бўлса, бу маблағга 250 килограмм гўшт олиши мумкин ва давлат унга 1250 сўм қарз берган бўлиб чиқади. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бизга нархни сунъий равишда унинг таннархидан паст қилиб белгилашдан биринчи навбатда кам таъминланган оилалар манфаат кўради, дейишарди. Аслида эса, юқоридаги мисолдан кўринди турибдики, паст табақадан кўра яхши таъминланган юқори табақа ҳам кўп гўшт истеъмол қилгани ҳолда давлатдан беш баравардан зиёдроқ қарз олган. Мен бу ўринда ўша вақтда ўз нархида бемалол гўшт харид қилиш қурбига эга бўлган 18 миллионли бошқарув аппарати ҳақида гапирганимча йўқ.

Демак, кам таъминланганлар учун кўзланган мақсаддан яхши таъминланганлар кўпроқ фойдаланганлар. Устига устак, кам таъминланганлар сунъий равишда унчалик зарур бўлмаган моллардан ҳам бенасиб бўлиб қолганлар.

Бугунги бозор иқтисоди бу «табиий офат»га чек қўядигандек бўлиб кўринади. Аммо буни амалга ошириш учун иқтисодиётда босиб ўтган йўлимизда йўл қўйган хато ва камчиликларимиздан хулоса чиқариб олишимиз керак.

Бир томондан нисбатан кам таъминланганлар (мен айнан шу табақани болали уй деб биламан) манфаатини шиор қилиб олиб, иккинчи томондан уларнинг ҳуқуқлари (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқий ҳамда маданий) чеклаб қўйилар экан, бу бозор иқтисоди эмас. Умуман олганда, оила планлаштириладиму-йўқми, бундан қатъий назар, у бадавлат бўлиши шарт! Шахсан мен оилани планлаштиришга қарши киши сифатида эндиликда нафақат оила, балки хусусий мулк ҳамда давлат муаммолари бўйича тўғри йўналиш, тўғри мутаносибликни ўрнатиш зарур деб ҳисоблайман.

Бозор иқтисодиёти миллионлаб кишиларнинг тақдирини ҳал қилди. Кутиб ўтиришга вақт йўқ. Лекин мен зудлик билан амалга ошириш лозим дейилган баъзи тадбирларга шубҳа билан қарайман. Тўғри, белгиланаётган тадбирларнинг аксарияти барчамизга тааллуқли. Аммо қабул қилинган дастурни ким амалга оширади? Шубҳасиз, инсон! У бир тарафдан ишлаб чиқарувчи (дастурни амалга оширувчи) бўлса, иккинчи тарафдан истеъмолчидир. Хўш, унинг руҳияти-чи? Мени кечирасиз-у, бироқ «Социализм инсоният тараққиётининг олий даражаси бўлган коммунизмнинг биринчи босқичи, эртами-кечми, барча инсоният шу олий даражага эришади... Бу жамиятнинг асосини ижтимоий мулкчилик ташкил қилиб, иқтисодиёти ягона планлар орқали бошқарилади, инфляция, анархия унга ёт, бозор эса ёрдамчи аҳамиятга эга бўлиб, эртами-кечми сиқиб чиқарилади», деб қулоғига қуйилган инсоннинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Умуман олганда, биздаги ягона «ҳазрат»и планнинг туб моҳиятини ташкил қилган қиймат, меҳнатга қараб тақсимот, мутаносиблик каби қонунларимиз капиталистик мамлакатларда оддий ҳаёт тарзига айланган.

Режалаштиришдан мақсад ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш бўлгач, истеъмол моллари ва уларга бўлган талабни тўғри ўрганиб бориш керак. Чунки бу талабларнинг қондирилиши аҳоли турмуш даражасини белгилайдиган омиллардан биридир. Афсуски, бизда талаб ва таклифлар ўртасида мутаносиблик ўрнатишга ҳеч қандай кафолат йўқ. Болалар уст-бош кийимига белгиланган нарх истеъмолчини қониқтирмайди. Жумҳуриятимиз аҳолисининг 12 миллионга яқинини болалар, нафақахўрлар ва ногиронлар ташкил этади. Бунинг устига, бизни қашшоқлик муаммоси ҳам четлаб ўтмаган. Бундай шароитда талаб ва таклиф ўртасида мутаносиблик ўрнатилиши шарт. Айтишларича, Америка Қўшма Штатлари ишбилармонларида ибратли бир нақл бор экан: «Мен сенга ўргатаман, нафақа ёшимда эса сен мени боқасан». Бу нақлни биз ҳам анъанага айлантирсак, ёмон бўлмасди.

Худога шукурки, эндиликда аҳвол ўзгарди, мустақилликка эришган меҳнаткаш халқимиз ҳам ўз қадрини топаяпти. Аммо давлат мулки ҳали ҳам устивор. Бу ҳолда янги иқтисодий тафаккурни йўлга қўйиш анча мураккаб кечади. Чунки қиймат фойда, солиқ, кредит, қиймат баҳо қоғозлар рента даромадлари ва тўловлари механизми хилма-хил, ўзгарувчан ва қарама-қарши. Улар узоқ йиллар давомида шаклланади.

Хўжалик раҳбарларимиз маркетингни, нархнавони асослаш усулларини, ички ва ташқи бозор конъюктураларига таъсир этувчи омилларни ўрганишлари лозим. Лекин биз негадир кўпроқ бугунги кун билан яшашга ўрганиб қолганмиз. Тақчиллик шароитида ҳамма нарса сотилаверади, ҳамма нарса олинаверади. Шунинг учун бўлса керак, юзлаб, минглаб турли-туман воситачилар ҳам кўпайиб кетди. Истеъмолчига «тўғри» етиб келиши керак бўлган кундалик турмуш учун зарур энг оддий моллар ҳам «воситачи» орқали харид қилинмоқда. Бу ҳолда воситачи ўз «истеҳкоми»дан мутлақо чекинмайди. Бундан ташқари давлат секторидаги дўкон билан (албатта, ёппасига эмас) воситачи ёки тижорат дўконлари ўртасида эгри алоқа йўқлигига ким кафолат бера олади?

Яна бир фикр. Турмушимизга кириб келаётган ассоциациялар, акционерлар жамиятлари, брокерлик идоралари, биржалар ва бозор инфраструктураси каби бозор иқтисодиётининг элементлари кенг жамоатчилик ўртасида мавҳум тушунча ҳолида сақланиб қолмоқда. Шунингдек, сиёсий системани қайта қуриш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш шакллари борасидаги кўпдан-кўп мунозаралар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг келгуси йўналишларини ишлаб чиқиш вазифаларини бир оз орқага суриб қўйди. Бозор иқтисоди, ҳудудлар мустақиллиги шароитида келгуси давр учун прогнозлар керак эмас, деган фикрлар ҳам бор. Буларнинг барчаси ҳудуддаги ишхоналар қай йўналишда ривожланишини, қандай маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлари ҳал қилади деган фикрдан келиб чиқмоқда. Истайсизми, йўқми, шуни унутмаслигимиз керакки, бозорни катта ҳаётий куч билан боғлиқ бўлган иқтисодий қонунлар бошқаради. Бу қонунларни ўрганиш мумкин ва бу бозор «хулқи» нафақат прогнозга, балки маълум даражада бошқарув қонунига ҳам бўйсунади, деганидир.

Яқинда матбуотда таниқли рус публицисти ва иқтисодчиси Василий Селюниннинг суҳбатини ўқиб қолдим. У ишхоналарни, уларнинг асосий фондларини директордан тортиб қоровулгача текинга бериб юборишни таклиф қилади. «Менимча, — дейди у, — бу билан нисбатан ижтимоий адолат ўрнатилади. Ундан ташқари, жамиятимизга хос бўлиб қолган асабий ҳолат ҳам бир оз чекинади. Нимага десангиз, ростдан ҳам турли-туман товар биржаларига бўлган ишончсизликларга барҳам берилади. Акция эгаси бўлган директор ҳам, қоровул ҳам ўз акцияларини истаган одамига сотишлари мумкин. Нега текин? Чунки бу асосий фондларни халқ яратган. Нима учун бу фонд эндиликда унга сотилиши керак?»

Жумҳуриятимиз асосий фондларининг қиймати аллақачон 100 миллиард сўмдан ошиб кетган. Аҳолининг қўлидаги жамғармалар бу фондларни сотиб олишга етмайди. Туркияда хусусийлаштирилган сектор 55 фоизни ташкил қилгани ҳолда, ялпи миллий маҳсулотнинг 50 фоизини ишлаб чиқарар экан. Ерни ҳам халққа бериш лозим. Умуман олганда, ижарага асосланган бозор ривожланади.

Инвестиция жараёнларини, айниқса, чет эл капиталининг кириб келишини тўла таъминлагунимизча яна бир оз вақт ўтади. Шунинг учун ишчи кучини экспорт қилиш масалаларини ҳам ўйлаб қўйсак, яхши бўларди. Шу вақтгача кўп масалаларда, шу жумладан, ишчи кучини экспорт қилиш каби ижтимоий масалада ҳам жумҳуриятимизга нисбатан адолатсизликка йўл қўйилган.

Чет мамлакатларда мафкура, дипломатия, тижорат соҳасида ишлаш учун мутахассис танлаш ишини айтмай қўя қолайлик. Ҳатто ўз ишчи кучини сотиш каби оддий ҳуқуқдан ҳам деярли маҳрум қилинган эдик.



Жанубий Шарқий Осиё (Лаос, Въетнам, Камбоджа) мамлакатларидан тортиб, араб (мусулмон) мамлакатларида хизмат қилиб келган мутахассислар (қурувчилар, бўёқчилар, тилмочлар ва бошқалар)нинг гувоҳлик беришларича, бу мамлакатларда миллатимизга мансуб кишилар бармоқ билан санарли экан. Г'ап ишчилар ҳақида бормоқда. Балки бу ҳам мутлақо марказ қўлида бўлиб келган турли-туман «Главзарубежстройлар»нинг қўли гул усталаримизга ишончсизлигидир. У ерларда иш ҳақи «каттиқ» валюта ҳисобида тўланар эди.

Бир нарсага холисона баҳо беришимиз керак. Оврупо, Америқода бозор муносабатлари 100—200 йиллар давомида таркиб топган. Биз учун бу фақат орзу.

Президентимиз Ислом Каримовнинг кечагина матбуотда эълон қилинган Республика Президенти ҳузурида Жаҳон муаммолари институти ташкил этиш ҳақидаги фармони айни муддао бўлди. Худо хоҳласа бу институт турли мамлакатларнинг ривожланиш йўлларини қиёсий ўргана бориб, етакчи мамлакатларда юз йиллар давомида таркиб топган адолатли бозор муносабатларини ҳудудимизда ҳам қарор топишига ёрдам беражак. Масалан, Туркиянинг ривожланиш йўлига ўтганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Нари борса, 15 йил бўлди. Бу ривожланишнинг асоси нимада? Иқтисодий ислоҳотнинг бирламчи босқичида 2,5 миллиондан ортиқ турк фуқароси Олмония, Америқо мамлакатларига ишлаш учун жўнаб кетдилар. У ерларда илғор технология, менежерлик асосларини ўрганиб қайтдилар. Шу даврда ташқи савдо ўсди. Бозор элементлари демократик асосда ривожланди. Тааллуқли қонунлар қабул қилинди ва энг асосийси, бу қонунлар амалда ишлади. Коммунистик фирқанинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маданий таркиблар устидан монопол ҳукмронлиги оқибатида режанинг ҳаддан ташқари марказлашуви юз берган эди. Лекин ана шу режа бошқарув механизмининг бир элементи бўлганини эсдан чиқармайлик. Бу элемент марказдаги ҳукмронлар қўлида бўлганлиги учунгина яхши ҳаёт қуриб бера олмади. Бас, шундай экан, келгусида режалаштириш бирор гуруҳ ёки айрим кишилар тасарруфига ўтиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда, ҳеч нарсага эриша олмаймиз.

Иқтисодий алоқалар, бизнес ўзаро ишонч, ҳурматни талаб қилади. Бу масалада камчиликдан ҳоли эмасмиз. Бир-биримизга амалий ёрдам бериш ўрнига тўсқинлик қилиш, сўнгра ишламоқчи бўлган одамни ёмонотлиққа чиқариш каби иллатлардан холи бўлмасак, ҳозирги қийинчиликлардан чиқолмаймиз.

Искандар ЕҚУБОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети декан муовини, доцент вазифасини бажарувчи

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК БАЙРАМИ

Бошқ биринчи бетда

нинг парадларда гоҳ пиёда, гоҳ ҳарбий машиналарда атрофга даҳшат солиб ўтишларига ўрганиб қолгандик. Энди эса улар мустақил республикамиз посбонлари эканликларини ва ҳарбий машқларни аъло даражада бажараётганликларини намойиш қилмоқдалар. Уларга қараб эркин юртнинг посбонлари бўлмоқ ҳам фахрли, ҳам масъулиятли эканлигини яққол сезасан.

Майдонда ҳарбийлардан сўнг турли санъат дасталари ўз программаларини намойиш қилдилар. Айниқса, «Баҳор» давлат халқ рақс дастаси, «Шодлик», «Лазги», «Зарафшон» ашула ва рақс дасталарининг биргаликда тайёрлаган «Уйғониш» композициясида халқимизнинг озодлик йўлидаги курашлари ёркин аксини топди. Оппоқ чодир ичида тўлганаётган халқ охир-оқибатда уни йиртиб ёруғликка чиқади ва ўзининг озодлик, эрк ҳақидаги қўшиқларини куйлайди.

ДАРҲАҚИҚАТ, ЕРУҒЛИККА ЧИҚИШИМИЗ осонлик билан кечмади. Ахир биз яқиндагина мустақиллик, миллий истиқлол, миллий тил деган сўзларни ҳам оғизга ололмас эдик. Мана, бугун ҳар икки майдонимиздан бири Мустақиллик деб аталмоқда. Ҳар икки анжуманда бирида ўзбек тилини давлат тилига айлантириш борасида сўз боради. Ҳар йиғинда миллий истиқлол ҳақида баҳс юритамиз. Буларнинг ҳаммаси ана шу мустақиллик меваларидир. Бундай воқеалар эса жуда кўп: Қашқадарё вилоятининг Қарши райони марказида мустақиллик майдони барпо этилиб, бу майдонга истиқлол рамзи сифатида афсонавий Ҳумо қуши ҳайкали ўрнатилди. Наманганда Машраб номидаги янги ташкил этилган миллий боғда ўрнатиш учун ишланаётган шоир ҳайкали битиш арафасида. Самарқандда Челак шаҳрида байрам олдидан 400 ўринли мактаб қурилиб фойдаланишга топширилди. Имом Бухорий зиёратгоҳи атрофидаги 70 гектар ер буюк аллома шарафига боғга айлантирилди. Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида миллий тилда ўқитиладиган лицей очилди. Тошкентдаги 64-мактабга атоқли давлат арбоби ва ижодкор Шароф Рашидов номи берилди. Нукусда туркиялик қардошларимиз ёрдами туфайли турк тилида ўқитиладиган лицей фаолият кўрсатмоқда. Гошҳовузда Амунинг қуйи қисмидаги учта вилоят ёшларининг йиғини бўлиб ўтди. Унда шу вилоятлар ёшларининг ягона ташкилотини тузиш, биргаликда фаолият кўрсатиши тўғрисида келишиб олдилар. Бўлинган туркистонни яна бир-бирига яқинлаштириш йўлидаги ҳаракатлар ана шундай бошланди... Табиийки, бундай янгиликлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, Улар одамларда яхши умид туғдиради.

МАЙДОНДА ТАНТАНАЛАР давом этади. Навбат вилоятлардан келган санъаткорларнинг қутловларига келади. Шўх ва ўйноқи Андижон полкаси нафақат санъаткорларни, тўйга ташриф буюрганларни ҳам даврага чорлади, Унга фарғоналикларнинг тановари, наманганликларнинг гул ва баҳорни олқишловчи рақслари, сурхондарёликларнинг лапарлари, қашқадарёликларнинг айтишувлари, Бухоро ва Самарқанд наволари, Навоий, Жиззах, Сирдарё вилоятларидаги ўнлаб миллат вакилларининг байналмилал қўшиқлари, тошкентликларнинг алёрлари, Хоразмнинг шўх лазгиси, қорақалпоғистонлик қирқ қизнинг латиф ўйинлари уланиб кетди. Вилоятлар вакиллари Президентни ва йиғилганларни истиқлол байрами билан табриклаб, уларга ҳурмат рамзи сифатида гуллар, халқ амалий санъати намуналарини, гилам тўқувчи қизларнинг гиламларини совға қилдилар. Бу чиқишлар халқимизнинг ўз қадриятлари, урф-одатларини авайлаб-асраб келаётгани ҳамда уларни тобора бойитиб ҳам бораётганини кўрсатади. Ҳа, халқимиз бор экан, унинг қадриятлари ҳам, санъатлари ҳам ўлмайди. Истиқлол уларга кенги йўл очиб беради.

Шундан кейин бир зум музика садолари, карнай, сурнай овозлари тинди. Атрофга бир дақиқа сукунат чўкди. Табрик учун сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга берилди. Президентнинг халқ юрагига бориб тегадиган, уни жунбушга келтирадиган сўзлари бир неча бор олқишлар билан бўлиниб турди. Майдонда Президент сўзларини тинглаб, тантаналарни томоша қилар эканман, хаёлимдан ҳар хил фикрлар кечди: олис қишлоқдаги елкасидаги кетмонида ой шуъалаланиб бораётган деҳқон бувалар ёки кечалари сурув ҳайдаб чиқадиган оталар, трактورига бир нафас ором бермайдиган тенгдошлар, папкасида бир бурда нони билан мактабларга қатнаётган болалар қалбига ҳам истиқлол етиб бордимикан? Улар ҳам бугунги мана шундай ажиб туйғулардан баҳраманд бўлдилармикан? Эрк, озодлик деган сўзлардан ёш болалардай қувониб чапак чалдилармикан? Эҳтимол! Лекин мустақиллик деган сўзга шундай ишонаманки, у барибир бир кун оппоқ нур бўлиб, шу юртдаги ҳар бир инсоннинг дилидан албатта ўрин олади!..

МАЙДОН УЗРА НУР ТАРАТИБ турган кучли ёритқичлар бир зум сўнди. Кейин тўпларнинг гумбурлаган товушлари эшитилиб, атрофни рангбаранг тусда порлаган мушакларнинг ёлқини ёритди. Салкам бир соат давом этган тўй мушакбозлиги ана шундай бошланди. «Ўзбекистон — истиқлол муборак!», «Мустақиллик — халқ орзуси!», «1 сентябрь — эрк байрами» каби сўзлар порлаб нур таратди. Мушакбозлик катталари болаларга, болаларни эса ҳайрат ва ҳаяжонга айлантирди. Тошкент, Мустақиллик майдони илк дафъа алвон рангли мушаклар бағрида қолди. Бу тўй катталар қалбида чинакам эрк, озодлик, миллий фахр-ифтихор туйғуларини уйғотганлиги шубҳасиз. Айни пайтда, у болалар дилида қувонч, бахтиёрлик, келажакка ишонч бўлиб қолади. Келажак ҳақида ўйлаган, уни ёркин тасаввур қила олган боладан эса эртанги кун ватанпарвари етишиб чиқади.

Шу куни Мустақиллик майдонида истиқлол байрами тантаналари ярим тунгача давом этди. Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг чиқишларига рус, украин, қозоқ санъаткорларининг қўшиқлари ҳамда қутловлари қўшилиб кетди.

УМУМХАЛҚ ТАНТАНАЛАРИ биринчи сентябр куни давом этди. Эрталабдан Тошкентнинг Анҳор соҳили янада гавжумлашди. Тошкент шаҳрининг ўн бир туманидан келган ошпазлар, чойхоначилар ва савдо ходимлари меҳмонларга хизмат кўрсатдилар. Савдо ярмаркалари кун бўйи ишлаб турди.

Халқлар дўстлиги майдони ва унга туташ Ўзбекистон миллий боғидаги шодиёналар янада кўтаринки руҳда кечди. Бу ерда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган 14 та миллий-маданий марказларнинг вакиллари хизмат қилдилар. Мушоара ўтказилди.

Гагарин хиёбонида ўрнатилган саҳнада «Мақом», «Бойсун», «Анор» каби халқ дасталарининг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Мустақиллик майдонидаги очиқ саҳна одатдагидек меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқарадиган марказий масканларидан бирига айланди. «Баҳор», «Шодлик», «Лазги», «Тановор», «Зарафшон» каби ансамбларнинг санъаткорлари кенг дастурда концерт ва рақслар намойиш қилишди. Таниқли санъаткорлар Бобомурод Ҳамдамов, Ортиқ Отажонов, Ғуломжон Ёқубов, Хайрулла Лутфуллаев истиқлолни улуғловчи янги қўшиқлардан ижро қилдилар.

Бобур номидаги истироҳат боғида эса «Ялла» вокал чолғу ансамбли яккасаройликларга маданий хизмат кўрсатишди. Байрам томошалари Улуғбек номидаги боғда, Ҳамид Олимжон номидаги хиёбонда ҳам давом этди.

Алишер Навоий номидаги театр майдонидан кун бўйи ўғил-қизларнинг кулгуси аримади. Бу ерда болаларбоп қилиб театрлаштирилган томошалар кўрсатилди. «Мустақиллик» деб номланган байрам дастурида санъаткорлар чиқишлари, спортчиларнинг ўйинлари, қизиқчиларнинг томошалари кичкинтойларни хурсанд қилди.

Пойтахтимизнинг бошқа нуқталарида ҳам ҳар хил кўнгилочар ўйинлар намойиш этилди. Масалан, Тельман номидаги боғда «Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги» бадиий ҳаваскорлари жамоалари иштирокидаги маданий-оммавий сайл, Акмал Икромов номидаги боғда «Гулла, яшна, Ўзбекистон!» байрам сайли, Фурқат номидаги боғда «Миконд» ва «Малика» меҳнат жамоалари иштирокида «Мустақиллик куни» митинги, Улуғбек номидаги боғда «Истиқлол қўёши» маданий-оммавий тадбир ва бошқалар байрам қатнашчилари эсида узоқ сақланиб қолади. Шу куни пойтахтимиздаги барча боғларда турли хил мавзуга бағишланган учрашув, шеърият кечалари, халқ сайли ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам давом этди. Жойларда сайллар, байрам оқшомлари ўтказилди. Жумладан, байрам куни Гулистон шаҳридаги истироҳат боғида кичкинтойлар учун бепул хизмат кўрсатилди. Шунингдек, шаҳар транспорти ҳам аҳолини бепул манзилига элтди. Самарқанд шаҳрида байрамга атаб «Самарқанд ерининг саховати» савдо кўргазмаси ташкил этилди. Фарғона шаҳрида ўтган йиғинларда эса Ўш, Жалолобод, Ленинобод вилоятларидан меҳмонлар қатнашдилар. Шу куни вилоятдаги туғуруқхоналарда дунёга келган 245 нафар бола учун минг сўмдан сулончи берилди. Андижон шаҳрида катта байрам муносабати билан 150 нафар уруш ногиронларига турли хил совғалар улашилди. Термиз шаҳрида тўй тантаналари янада қувончли кечди. Бу ерда байрам кунлари Термизийнинг ҳайкали очилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган тантана Москвада республикамизнинг Большая Полянкада иш бошлаган элчихонасида ҳам бўлиб ўтди. Бу ерга республикамизнинг вакилларини мустақиллик байрами билан қутлаш учун кўплаб хорижий мамлакатларнинг элчилари ташриф буюрдилар. Шунингдек, бу тантанада Москвада таълим олаётган ҳамюртларимиз ҳам иштирок этдилар. Йиғилиш қатнашчиларига ош тортилди.

Мустақиллик байрами тарихга халқимизнинг йиллар бўйи орзиқиб кутган тинчлик ва ҳамкорлик, эрк байрами бўлиб кирди.

Камол МАТЕҚУБОВ

Опасига «қўриқчи» С. МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси

ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. А. КАРИМОВга

Ҳурматли Президент!

Азиз юртдошлар!

Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ академияси байналмилал жамоаси Сизларни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги билан чин юракдан самимий қутлайди.

Республика мустақиллигини эълон қилганидан буён ўтган илк йил Ўзбекистон фуқароларига кўп нарсани ўргатди. Эндиликда улар мустақил сиёсат юритишга ўз тақдирини ўзи белгилашга қодир эканликларини кўрсатишди. Республика раҳбарларининг узоқни кўра билиши ва қатъияти, Президентнинг шахсий жасорати туфайли ўзбек халқи ўз ерига ўзи — фақаттина ўзи хўжайин эканлигини бутун дунёга эълон қилди. Мана, ниҳоят узоқ кутган истиқлол кунларига ҳам етиб келдик.

Ўтган бир йил давомида биз кўп нарсага тушуниб етдик. Мустақиллик бу сеҳрли таёқча эмаски, кўпчилик ўйлаганидек унинг ёрдамида бир сонияда йиллар давомида йиғилган ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиб бўлса. Мустақилликка эришиш мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги биринчи қадамдир. Шўро тузумидан мерос қолган маъмурий буйруқбозликдан, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолардан тез халос бўламиз деб, ўзимизни алдамаслигимиз керак. Иқтисодни оёққа турғазиш, бозор муносабатларини йўлга қўйиш, оғир саноатимизни яратиш, қишлоқ хўжалигини ва маданиятимизни ривожлантириш, миллий валютамизни муомалага киритиш, фан ва халқ таълимида янги ислоҳотлар ўтказиш, энг асосийси — ҳар биримизда янгича дунёқарашни шакллантириш бу бир куннинг ёки бир йилнинг иши эмас.

МДҲ билан иқтисодий ва маданий алоқаларни узиш, ислом давлатини яратишга чақириш, хориждан тез ва катта миқдорда ёрдам олиш, маҳаллий бўлмаган аҳолининг қизиқишига эътибор бермаслик ўзбек халқига бир тийинлик фойдаси тегмайдиган баъзи бир сиёсатдонларнинг калтабинлиги, иқтисодий ва сиёсий кўрлигининг меваси эканлигини тушуниб етдик.

Биз Президент ва давлат раҳбарларини сайлашда ва уларга ишониб хато қилмаганлигимизни англадик. Бугун МДҲнинг кўпгина минтақаларида ўқ овозлари чиқаётгани, бегуноҳ қонлар тўкилаётгани оппозицияда бўлган сиёсатдонларни Ўзбекистонда сиёсий барқарорликни сақлаб турган бугунги жумҳурият раҳбарлари ишига ўзгача кўз билан қарашга мажбур қилмоқда.

Ўзбекистоннинг ҳозирги раҳбарлари буюк мақсадларга йўналтирилган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар орқали республикани инқироздан олиб чиқишга астойдил ҳаракат қилаётганларини яққол кўриб турибмиз. Улар бу ислоҳотларни ўзбек халқига, жумҳуриятнинг ҳар бир фуқаросига суяниб амалга ошираяптилар.

Энг асосийси, мустақиллик — жумҳуриятимизни шодмон ва бахтиёр кунларга олиб борувчи ягона йўлдир. Ўзбек халқи мустақиллик йўлини тутган экан, бу йўлда унга Аллоҳ куч ва сабр-тоқат ато қилсин.

Т. Н. ТОЖИДДИНОВ,
Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ академияси президенти
Москва шаҳри

Мухбиримиз Америкадан хабар қилади:

Хайрулла ИСМАТУЛЛА

ДУНЁ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРИ КОНГРЕССИ

Ўзбеклар ва дунё

ЎРИС-СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ИМПЕРИЯСИНИНГ инқирозга юз тутиши ва бунинг натижасида қадимги давлатларнинг яна мустақиллик йўлига қадам қўйишлари дунё сиёсатида катта бурилишларга олиб келмоқда.

Ягона Туркистон ўрнида пайдо бўлган жумҳуриятлар (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон) мустақиллик эълон қилишлари билан жаҳон мамлакатлари ўртасида уларга қизиқиш бир неча бор ошиб кетди. Қисқа муддат ичида юздан ортиқ давлат Ўзбекистон ҳамда қўшни қардош давлатларни тан олдилар, дипломатик алоқалар ўрнатишга киришдилар.

Бир қанча мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Туркия, Эрон туркий жумҳуриятларнинг ҳозирги аҳволи ва келажагини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Эроннинг пойтахти Теҳронда шу йил 2—4 март кунлари Сиёсий ва халқаро тадқиқотлар институти томонидан «Собиқ СССРнинг қайта бўлиниши ва унинг Учинчи дунёга муносабатлари» мавзуида кенг миқёсда йиғилиш ўтказилиб, унда асосий эътибор Ўрта Осиё жумҳуриятларини ўрганишга қаратилди.

Туркиянинг кўп жиҳатдан яқинлиги бўлганлиги ҳолда шу вақтларгача бу мамлакатда собиқ совет туркий жумҳуриятларини тадқиқ этиш яхши йўлга қўйилган эмасди. Фақат 1991 йилги инқилобий ўзгаришлар сабабли Туркия олимлари бу камчиликни бартараф қилишга киришдилар. Туркистон халқлари тарихи, тили (алифбоси), иқтисодини тадқиқ этишга бағишлаб Туркияда ўтказилаётган бир қанча йиғилишлар шундан далолат беради.

1992 йил 16 май куни Америка—Туркия жамиятининг ташаббуси билан Нею Йоркда Дунё Турклари конгресси очилиб, унда «Дунё туркий халқларининг тарихи ва ҳозирги аҳволи» мавзуида симпозиум ўтказилди. Бу йиғилиш «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!» шиори остида ўтди.

Мазкур симпозиум кун тартибига 15 маъруза киритилган бўлиб улар барча йирик туркий халқлар тарихи, тили, адабиётлари масалаларига бағишланган эди.

Йиғилишни Туркиянинг Вашингтондаги элчиси Ҳ. Е. Нузҳат Қонтомир табрик сўзи билан очиб, Туркия давлат арбоблари ҳам бу йиғилишга катта эътибор бераётганлиги ҳақида гапирди.

Биринчи бўлиб, профессор В. Фиерман «Ўзбекистонда исломга бўлган муносабат» мавзуида маъруза қилди. Бу олим Ўзбекистонда совет тузумининг илк кунлариданоқ исломга нисбатан агрессив сиёсат олиб борилганлигини ҳатто Абдуллаева, Нишонов ҳукмронлиги йиллари фақат исломгагина эмас, балки қадимги анъанавий урф-одатларга, байрамларга (Наврўз) нисбатан ҳам жоҳилларча хуруж қилинганлигини далиллар билан кўрсатиб берди. Профессор В. Фиерман фикрича, Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг ислом динига бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Туркиянинг Мармара университети профессори Нодир Давлат, Колумбия университетидан Дўлқун Қамбарий, Татаристондан Шафиқа Давлат Риёд,. АҚШ Луизвилл университети профессори Юстин Маккарти, Хелсинки Тинчлик анжуманининг маслаҳатчиси, президент сайлови кунлари Ўзбекистонда кузатувчи бўлиб қатнашган доктор Патритсиа Карли ва бошқалар туркий халқлар тарихи, уларнинг шу кунги иҳтимоий ҳамда иқтисодий мавқеига оид қизиқарли маърузалар қилдилар.

Мен бу анжуманга Индиана университети номидан қатнашиб, 20-йиллар адабиёти ҳақида гапирдим. Маърузам «Туркистон адабиёти ҳақида ўйлар» деб номланиб, унда Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон ижодлари хусусида тўхталдим. Яна маърузада Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпонларга маломат тошини отган ва ҳали ҳам отаётган қизил маддоҳлар тўғрисида сўзладим. Чўлпоннинг эркинликка, «кишан киймасликка» чорловчи айрим шеърларини (инглизча таржималари билан) келтириб, таҳлил қилдим. Қамалганидан кейинги (1934 йил) Чўлпон қайфиятини, давр муҳитини таҳлил этишда ўша йили ёзилиб, эълон қилинмаган ушбу шеърини Америкада биринчи марта анжуман қатнашчилари ҳукмига ҳавола этдим:

Азиз синглим, менинг
умрим тентакдир,
Шунинг учун бутун
умрим эртакдир.
Эртак эмас, бир ярамас
хаёл денг,
Таним учун, жоним учун
малол денг.

Хаёл эмас, малол эмас,
бу — бир туш:
Ҳар нафасни, шу
бир пасни унутиш...

ХХ аср Туркистон миллий адабиёти асосчилари қўлидаги байроқни ерга туширимасдан баланд кўтарган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби иқтидорли ва ватансевар адибларимиз ижоди Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат анъаналарининг давоми, деб баҳоланди маърузада.

Илк бор Нею Йорк марказидаги энг машҳур Марриот Маркуиз Хотелнинг осмонўпар биносида Чўлпон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърлари ўзбек ва инглиз тилларида янгради.

Бу анжуманда барчани қизиқтирган масалалардан яна бири туркий халқлар алифбоси бўлди.

Туркистоннинг туркий халқлари қайси алифбони қабул қилишлари деярли ҳамма мутахассисларни қизиқтирмоқда. Бунинг боиси бор. Агар туркий халқлар ягона алифбо қабул этсалар, бир-бирларини тушунишлари осонлашади, тилларнинг яқинлашуви тезлашади.

Хорижий мутахассисларнинг фикрича, агар лотин алифбоси қабул қилинса, лотин алифбосидаги туркий тиллар бирлигига асос солинган бўларди.

Менингча, лотин алифбосининг араб алифбосига нисбатан афзал томонларини санаб кўрсатиш ортиқча бўлса керак. Лотин алифбосининг афзалликларини ва араб ёзувининг камчиликларини Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, машҳур шарқшунос олим Убайдулла Каримов ўзларининг «Маданий миллатлар билан бир қаторда» сарлавҳали мақолаларида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 йил, 29 май, 5-бет) асослаб берганлар. Нею Йорк йиғилиши қатнашчилари Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон республикалари яқин келажакда лотин алифбосига ўтишига умид билдирдилар.

Дунё туркий халқларининг тарихи ва ҳозирги аҳволи деб номланган бу йиғилишнинг юқори савияда ўтганлигини унга бўлган Туркия давлат арбобларининг муносабатларидан ҳам билиш мумкин. Йиғилиш номига Туркия Бош вазири Сулаймон Демирал ва ташқи ишлар вазири Ўкмат Четин табрик юбордилар.

БОШ ВАЗИР ТАБРИГИДА бу симпозиум туркий давлатларни бирлаштириш ва буюк бир туркий дунёнинг янгидан тарих саҳнасига чиқиши йўлида қилинаётган ишларга ёрдам беради, дейилган. Яна табрикда «Симпозиумда ўқиладиган маърузаларни бир китоб ҳолида чиқариш фан дунёсига ҳамда дунё туркларига хизмат этади», деб уқтирилади.

Ташқи ишлар вазири табригида «Озарбойжон, Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон жумҳуриятларининг мустақил давлатлар ўлароқ тарих саҳнасига чиқишлари ва дунё давлатлари орасида ҳақли ўринларини олишлари туфайли бундай симпозиум янада яхши ўтиши шубҳасиздир», дейилганди.

Бу башорат тўғри чиқди.

Индиана университети
Блумингтон

МУЛОҚОТ. Адиблар Абдусанд Кўчимов ва Гаффор Ҳотамов.
С. МАҲКАМОВ суратга олган

Биз Туркистон мусулмонлари кечираётган жафоларимиз, фақирлигимиз ва нодонлигимизга жавобгар бўлган рус бюрократиясидан нажот кутмаймиз.
Мустафо ЧЎҚАЙ ўғли. 1906, 19/VIII

МУСТАФО ЧЎҚАЙ ЎҒЛИ КИМ ЭДИ?

Тарих ва тақдир

ТАРИХНИНГ ЭНГ МУРАККАБ, чигал, алғовдалғовли паллаларида ҳар бир халқ ўз ўтмишига назар солади. Одатда кўп йирик сиймолар, тарихий китоблар худди шундай даврларда майдонга чиқади. Аслида 1715 йил — аштархонийларнинг сўнгги вакили Абулфайзхон (1711—1747) замонидан — бошланган Чор истилоси 1924 йилга келиб Туркистонни парчалаш билан якун топди. Юрт, халқ эзилди, янчилди, таланди, хўрланди, парчаланди. Бироқ зулму ситам қанча кучаймасин бу халқнинг маънавиятини, руҳий бирлигини йўқ қилолмади, қилолмагай!

Ана шундай руҳий-маънавий бирликни сақлаб қолиш учун курашганлардан бири миллатпарвар Мустафо Чўқай ўғлидир.

Мустафо Чўқай 1890 йилнинг 17 январида Оқмасжидда қипчоқ қабиласига мансуб қозоқ аслзодаларидан бўлмиш Тўрғай оиласида дунёга келди. Дастлаб ўз қишлоғида, сўнг Тошкентдаги рус гимназиясида, 1910—1914 йиллари Петербург дорулфунунининг ҳуқуқшунослик факултасида таълим олди. У ХХ аср бошларида Оврупода кечаётган мураккаб сиёсий-иҳтимоий воқеаларнинг туб моҳиятини англашга тиришди. Дорулфунунни аъло битирган Мустафо рус, турк тилларини яхши билар эди. Кейинроқ тақдир тақозоси, мураккаб умр йўли боис инглиз, француз, поляк тилларини ҳам мукаммал эгаллади.

Мустафо Чўқай ўғли 1917 йил аввалида Петербургдан Пенза, Сизран, Самара орқали Оренбургга келади. У ерда Туркистон миллатпарварлари Биринчи Умумқозоқ қурултойига тўпланадилар. Зиёлилар ўзаро фикр алмашишиб, юрт келажаги, истиқлоли учун керакли дастур ишлаб чиқиб, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдусамиқори, Сариқул, Юсуфбек ва Мустафо Чўқай ўғли биргаликда Туркистон томон транда (поездда) йўлга чиқадилар. Афсуски, бешала улуғ зотнинг суҳбат-хотираларидан биз бехабармиз.

Мустафо Чўқай ўғли Туркистоннинг парчаланмаслиги учун Чор ҳукуматининг сиёсатига қарши мардларча курашди. У 1917 йили — энг қалтис даврда Тошкентда бўлиб болшевикларга қарши тинмай тарғибот олиб борди. Чунки болшевизм, Боймирза Ҳайит тўғри, аниқ ифодалаганидек, Чор Россияси Туркистон сиёсатининг мураккаб давомидир.

Табиийки, Мустафо Чўқай ўғли тазйиққа учрайди ва 1919 йили мажбур бўлиб Гуржистонга кетади. У ерда ҳам вақтли матбуотга фаол қатнашиб босқинчилик сиёсатининг қоронғуликлари, «ўйинлари»ни фош этади. Оқибатда яна тазйиққа дучор бўлиб 1920 йили Туркияга ўтиб кетади. У ердан Берлинга боради, охири Париж яқинидаги Ногент-Сур-Марнеда яшайди. Қанча сарсон-саргардонлик, тазйиққа дашном, хўрлик кўрмасин, умрининг сўнгги нафасигача Туркистон тупроғига, руҳига сиғинди.

1940 йили немислар Парижни истило қиладилар ва Мустафо Чўқай ўғли ҳибсга олиниб, Копенгаген қамоқхонасига юборилади. Бу азоб, руҳий қийноқлар изсиз кетмади. Бир чимдим Ватан тупроғи армонида Мустафо Чўқай ўғли 1941 йилнинг декабрида Берлинда вафот этади.

МУСТАФО ЧЎҚАЙ ЎҒЛИНИНГ умр йўли, курашлари тарихини ўз ичига олган «Ўн еттинчи йил хотира парчалари» китоби Туркистоннинг фожиали кечмишидан дардли саҳифалардир. Ушбу ҳасратли китоб илк бора «Ёш Туркистон» мажмуасида 1936 йил 76-сонидан бошлаб 1937 йилнинг 90-сонигача парча-парча босилиб, 1937 йили алоҳида китоб шаклида чоп этилган.

«Хотиранинг асосий мақсади, — деб ёзади муаллиф, — туркистонликларга у замонда (1917—24) дуч келган қийинчиликларимизни кўрсатишдир». Мустафо Чўқай ўғли Чор қўшинлари, кейинчалик болшевикларнинг юртимизни истило қилишлари, маданиятимиз, қадриятларимизни талаганликлари, маҳаллий халққа зўрлик, ситам ўтказишларининг сабаб ва оқибатларига ўзича важ излайди. Босқинчилик сиёсати, психологиясини оча бориб, ёвузларга қарши биз — туркистонликлар тўла бирлаша олмаганимиздан ачинади, хўрсинади. «Миллий манфаатлар йўлида, — деб ёзади у, — курашиш лозимлигини билганлари ҳолда туркистонликлар ўзаро кучли бирлик қура олмадилар ва бунга улгурмадилар».

Айниқса, муаллифнинг генераллар — Духовский, Иванов, Мартинс, Самсонов, Куропаткин ҳақидаги қаҳр-ғазаб тўла хотиралари бугунги сиёсат қинғирликларини англашимиз учун ибратлидир.

Мана, зобит генерал Духовский ҳақидаги хотирадан бир парча: «1898 йилги Андижон қўзғолонидан кейин бутун Андижон уламо, руҳонийларини масжиди жомега тўплаб, ҳаммасини тиз чўкиб сажда этишга мажбур этган. Энг улуғ саналган уламолардан бир нечасининг саждадаги боши устидан босиб ўтган ҳам ана шу Духовский эди. Бундай хўрланишни ҳеч бир туркистонлик унутмаган бўлса керак...»

Генерал Иванов. «Бу киши Тошкентни руслар олиши пайтида (1865 йил, 15 — 17 июн — И. Ғ.) ёш зобит ўлароқ қатнашганлардан бири эди. У киши ўз қўли остидаги маъмурларга ерли халқларга нисбатан ҳеч қандай ачинмаслик кераклигини, унга ҳар замон муштининг кучини кўрсатиб туриш лозимлигини талқин этарди...»

Золим рус генераллари ичида ўзининг қабиҳлиги билан ажралиб турғувчи ғаддор шахс Самсонов бўлган. Мана, унинг жирканч сўзлари: «Мужикнинг ўғриси ҳам ҳар қандай туркистонликдан, унинг авлиёсидан ҳам яхшидир». Мустафо Чўқай ўғлининг гувоҳлик беришича, Авлиёота масжидига чорнинг ва ўзининг расмини остирган кимса ҳам ана шу Самсоновдир.

Генерал Мартинс эса 1916 йил 3 августда чиқарган ўзининг ғайриинсоний буйруғи билан ёвузларнинг Гиннес китоби бўлганда биринчи бўлиб жой оларди. Мана ўша «буйруқ»нинг мазмуни: туркистонликлар ҳар бир рус зобити ва маъмурини кўрганда ўрнидан туриб қарши олишга мажбур... Бу дев важоҳатли генерал даврида Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси хўрликнинг энг тубан оқибатларини ўз бошидан кечирган.

Мустафо Чўқай ўғли бу ёвуз генералларнинг қилмишларини юрак қони, сўнгсиз ўкинч ва алам билан ёзаркан, биз — авлодлар ҳар қандай шаклдаги босқинчилик сиёсатидан ҳамиша ҳушёр бўлишимизни, сиёсатнинг буқаламунликлари, «қоронғуликлари» олдида тентираб қолмаслигимизга умид қилади. «Буқаламунликнинг энг нодир намунаси — деб ёзади у, — умумволи генерал Куропаткин бўлган. Бир тарафдан ўз саройида Туркистон халқининг вакилларини «бир қардош» каби қабул этган бўлиб кўринса, орқадан эса, Еттисувдаги бутун қозоқ, қирғизларни қувиб, ерларини рус муҳожирларига бўлиб бериш амрини бериб турарди. Жиззах шаҳрининг ва кўп қишлоқларнинг вайрон этилиши Фолбаум, Иванов, Красилников ва бошқаларнинг идораси остидаги жазо гуруҳлари томонидан қирилган минглаб маъсум халқ қонининг масъулияти ҳам ана шу генерал Куропаткин устидадир».

Бу каби аянчли хотиралар фақат ўша йиллардаги воқеликнинг моҳиятини, зўравонлик сиёсатини фош этиб қолмасдан, балки 1924 йилдан сўнгги «социализм байроғи остидаги империя»нинг кечагина қилган қинғирликлари ҳушёр торттирди.

Мустафо Чўқай ўғлининг «Ўн еттинчи йил хотира парчалари» китобидаги энг долзарб, тарихимиздаги ўрганилмай келинаётган жиҳатлардан бири Қўқон мухториятининг тузилиши ва парчаланиши масаласидир. Мана, Чор босқинчилигининг қонуний давомчилари бўлмиш болшевиклар томонидан Мухториятга юборилган ултиматумнинг жонли тарихи:

1917 йил 8 декабрь эрталаб соат 11 дан 20 дақиқа ўтганда болшевиклар Мухторият аъзолари жойлашган бинога ултиматум юборадилар. Унда тўрт шарт баён қилинган эди:

1. Мухторият ҳукумати совет ҳокимиятини таниши;
2. Туркистон халқини совет ҳокимиятига бўйсунишига чақириб баённома нашр этиш;
3. Аҳолини қуролсизлантириш. Халқ қўлидаги бор қуролларни болшевикларга топшириш;
4. Миллий ҳукумат милиция ташкилотини тарқатиш ва ҳақозолар талаб этилган.

Ҳукумат аъзоларидан Миродил, Абдурраҳмон Ўрозий, Ҳидоятбек Юрғули, Мустафо Чўқай мазкур шартни ўқиб кўрганлар ва қуйидагича мухтасар, аммо жасорат, Ватан туйғуси-ла суғорилган мактубни болшавойларга юборганлар: «КУЧ СИЗ ТАРАФДА. БИЗДА ЭСА ҲОЗИРЧА ЎЗ МИЛЛИЙ ҲАҚИМИЗНИ ТАНИГАНЛИКДАН БОШҚА КУЧ ЙЎҚ. СИЗ БУ КУРАШДА БИЗНИ ЕНГИБ ЧИҚИШИНГИЗГА ҲЕЧ ШУБҲА ЙЎҚ. ШУ БИЛАН БИРГА, СИЗНИНГ ҲОКИМИЯТ ҲАҚҚИНГИЗНИ, ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИ ТАНИШНИ РАД ЭТАМИЗ...»

ВАТАН ВА МИЛЛАТ ҚОНИ, ғурури, шаъни билан суғорилган бу мактубни йўллагандан сўнг 20 дақиқа ўтгач, яъни 1917 йил 8 декабрь соат ўн биру қирқда болшевиклар Мухторият жойлашган бинони ўққа тутганлар.

Булар эзилгану енгилмаган, талангану миллийлигини унутмаган Туркистон кечмишидан бир парча, холос. Мустафо Чўқай ўғлининг «Ўн еттинчи йил хотира парчалари»ни тўлиқ ўқиган ҳар бир имони бут авлод юрт мустақиллиги йўлида Мустафо Чўқай шахсияти ва курашидан ўрнак олиш ғурурини туяди.

Илҳом ҒАНИ
Бухоро

НОДИРА ТАВАЛЛУДИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

НОДИРАБЕГИМ ВА ОЛТИНБЕШИК АФСОНАСИ

Доймий ҳамроҳ

НОДИРА ДЕВОНИНИ ЎҚИР ЭКАНСИЗ, девондаги бир қанча шеърларда шоирнинг ўз уруғини Бобур авлоди деб атаганлигининг, темурийлар наслидан эканлиги билан фахрланганлигининг гувоҳи бўласиз. Масалан, фарзандларидан бирининг туғилиши муносабати билан ёзилган шеърда шундай мисралар бор:

Баҳри давлатдин башорат сизга,
эй аҳли жаҳон,
Бир ҳумоюн тифл Бобур наслидан
бўлди аён.
Навниҳоли бўстони Темури соҳибқирон
Умридин бар топқай ул шаҳзодайи
олийнишон,
Жилвагар моҳи жамолидин асолат жавҳари.

Девондаги яна бир ғазалда шундай байтни ўқиймиз:

Саёдат хонадони, шоҳи Бобур насли
покиман,
Худоё раҳмат айла, барча авлоди изомимни.

Нодирабегим юқоридаги шеърларида нимага асосланиб ўз уруғини Бобур насли, темурийлар авлоди деб атайди, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, Қўқон хонлари ўзларининг келиб чиқишларини буюк шоир ва подшоҳ Бобур мирзога боғлайдилар. Бу фикр Фарғона тарихига бағишланган «Тарихи Шоҳрухий», «Ансоб ул-салотин ва таворих ул-ҳавоқин», «Мунтахаб ут-таворих» сингари тарихий асарларда ҳам бор. Қўқон хонларини Бобур Мирзо наслидан деб ҳисобловчилар Фарғона водийсида тарқалган, айниқса минг уруғида машҳур бўлган Олтинбешик тўғрисидаги афсонага суянадилар.

Ушбу афсонада ҳикоя қилинишича, Бобур мирзо Шайбонийхондан енгилиб, қочиб кетаётганда у ўтган йўлдан кишилар бир бешик топиб оладилар. Олтин ва кумуш билан безатилган, устига кимхобу атласлар ёпилган бешикда бир гўдак ўғил бола ётган бўлади. Топиб олган кишилар ўша теваракда жойлашган Сарой, Тирғова, Чинкат деб аталувчи қишлоқларда яшовчилар бўлиб улар ўртасида топилдиққа ким эгалик қилиши тўғрисида талаш чиқади. Шунда улар буни чек ташлаш йўли билан ҳал этадилар. Бешик саройликларга, ёпинчиғи, чинкатликларга, бола тирғоваликларга тегади. Ҳар қайсилари ўз тегишларини олиб, тарқаладилар. Болага тирғоваликлар Олтинбешик деб от қўядилар. Олтинбешик тирғоваликлар орасида ўсиб, катта бўлади. Кучли, билимли, ақлли бўлиб етишганидан ўша теваракда яшовчи уруғлар уни ўзларига бий қилиб сайлайдилар. Олтинбешикдан кейин 200 йилга яқин унинг авлоди бийлик қилади. Шоҳрухбийга етганда Фарғонанинг катта қисмидаги ўзбек уруғларининг барчаси унинг ҳокимиятини тан олиб, уни хон деб атай бошлайдилар. Фарғона юртини сўраган Қўқон хонлари то Худоёрхонгача ўзларини ана шу Олтинбешик авлоди, у орқали Бобур ва Темур авлоди деб санайдилар.

Бу ривоятга турли хил муносабатлар билдирилган. Айримлар Қўқон хонлари ўз насабларини улуғлаш учун бу афсонани тарихчиларга атайин буюриб тўқитганлар деб ҳисоблаганлар. «Фарғона тарихи» муаллифи Ибратнинг фикрига кўра эса, Фарғонада кучли ҳокимият бўлмаган бир даврда бир ишбилармон, доно киши улуғ подшоҳлар ёки хонлар наслидан киши бўлмаса бу халқни бирлаштириб, бошқариб бўлмайди деган ўй билан бир тадбир қўллаган. Унинг буйруғи билан ўша донишманд уруғидан бир гўдакни бешикка солиб катта йўлнинг бўйига қўйганлар ва топиб олган кишиларга «Бу бола Шайбонийхондан қочиб кетаётган Бобур мирзонинг ўғли», — деб тушунтирганлар. Ҳалиги кишилар бу сўзларга ишонганлар ва болани талашганлар. Кейин, юқорида айтиб ўтилганидек, чек ташлаганлар.

Демак, Ибрат бу афсона хонларнинг буйруғи билан тўқиб чиқарилган деб ҳисобламайди. Олтинбешик ривояти тўғрисида шунга ўхшаш турли-туман фикрлар мавжуд бўлсада, битта нарсага, яъни унинг афсона эканлигига ҳеч ким шак келтирмаган. Чунки илмли кишилар тарихий манбалар — «Бобурнома», «Шайбонийнома» ва бошқа асарлардан яхши хабардор бўлганлар, Бобур мирзонинг бу ерларда ҳеч қандай ўғли қолмаганлигини яхши билганлар. Нодирабегим ва Умархон ҳам Қўқон хонларининг Бобур насли, Темур авлоди эканлиги ҳақидаги сўзларни тарихий манбалар тасдиқламаслигини яхши билишган. Лекин шунга қарамай, юқорида кўриб ўтганимиздек, ўзларини Бобур насли деб ҳисоблаб шеърларида ҳам, девонларида ҳам буни таъкидлаб, фахрланганлар. Амирий ўз девонига ёзган дебочасида бундай дейди: «...вужудим гулбуни Темур Кўрагон гулистони шажарасининг самарасидур ва ҳилқатим ниҳоликим, Бобур Султон чаманининг навбодасидур».

Амирийнинг бу сўзлари ҳам ёки Нодирабегимнинг қуйидаги:

Башорат, сизга эй аҳли жаҳонким
мулки дунёга
Чароғи маҳфили Олтинбешик Бобур
нишон келди, —

байти ҳам ана шу Олтинбешик афсонасига суяниб айтилгандир.

ЮРИНАДИКИ, УЛАР ТАРИХИЙ МАНБАЛАРГА эмас, мазкур афсонага ишонганлар. Уларнинг, хусусан, Нодирабегимнинг Олтинбешик афсонасига бундай муносабати бизга қизиқ туюлади. Буни Нодирабегимнинг ўз насабини, ўз фарзандларини Бобур ва Темур насли қилиб кўрсатиши истаги билангина изоҳлаш тўғри бўлмайди. Бизнингча, бу — шоирнинг юрагига энг яқин, қадрдон туйғулар, ҳиссиётлар билан боғланган. Ҳар бир оила, уруғда авлоддан-авлодга ўтиб келган, оила, уруғ аъзолари учун беиҳоя қадрли бўлган эсдаликлар, қутлуғ ёдгорликлар бўлади. Олтинбешик афсонаси Нодирабегим уруғи учун ҳам шундай азиз ва қадрдон, уларнинг ҳар бирининг кўнглига беҳад яқин ёдгорлик бўлган. Шоирнинг тарихий манбаларга эмас Олтинбешик афсонасига эътиқод қўйиши ана шундандир. Яна, бунда шоирнинг темурийларга, Бобурга бўлган ихлос ва ҳурмати ҳам ўз аксини топган. Бизга маълумки, темурийлар илм-фанга, маданиятга, адабиётга ҳомийлик қилганлар, уларнинг кўплари яхши шоирлар бўлиб, адабиётимиз тарихида ҳам из қолдиришган. Темурийлар қурдирган биноларнинг кўплари бугунги кунда ҳам она юртимиз шаҳарларида бўй чўзиб турибди. Маданиятнинг, адабиётнинг, халқ хўжалигининг бошқа бирор даврда темурийлар давридаги каби юксалганини тарих билмайди. Нодирабегим ўз уруғини темурийларга нисбат берар экан, бунда темурийларнинг ана шу ишларига эҳтиром уларга ҳавас қилиши, ўхшашга интилиши ҳам бор.

Давлатни бошқариш, маданиятга, илм-фанга ҳомийликда Нодирабегим темурийларнинг ана шу анъаналарини давом эттирган. Умархон ва Нодирабегим даврида Қўқон хонлигида бир қанча ажойиб, юртнинг ободлигига сабаб бўлувчи ишлар амалга оширилди. Мадрасалар бино қилинди, талабалар ва мударрисларга ғамхўрлик кўрсатилди, деҳқончилик, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ривожлантирилди. Айниқса, адабиёт аҳлига юксак ҳурмат кўрсатилди. Ўзбек адабиётига жуда кўплаб улкан сўз санъаткорларини етказиб берган Қўқон адабий муҳитининг юзага келиши ҳам Нодирабегим ва Умархон номлари билан боғлиқ. Уларгача Қўқонда, балки бутун Фарғона водийсида бунчалик катта кенг адабий ҳаракатчилик бўлганлиги маълум эмас.

Хуллас, Нодирабегимнинг Олтинбешик афсонасига бўлган муносабатининг тагида, бизнингча, ана шундай сабаблар бор.

Нодирабегим ва Олтинбешик афсонаси ҳақида фикр юритар эканман, менда яна бир мулоҳаза пайдо бўлдики, уни ҳам келтириб ўтмоқчиман. Халқимизда «Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди» деган ҳикматли сўз бор. Эҳтимол тарихда ҳақиқатан ҳам шу афсонанинг туғилишига сабаб бўлган қандайдир кечмиш бўлиб ўтгандир.

МАНА ШУ ФИКР МЕНГА ТИНЧЛИК БЕРМАДИ, буюк Бобурнинг ҳаёт йўли, у билан боғлиқ тарихий воқеаларни қайта-қайта хаёлимдан ўтказдим. Илгари неча қайта ўқиб чиққаним «Бобурнома»ни яна қўлимга олдим ва шунда бир факт мени бир оз таажжубга солди. Бобур ўзининг биринчи уйланиши, яъни амакиси Султон Аҳмад мирзонинг қизи Ойшабегимни ўз никоҳига олганлиги тўғрисида маълумот беради. 1501 йили Бобур мирзо Самарқандни эгаллаб тахтга ўтирганда бир қиз кўради. Қизчага Фахрунисо деб от қўяди. «Менинг тўнғич фарзандим бу эди», деб ёзади Бобур бу ҳақда. Лекин қизча кўп яшамайди. Бобур мирзо Самарқандни Шайбонийхонга олдириб ўратепа ва Хўжандга келади. Ойшабегим опасининг йўлдан уриши билан Бобур мирзодан чиқади. Ўз асарида бу воқеалар ҳақида муфассал маълумот берган Бобур мирзо негадир шундан кейинги етти-саккиз йиллик воқеаларни баён этаркан, оиласи ҳақида сўз очмайди. Фақат 1508 йил воқеалари зикридир шу йили Кобулда Ҳумоюн туғилганини айтади. Ойшабегимдан ажралгандан то Ҳумоюн туғилгунча орада ўтган етти йилда оилавий аҳволи қандай бўлганлиги ҳақида сукут сақлайди. Тўғри, бу йиллар унинг ҳаётининг энг оғир даврлари эди. У тахтидан ажраб, гоҳ тоғаси Султон Маҳмудхон эшигида, гоҳ Фарғонанинг турли ерларида сарсон бўлиб юрган. Бу йилларда кўрган азоблари, хорликларини у ўз асарида қайд этган. Шунга кўра, Бобур мазкур йилларни оиласиз ўтказган бўлиши ҳам мумкин. Лекин, барибир, менинг назаримда мана шу ерда қандайдир бир сир бордек, Олтинбешик афсонаси дарахтининг учини қимирлатган шамол ана шу йиллар қаъридан эсгандек туюлади.

Қодиржон ЭРГАШЕВ

«КУЙГАНИМ — СУЙГАНИМ»

ЧЎЛПОН МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ, иқтидорли шоир Азим Суюннинг Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмасида чоп қилинган «Куйганим — суйганим» (1991) китоби унинг сўнгги 20 йил мобайнидаги ижодининг ўзига хос сарҳисоби бўлди, дейиш мумкин.

Тўпламдан муаллифнинг «Иморат» достони, «Сарбадорлар» тарихий фожеаси, турли йилларда ёзилган шеърлари ва баъзи таржималари жой олган.

Азим Суюн шеърларида миллат озодлиги, ўзбекнинг ўзлиги эҳтирос билан улуғланади. Ҳар бир шеърда юрт озодлигига интилувчи инсоннинг товуши жаранглаб туради. «Умидлари сароб кезган ўзбек»дан «Сенинг учун хўрланай, Ватан» деб, нидо қилган ёки «Бу Ватанда эрк, иқбол, тенглик — шиор — саробдир. Бу Ватанда сиёсий маҳбус ўлмоқ савобдир» дея, сарсон суринган одамгача юртининг тақдирини, озодлигини ўйлайди. Шоирнинг ягона идеали — руҳи озод одам. У жисмнинг зафари-ю, мағлубиятини тан олмайди. Жангда ҳалок бўлган баҳодирнинг арғумоғи узра ғолиб руҳ мужассам эканини кўриб туради. Баҳодирнинг ўлимига «майсалар лол эгилиб», «қушлар самода унсиз», «тоғлар тунд, беҳол» мотам тутади. Аммо мотамсаро юраклар «Ўх ботирим, қайдасан?» деб, озод руҳ томон талпинаверади.

Жаҳолат комига итарилган, пароканда юртдан, ологмонсифат одамлардан даҳшатга тушган қалб «Ўзбек қачон эл бўласан, тўлиб-тошган сел бўласан Шу кетишда кетсанг агар, бир кун қора ер бўласан!», дея алам билан ҳайқиради; озод юртнинг таъмидан бенасиб одамларга неларнидир англатмоқ истаги жисми-жаҳонини ўртайди.

Китобни варақлаб, ўзбекнинг кечмиши-ю, ўтмишига саёҳат қилгандек бўласиз. Халқимизнинг бирда ғолиб, бирда маҳзун овозини эшитасиз. Сарбадорлар жасоратидан кўнглингиз тоғдек ўсса, Маҳмуд Ялавочлар хиёнатидан йўқлик қаъригa қулайсиз. Хуллас, тарихимизни шеърий образлар, гўзал ташбеҳлар, ибратомуз ҳикматлар орқали қайта идрок қиласиз. Халқ донишмандлигининг тирик сиймолари бўлмиш — чечанлару термачилар, маталчню сўзамолларнинг куйиб-куйиб, суйиб-суйиб сўйлаган сўзларидан, достону ҳикматларидан баҳраманд бўласиз.

Шеърият ихлосмандларини шоирнинг «Куйганим — суйганим» китоби ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Жалолиддин САФО

Хосият БОБОМУРОДОВА

БОРМИСАН, ЎЗБЕК!

«Ҳажга борганимда гуруҳимиздан ажралиб, адашиб қолдим. На йўл, на тил биламан, на пулим бор. Бу ҳалоқатга маҳкумлик билан тенг эди. Тепароқ жойни топиб чиқиб олдим-да, жон ҳоврида, «Бормисан, ўзбек?», — деб бақиравердим. Чунки ўзбекнинг оёғи етмаган жой йўқлигини билардим. Қорақалпоқ халқи саҳоватли ўзбек халқига суяниб яшашини билардим. Ҳақиқатдан ҳам Маккада яшаб қолган икки ўзбек келиб менга ёрдам қўлини чўзишди».

Қорақалпоқ адиби Тўлапберган Қайипберганов ҳикояси.

Қалпоғинг адашди, тўнинг адашди,
Пичоғинг адашди, қининг адашди,
Макканинг муқаддас кўчаларида
Қондош қорақалпоқ ининг адашди,
Бўйингни бир кўрсат, бормисан, ўзбек?

Темурнинг оёғи қирқ юртга етди,
Улуғбекнинг қўли юлдузни тутди,
Навоийнинг сўзи, Бобурнинг сўзи
Абад ўлим билмас жойларга кетди,
Мангулик боғида сормисан, ўзбек?

Жавоб топ, қайдадир Машрабнинг
боши,
Нечун Нодиранинг кўзида ёши,
Усмонинг, Чўлпонинг, Фитратинг қани,
Бу элнинг шунчалар кўпми бардоши,
Нажотмисан ёки дормисан, ўзбек?

Ув, дили оқ халқим, йўли оқ, халқим,
Ёлғон мақтовлардан димоқ чоқ,
халқим,
Оқариб кетди-ку, денгизларинг ҳам,
Ортингга қайрилиб бир бор боқ,
халқим!
Бошинггача оппоқ қормисан, ўзбек?

Ранги сарғайганча жонингни тутдинг,
Жангда таланганга қонингни тутдинг.
Тагингга билдирмай сув қуйганларга
Қучоғингни очдинг, нонингни тутдинг,
Оҳ, ўзи бекмисан, хормисан, ўзбек?

От сурдинг, саҳрою чўлинг чекинди,
Дарёи азиминг, қўлинг чекинди,
Токай карвонингни кўксида андуҳ,
«Чўк» деса, «йўқ» демай тилинг
чекинди,
Карвон йўлларида, нормисан, ўзбек?

Қонингда олов бор, исён бор сенинг,
Руҳингда диёнат, имон бор сенинг,
Тирик шоҳ тик туриб жон берган
юртсан,
Ким айтар, ичингда қуён бор сенинг?!
Мардмисан, лабзингга ёрмисан, ўзбек?

Ота юрт, она халқ эркинг ўзингда,
Белбоғинг белингда, бўркинг ўзингда.
Аёлинг бўшамас бешик бошидан,
Эрларинг ғурурли, кўркинг ўзингда.
Йўлингга тушиб ол, орлисан ўзбек,
Ўзингни бир кўрсат, бормисан, ўзбек?!

●

Йигитни қиз учун осган одамлар,
Нонкўрни туз учун осган одамлар.
Бўйнида сиртмоғи, додлайди Машраб:
Шоирни сўз учун осган одамлар!

Усмонни не учун талади итлар,
Чўлпоннинг косасин ялади итлар,
Улар кетиб нечун қолади итлар,
Шоирни сўз учун сотган одамлар.

Ҳамон ўртар Зебунисо кўзлари,
Титратади Нодиранинг бўзлари,
Йигитдек сўз айтар бу юрт қизлари,
Шоирни сўз учун отган одамлар!

Қўксимни бир ўққа этгудек дучор,
Шу битта бошимга кетиргудек дор,
Дилларни бир умр этгудек бедор,
Биттагина сўзни топсам, одамлар...
Сўнг кўзни тупроқ-ла ёпсам, одамлар...

КЎҲНА САМАРҚАНД

Карвонлар келарди етти иқлимдан
Шоҳилар, чиннилар ортишиб той-той,
Боғлари жаннатдан нусха кўчирган,
Егани бол бўлган, тишлагани мой.

Тиланмаган ҳеч ким дунёни, эркни,
Гадолар бой бўлган бу юртга келиб.
Боғбоннинг қизи малика бўлган,
Чўрилар ой бўлган бу юртга келиб.

Аёлин ҳуснидан ой ҳижолатда,
Ақлига тан берган шоҳий гадоси,
Ҳеч кўрса хон бўлган туққан ўғлони.
Ҳечса, донишманднинг бўлган онаси.

Бепушт бир аёли Бибихон бўлса,
Темурнинг ёнида юртни сўраган.
Илик бериб боққан барча ўғлони
Бибихоннинг юрагидан тўраган.

Шоҳлари мард бўлган, юрт олар бўлса,
Бутун ер юзини олган мўлжалга.
Эрлари мард бўлган, гар севиб қолса,
Икки шаҳар берган бир дона холга.

Жаҳонни беш юз йил ўқитиб ётган
Алишер бу юртга таҳсилга келган.
Мангуликдан мангу шундай буюк зот
Самарқандни азиз меҳроб деб билган.

Бу тупроқда метин бардош бўлмаса
Жаҳонгир Темурни қандай қучарди?
Балки Улуғбекнинг хаёли бирлан
Юлдузларга томон тўзғиб учарди.

Бул тупроқда агар бўлмаса бир сир
Хўжа Аҳрор Валий бош қўярмиди.
Бибихоним йиғлаб кўзига суртиб,
Тилакларин айтиб ёш қуярмиди?

Хизр назар солган, дуо олган юрт,
Қўшиққа айланур ҳар азоб, ҳар дард.
Шу юрт деб яшасанг, ўлсанг арзийди,
Икки
дунёда
ҳам
битта
САМАРҚАНД!

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

МИРКОМИЛБОЙНИНГ ҚАЗО БЎЛГАН НАМОЗИ

ТАРИХДАН ҲИКОЯ

ИЗВОШ ГУЗАРДАН ЎТИБ катта кўчага бурилди ҳамки, Ёқубхўжадан садо чиқмади. Бой икки-уч дафъа ҳамроҳининг авзоига зимдан кўз югуртирди. Ёқубхўжанинг қадди уникидан ярим қарич тик, шу боис у ўтирган ҳолида ҳам ҳийла салобатли кўринади. Одамлар, «Ёқубхўжа бойнинг шахсий қўриқчиси» деб гап тарқатишди, «Миркомил унинг измидан чиқмайди» деганлар ҳам бўлди. Тўғри, Ёқубхўжа кўз очиб топган маслаҳатгўйи бўлмаса-да, унча-бунчани хушлайвермайдиган Миркомилнинг ишқи шу одамга тушган, бинобарин, ёнида доим уни олиб юришга одатланган эди. Ҳақиқатан, унинг Ёқубхўжадан яширган-нетган сири бўлмаган.

Суриштириб келганда Миркомил кимдан, нимани сир тутган, ўзи!.. Қув ёхуд маккор бўлганида отасининг Макка ва Мадинада такя қурдириш ниятида ўттиз минг тилла васият қилиб қолдирганини уезд ҳокимига айтармиди! Соясидан чўчиса, ҳатто ўз пушти камаридан бўлган ўғил-қизларидан ҳадик-хавотирда яшаса етти ёт бегона, бунинг устига ғайриддин Искандарни* гумашта қилиб олармиди?! Икки кўзнинг бири янглиғ ёнидан узоқлашмайдиган Ёқубхўжадан ҳам гумондор юрса, уни дўстми-душманми дея бош қотирса... одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши эмасми!.. Йўқ, Миркомил бундай мужмалликка тоқати йўқ — у жини суйганга ҳам, суймаганга ҳам дилидагини ямламай айтган.

Извош Кўтармадаги завод кўчаси муюлишига етди, бой «ҳозир ёрилади» деган ўйда ҳамроҳининг қуюқ соқолига қараб қолди. Шунда.

— Тўхтат, извошни!

Бир маромда йўрғалаб бораётган қўш от сувлуғи туйқус силтаб тортилганидан пишқириб, тумшуғини тўшига босгудай бошини қийшайтириб тўхтади. Извошчи «нима гап» дея ортига ўгирилиб улгурмай бой тош йўлга сакраб тушди. Извошчи ҳам, Ёқубхўжа ҳам бойнинг муддаосини тушунмай унинг изидан қараб қолишди.

Миркомил катта-катта қадамлаб қоп орқалаган кишининг тепасига бостириб борди. Оғир юк остида икки букчайган киши бойни кўрдию, «ўсак тўла қопни «тўп» этказиб ерга ташлаганча тили калимага келмай қўрққанидан салом беришни ҳам унутди.

— Қаёққа обкетяпсан, кўрнамак?! — Ўтакаси ёрилган киши дудуқланди. Бой унинг жавобига муҳтож эмас эди. — Куппа-кундузи ор қимадингми?!.

Чангга беланган, яғири чиққан оқ яктагининг билагига қадар шимарган ишчи қулоқ-чаккасига беҳос тушган тарсаки зарбидан чайқалиб бориб деворга суяниб қолди...

Извош завод дарвозасининг рўпарасига етгандагина Ёқубхўжа тилга кирди:

— Чакки қилдингиз, ака...

Ҳали ғазаби сўниб улгурмаган Миркомил «сен маҳмаданалик қилма» деган маънода ҳамроҳига қаттиқ ўқрайди. Ёқубхўжа эса бойнинг жаҳли чапақай чиққанига яраша босиқлик билан бўлса-да, ўпкалади:

— Аши, бир қоп кўсакни куппа-кундузи ўмариб чиқишига нима мажбур қилганини суриштирмадингиз-ку... Жўжабирдай жондир, ҳойнаҳой.

Извошчи отнинг яғринига тарсиллатиб қамчин босди. Миркомилбойнинг ўнг қоши тепага сапчиди.

— Жўжабирдай жон бўлса оиласини ўғирлик орқасида боққани маъқулми?!.

Ёқубхўжа дарҳол жавоб қайтармади, извош завод ҳовлисига кириб тўхтагачина бояги ўпкаланганнамо оҳангда мулойимлашиб деди:

— Одамларди кўнглига қаранг-да, ака... Ҳақ гапни айтаман деб... уёқда Темурҳожини изза қипсиз...

ТЕМУРҲОЖИНИ ИЗЗА ҚИЛГАНИ РОСТ. Изза қилмаслик учун ҳақ гапни айтмаслиги керак, айтмаса... Ахир, Миркомилнинг хусумати йўқ, талашган мол-ҳоли йўқ, уни жин урибдимики, Темурҳожига душманликни соғинса!..

Нима бўлдию, элликбоши кўча бошида йўлиқиб, «Тақсир, қозиликка Темурҳожини мўлжаллагандик, сиз нима дейсиз?» деб сўради. Миркомил ортиқ ўйлаб турмади, «Ҳожи ҳалол одам, юртнинг хизматини қилсан», деди-қўйди. Орадан уч-тўрт кун ўтмай эшикка йўқлаб келишди. Бой ташқари ҳовлига чиқса супа ёнида элликбоши билан янги қози — Темурҳожи қўл қовуштириб турибди.

— Келинглар, келинглар. Қани, ичкарига, — деди бой меҳмонхонага чорлаб.

Меҳмонлар оёқ тираб туриб олишди.

— Бирров кирдик, — деди ўнғайсизланиб элликбоши — Аши, ҳожингиз сира қўймади... Бир ният қилган экан...

Элликбоши гапини одоғига етказгунича қози тугуннинг боғичини ечиб зарбоф тўнни қўлига олди. Миркомилбой келувчиларнинг муддаосини тушунди.

— Э, баракалла-а! — деб юборди у бошини чайқаб.

Мезбон мамнун бўлди деган ўйда ҳаракати дадиллашган меҳмонлар тўнни қўлга олиб улгурмай бой муддаосини ойдинлаштирди:

— Бу ишларинг дуруст эмас... Бир оғиз ризолигим эвазига ҳадя келтирибсизларми, ундан чиқди, ризолик бермаган тақдиримда бошимга тош отар экансиз-да?!.

Темурҳожи икки қўллаб тутиб, турган тўнни тушириб юбораёзди. Элликбоши тушунуксиз ғўлдиради:

— Йўғ-э, тақсир! Биз... ҳожингиз, оқ фотиҳа олай деб...

Миркомилбой ўзига етганча қайсар ҳам эди — у элликбошининг тутилиб-бўғилиб гапиришига қулоқ солмай кўнглидагини айтди:

— Хушомадни бандага эмас, худога қилинглар!..

ЁҚУБХЎЖА БЎЛСА, «тўғри гапни айтаман деб душман орттирасиз», дейди. Ҳақ гапни айтгани учун душмани ортадими?.. Ҳақ гапни айтиш душманликми?.. Ахир у кимга, қайси ҳамюртига ёмонликни раво кўрди?!.

Фаъл-атвори шундай экан, начора, бир юмалаб бўлак одамга айланиб қололмаса! Ҳақдан воз кечиб кўнгилга қарай олганида бир уй бойваччанинг бетига оёқ қўйгудай иш қилмас эди. Афсусланиш, лушаймонлар қилиш осон, лекин... табиатидаги кажбаҳсликдан қутулиш онлари жон чиқар вақтига қолди, энди...

УБАЙДУЛЛА ЖУНФУРУШ Майлисойдаги заводига икки қур келиб уйига таклиф қилиб кетди. Айтилган куни Ёқубхўжани эргаштириб борганида уй тўла меҳмон гурра қўзғалиб Миркомилнинг ҳурматини сақлашди. Бой, ёнида Ёқубхўжа — уйнинг тўрига ўтиб жойлашиб ўтириб олгунича йиғилганларнинг қандай одамлар эканлигини, ҳатто бир-иккиси ўзаро маъноли кўз уриштириб олганигача пайқаб улгурди. Деразага яқин ўтирган Ғафуржоннинг туси ғезарди. Берида — Ғафуржоннинг амакиси Ҳошимбой, сўнг пахта тижоратини энди-энди йўлга қўяётган Ниғмонбек! Уларнинг ҳеч бирида Миркомилнинг хусумати йўқ, хусумат қайда, йиғилганларнинг ҳеч бири Миркомил билан беллашадиган сармоя жамламаган, шу маънода ҳам бу давранинг посангиси Миркомилбой учун ҳийла енгиллик қилиши аён эди.

Миркомил сир бой бермади. Илиққина суҳбатга гоҳ қўшилиб, гоҳ сўзсиз бош ирғаб ўтираверди. Тўсатдан Ҳошимбой гурунг мавзуини бузди:

— Закот — фарз! Закотдан бўйин товлаш бенамозликдан кам бўлмаган гуноҳ кабир!

Миркомил умр бўйи лойнинг ичидан чиқмаган кулолдай ранги заҳил Ҳошимбойнинг афтига чимирилиб қаради. Ёқубхўжа қуюқ, қора соқолини қўл ичида сийпалади.

Гап гапга уланди, суҳбатга ғийбат, фисқи фасод аралашди. Ким оғиз очса айтганига Миркомилдан тасдиқ ишорасини кутар, бойнинг авзоидан эса на эътироф, на-да эътироз маъносини уқиб бўларди. Гурунгга Ниғмонбек қўшилди:

— Закот тўлаш ниятидаги одамнинг кўнгли тоза бўлмоғи лозим, — деди у хотинчалиш овозига зўраки салобатли тус беришга уриниб. — Бизлар-ку, майда... давлатмандликни ҳавас қилувчилар, холос.. Илло, эррайма бойлар орасида ҳам закотга хиёнаткорлар бор экан.

Миркомилбойнинг тишига оғриқ тургандай кўзини бир зум юмиб очдию, сир бой бермасликка уриниб икки бармоғи билан иягини чимдиб олди.

— Ниғмонбек!..

Келишганидан буён илк бор овозини баралла қўйиб мурожаат қилган Ёқубхўжанинг салобати ҳаммани жим қилиб қўйди. Одатда Ёқубхўжа гапни бошлаб қўйиб ҳийла фурсат сукут сақлар, аксари ҳолларда шундай сукутининг ўзиёқ бузуқ ниятли суҳбатдошни анча саросимага солиб қўяр эди. Бу сафар ҳам у худди гап бошламаган одамдай жим, лабини қимтиб кўзойнаги остидан Ниғмонбекка қадалиб қаради. У қайтиб тилга киргунича Ниғмонбек неча қизариб-неча бўзарди. Ниҳоят, Ёқубхўжа сукут билан азоблаш «машқи»ни маромига етказгач, сўради:

— Бу, кичкинтойни кулала қилдингизми?

Ниғмонбекнинг баданидан муздай тер чиқиб кетди. «Ёмон чиқитти-ку, аблаҳ!» деб сўкинди ичида.

Миркомил енгил тортганини сездириб қўйиш белгисида ўтирган жойида қўзғалиб қўйди. Ниғмонбек ўтган йилнинг жадий кунлари ўғил кўрган, бойнинг ҳурмати учун унга «Комилжон» деб исм қўйган эди, энди эса Миркомилга пичинг қилиб, уни ёмонотлиққа чиқармоқчи... Миркомил бўлса.. «ўша ҳурмати чинми, кўпчиликнинг кўз ўнгидаги пасткашлигими?» деб мана, орадан беш йил ўтгач мулаҳаза посангисига қўйиб-олиб, олиб-қўйиб кўраяпти.. Оғзига кучи етмаганлар, «Миркомил айрим даромадидан закот тўламайди» деб овоза қилгани бойнинг қулоғига етган... ўшани эсладию, ўша машваратдаги гурунг нишаби қай томонга оғганини ўша топда қисман ва ҳозир тўла-тўкис пайқаб етди! Тўкин дастурхон теварагида ўтирганлар пинҳона кўзлаган муддао амалга кўчаёгандек бараварига бойнинг оғзига тикилди. Миркомил ҳеч бир даврада сўзини йўқотмас, умуман ҳеч қайси маънода тили қисиқлик нима эканини билмас эди.

—Закотдан баҳс кетди-и. Яхши... Ашнақа мунозараларни бошлаганда... — деди у ҳафсаласизлик билан бепарво оҳангда ва «арзимас масалани тортишиб ўтирибмиз» дегандек тўсатдан гапни мухтасарлаштиришга кўчди. — Закот-ку, фарз, илло закотнинг олдида нима бор?.. — Бой саволи жавобсиз қолишини аниқлаштириб оладиган фурсат асноси жим бўлди-да, ўтирганларни узиб олди. — Ашнақа-да, закотдан аввал ушр бор... Закот тўлови хусусида эррайма лик қилишдан бурун ушрни тушуниб олинглар...

ТИЖОРАТ КЎЧАСИДА энди атак-чечак қилаётган ҳамюртлари, диндошлари Миркомилнинг оёғига осилишлари не учун керак бўлди? Ахир бой уларнинг мушугини «пишт» демади, аксинча, қаддини ростлаб олсин деган муддаода нечтасига қарз берди... фақат Ғафуржон омонатга хиёнат қилди, иш қозигача етди...

Наҳотки, шу душманлик бўлса?!. Кимсан Миркомилбой шунча давлат, шунча иззат-обрўни наҳотки ўз халқига душманлик ниятида тўплаган бўлса!.. Агар у ўз ҳамшаҳарларига ғайрлик қилса, Убайдулла жунфурушникида йиғилганларга, «Бир фаранги бойнинг заводини Анжанга кўчириб келтирмоқчимиз. Ишинг маслаҳатига бораяпман», деб айтармиди!.. Ахир ўша пайтларда барча бойлар топганини хорижга сотиш билан банд, завод қуриш ҳеч кимсанинг етти ухлаб тушига кирмаган, беҳисоб даромад келтирадиган бундай ниятни ҳеч бир бой ошкор этмаслиги муқаррар эди. Лекин Миркомил шундай қилмади. Айтди. «Ҳамма билсин, уддасидан чиққанлар ҳаракатга тушсин», деди... Дедию, ўзига дўст эмас, ғаним орттирганини, у ғанимлар ўзга ўлкалардан келиб юртни, диёрни босиб турган ножинс-ғайридинлардан кўра ўзининг ўзбеклари орасида кўпчилик эканини... жуда-жуда кеч билди. Ҳа, кўпни кўрган Миркомилдек уддабурон инсон ҳам омади кулиб боққан одамни бегоналар эмас, аввалбош ўз яқинлари қўролмаслигини жуда-жуда кеч англади. Англаб етгунига қадар... ҳамюртларининг жонига оро кириш, уларни ўрис истибдодидан ҳимоялаш йўлларини излаб саъй-ҳаракатлардан толмади. Култепага масжид, мадраса, мусофирхона, касалхона, ҳаммом қуришни режалаштирганида ўзининг манфаатини кўзламади, аксинча бор ҳаловотидан айрилди: шаҳар ҳокимияти вилоят ҳокимиятига, вилоят ҳокимияти ўлка губернаторлигига рухсат сўраб нома йўллади. Йиғину муҳокаманинг адоғи кўринмаса кўринмадики, иш жойидан силжимади. Уезд маҳкамасидаги йиғинга бойнинг ўзини таклиф этишди.

— Э-э, Миркомил Мирмўминбаев ўзларими? — кўзойнагининг тепасидан мўралаб савол қотди ҳашамдор стол юқорида ўтирган сергўшт юзли, ҳарбийча энгил-бошли киши. Бу беписанд гап бойга оғир ботди. Ҳарбийча либосли киши саволини давом эттирди: — Та-акс, бу, строительствага цель нема? Цел-ль?!.

Миркомил ҳайбатли, унча-бунча инсон зоти яқинлаша олмайдиган бундай маҳкамаларда шу қадар саёз, бамаъни саволлар берилиши мумкинлигини тасаввурига сиғдира олмас эди. У ҳайратидан ёқа тутиб турганида бошлиқ татарбашара киши томонга шох ташлаб сўради:

— Целни нема айтамиз?

— Максад, муддао, — жавоб қилди татарбашара киши.

— Айтмакчиман.. максад, мудаў нима куришдан?.. Авторитет... Татарбашара киши, «Обрў» деб илова қилди. Бошлиқ такрорлади: — Абру керакми-и, бай?..

Энди Миркомил кўзларига ишонмади. Тушунтирай, деса бошлиқнинг столи устидаги семиз қоғоз тахламида ҳаммаси қайта-қайта баён этилган. Тушунтирмай деса, сергўшт лунжини селкиллатиб ўтирган бошлиқ меровроқдек кўринди кўзига...

Бой ўйини ўйлагунича ўзини атайин довдиртабиат қилиб кўрсатаётган бошлиқ қоғоз тахламини варақлай-варақлай, чеккасига икки қат қалин қизил чизиқ тортилган саҳифасини очиб, Миркомилга синчков бўзрайди. Юзи, лунжи таранглашиб қизарди ва лабини қимтиб, лунжини шишириб татарбашара кишига нимадир деб ғўнғиллади. Татарбашара киши бир кўзғалиб олгач, чала-чулпа ўзбекчалади:

— Бу қураётган учреждинлар фақат қартлара хизмат қиламиш икан, касалхонада только сартлар лечит итилар имиш, ҳаммомға только шу йирлик аҳоли пользоваться итармиш. Бу қандай гап бўлай?!.

Миркомилнинг тарвузи қўлтиғидан тушди — мусулмонлар касалхонасининг талабларини, мусулмону кофир бир ҳаммомда ювиниши оддий инсоний одобга хилофлигини тушунтирмоқчи эди, бирдан ниятидан қайтди — у кўнглида туғилган тоза нияти не сабабдан беш-олти йилдан буён чўзилаётганини, ҳарчанд уринмасин, раҳматли отасининг васиятини рўёбга чиқара олмагани боисини тўсатдан — фавқулодда англаб етди. Энди ўйлаб кўрса, ҳарбийча кийинган бошлиқ илоннинг ёғини ялаган экан. У тўп янглиғ юмалоқ калласини сарак-сарак қилиб тиржайди ва:

— Вот, бунда, — деди стол жавонига имо қилиб, — ку-уп сведенилар китирганлар. Так что... шутка кетмайди, бай! Давай, дружно, а то!..

Миркомил ўрисчани чала-ярим гапирар, унча-бунча тушунса-да, ўзини бу тилдан мутлақо бехабардек тутар, шу «ҳийласи» айрим ўринларда иш бериб қолар эди. Ўша сафар уезд маҳкамасидан чиқиб кетди ҳамки, бир неча кунга довур қулоғининг остидан, тилининг учидан «дружно» деган сўз аримади. Дружно... дружно... дўстона, иттифоқ, бирлик.. ҳар ким уддасидан чиққан яхшилигини аямаса, савобни кўзласа, шум ният бўлмаса. Шу-да, дўстона яшаш!.. Савоб истасанг-да, савобинг бошқаларга гуноҳи азимдек ботса, у ҳолда ким дўст-ким душман?!. Сведениеси кўп эмиш. «Ку-уп сведениелар китирганлар», деди. Хай, истибдод илинжида келган ўша ҳарбий бошлиқ тоифасидаги ичи тўла ғараз одамлардан ғинаси йўқ, лекин унга ким маълумот келтирган?.. Миркомилбой ҳақида талай-талай чақувларни шуларга муттасил етказиб туриш қайси ўзбекка зарур келди?.. Искандардан шубҳаси йўқ, атрофида айланишадиган бошқа ғайридин бўлмаса, у ҳолда ким уни сотади, ким?..

Миркомилбой турли давраларда, машваратларда йиғиладиган барча таниш башараларни бирма-бир кўз ўнгидан ўтказди — уларнинг қай биридан шубҳаланишини билмай боши қотди. Кўнглининг бир чеккасида айланишаётган шубҳани илғадию, илғагани тилига кўчишидан қўрқиб ўзини чалғитишга тутинди. Тутинса-да, «Наҳотки?.. Наҳотки?..» дея беихтиёр такрорлайверди.

РОТМИСТР РОЗАЛИОН қалин муқова орасидан тепасига «Чақувлар» деб ёзилган варақани олиб уни даҳани ингичка полковникнинг столига қўйди. Хона соҳиби варақага кўз югуртирди.

— Ишончлими?.. — ҳомуза тортиб сўради у.

— Ҳар хабарига мўмай-мўмай олаяпти, жаноби олийлари!

Полковник «чақувчи» деган ёзув рўпарасидаги исмни ўзича шивирлади:

— Келди...— ўқиб бир зум ўйга чўмди-да, бармоғини нуқиб туриб сўради: — Манавининг ўзи назоратдами?

— Худди шундай, жаноби...

Полковник «бас» дегандай кафтини қулоғига босди. Гапи бўғзида қолган ротмистр тисарилиб ташқарилади. Эшик ёпилар-ёпилмас полковникка жон кирди — у ўтирган жойидан энкайиб жавондан қоғоз тикилаверганидан семирган папкани олди, очди ва охирги варақларга кўз югуртирди. Шошиб, ютоқиб ундаги сўзларни ҳижжалаб, янги келтирилган варақдаги ёзувларга солиштирди:

— Та-акс... Қори чакки эмас... Комилбойни Тошкангачэ қўшни купеда кузатиб борган... Бой Тошканда Олимжонбоев исмли купец билан учрашган... Та-акс... Олимжонбоев ҳақида... Мана, Содиқ келтирган... Тўхтабой Олимжонбоев!.. Бойнинг сарф-ҳаражати, банкдаги давлати Келдининг назоратида... Та-акс, яхши!..

Полковник янги келтирилган варақни қайта бошдан назардан ўтказаётиб бош чайқади. «Бундан хабаримиз бор», деди шивирлаб. Шу пайт телефон жиринглади. Полковник зўр бир мамнуният билан телефон дастагини қулоғига босаётиб қоматини ростлади.

— Полковник Сошальский эшитади!

У тинимсиз бош ирғаб нималарнидир қоғозга қайд қилди. Ниҳоят, кўрсатмалар тугади шекилли, тўсатдан овозини кўтариб, «Бор, жаноби олийлари!», деди қарийб ҳайқириб. Сўнг оромкурсининг қирғоғига кетини илинтириб ўтирдида, янги маълумотни чўқиб-чўқиб ҳижжалади:

— Анжаннинг учинчи қисмида яшовчи Мадрайимҳожиникида... йиғин бўлди. Миркомилбой раислик қилди... Мазмуни — сарт ўғлонларни соллатликка жўнатмаслик маслаҳати... Даъват? Ҳа-ҳа, даъват тайёрланган!..

Полковник жим бўлди. Бир оздан сўнг яна гапирди:

— Ҳа-ҳа, эртасига... мана, бор-бор, саҳарлаб Мирмўминбоев поездга миниб Скобелевга жўнаган. Фарғона губернаторини қўлга олишга ўринган... Нима дедингиз?.. Маълумот келтирувчиларми?.. Ҳа-ҳа-ҳа-а!.. Э-э, жаноби олийлари, бу сартлар-чи, тўрт танга берсангиз, Миркомил деган бой экан-у, ўзининг отасини сотади!.. Хи-хи-хи!.. Ўзимизнинг хуфияларга иш қолдирмайди булар!.. Розалионнинг бир ўзи, ҳа, бало у, бир ўзи йиғирматасини «гах» деса қўлига қўнадиган қилиб олган... ҳа-ҳа, тўхтовсиз маълумот ташигани-ташиган... Елкасига қоқиб қўйсангиз, бирибирининг устидан ҳам ёзиб бераверади... Хотиржам бўлинг, жаноби олийлари!...

●

Миркомил тонгги ғира-ширада юк вокзали яқинидаги тепалик ён-бағридан ҳандақ қазиётиб Мадрайимҳожиникидаги йиғинни, унинг эртаси куни Скобелевга борганини ҳам эслади. Ҳарбий ҳокимнинг эшигида узоқ саргайиб ўтирди, алҳол, уни ҳокимнинг муовини қабул қилди.

— Анжандан қанчэ мардикор оласиз? — сўради у гапни чўзмай.

— Нимайди? — ўсмоқчилади муовин.

— Барининг ҳақини тўлаймиз!.. — Бизнинг йигитлар Рассининг ўрмонларида жон сақлаб яшолмайди. Совуқ!..

— Ў-ў!.. Давлатингиз шунчалик зиёдами?..

— Борини бераман... Тўлаймиз, лекин биронта фарзандимизни жўнатмаймиз!..

Миркомил зимдан иш битирадиган қув табиатли одам бўлганида ҳарбий ҳокимга келиб бор ниятини шу тахлит тўкиб сочармиди! Шундай одам бўлгани учун ҳам Содиқ, Қори, Келди... исмли юртдошлари, диндошлари кетида илашиб юриши, босган қадами, айтган сўзини оқизмайтомизмай пешма-пеш етказиб туриши мумкинлигини сира-сира тасаввурига сиғдириолмас, бу шубҳасини ҳатто ҳозир ҳам ҳазм қилолмаётган эди. Лекин мана, ўйлайдиган пайти келди, қаёт шундай экан-да, воажаб, ҳатто энг эзгу, савобли орзу-ниятингга етишмоқ учун ҳам ҳийлакорроқ, маккорроқ бўлишга мажбур экансан. Акс ҳолда, тубанлик ва маккорлик пардаси билан ҳимояланмаган энг тоза ва ҳалол ниятларингга ҳаётнинг ўзи муттасил тупуриб, уларни оёқ остида топтаб ўтаверар экан.

Эҳтимол, Миркомил шу аччиқ ҳақиқатга риоя қилганида сургунма-сургун, қамоқма-қамоқ сарсон-саргардон бўлмас эдими!.. Атрофида лайча итдек гир-гир айланиб, дўқ-пўписа қилаётган аскарчанинг амрига бўйсуниб шу саҳар мардонда лой аралаш тупроқ кавлаётган бўлармиди!.. Э-эҳ, фалак!..

Лоақал Истанбулда Анвар пошшонинг маслаҳатига қулоқ солганида...

— Туркистондин умидни кўпоринг, Миркомил сайин бизим юрддақолабилурсингиз, — деди Анвар пошшо.

— Мен бу ерда қолсам, болалар-чи, оиламнинг аҳволи не кечади? — деб эътироз билдирди Миркомил.

— Жужуқлардин, насллардин-да қайғурманг, сайим. Иншааллоҳ, уларни-да, буера ғўтаражакмиз. Туркистон ҳурият эдана қадар бизим Истанбулда яшаябилурингиз.

Миркомил ғўё Анвар пошшонинг таклифига розилик бергандек бўлдию, ичида нимадир узилиб, қўл-оёғидан мадор кетди.

— Жужуқларни, наслларни кўчириб келармиз, пошшо ҳазратлари, — деди Миркомил қаҳратонда қолган одамдай совуққотиб. — Лекин ватанни қандай опкеламиз?.. Ватанни кўчириб бўлмайди-ку!..

Энди ўйласа, ўшанда Миркомил ичидан ёмон зил кетган экан, кўксининг аллақаерида «чирт» этиб узилган нарса энди бутун вужудига тарқагандек бемадор-бемажол... ўй-хаёлга ғарқ, қўли онгсиз, шуурсиз тупроқ қазиш билан машғул... Тўйларда ғарчли бачкана этик кийиб хотинчалиш рақсга тушадиган баччалардек гирдикапалак бўлаётган аскарча бола маҳбус қазиётган чуқур одамнинг белича келиш-келмаслигини чамаладида, дам чуқурга-дам чор атрофга аланг-жаланглаб олгач, «Бўлди, етади!» деб амр қилди.

— Энди кунингиз битди, бой, — деди у тўсатдан ўдағайлаб.

Миркомил қулоғига ишонмай аскарчага ўгирилди. Ўгирилдию, қоши чимирилиб юрагида санчиқ қўзғади. Ғудраниб, сўкинди.

— Комилжон ака, шошилинг, қочишдан бўлак илож қолмади! — деди ўша куни тунда уйига яширинча келган дўстларидан бири.

— Тинчликми? — бамайлиҳотир сўради Миркомил.

— Эртаминан сизни ҳибс этишга буйруқ бор. Большевойларнинг нияти бузилди.

— Нияти бузилса менга нима?... Менинг ниятим бузуқ эмас-ку! Ҳибсга неча қайта олди, тағин чиқиб келавераман-да!..

— Гапни чўзманг, ака, тонг отмай Анжандан чиқиб кетасиз. Зудлик билан Афғонга ёхуд Туркияга жўнайсиз. Хўп, денг!..

Миркомил қайсар эди — хавотирни ҳис этмай мийиғида кулди.

— Афғон минан Туркияда худо бошқами? Ҳамма ерда худо бир, пешонада борини ҳар ерда-да кўраверамиз...

Миркомилни кўндиролмаган дўсти бу гапни эшитиб йиғлаб юборди, саҳарда — кун ғира-шира ёришмай эса бойни олиб кетишди... уч ой ўтяпти ҳамки, на сўроқ бор, на жавоб! Мана, энди мишиқи аскарча бола «кунингиз битди» деб милтиқ ўқталиб турибди.

— Ё, раҳмдил эгам, — деб юборди Миркомилбой, — кимларнинг қўлига топширдинг, қулингни?!.

— Инқилобий трибунал қўлига! — бидирлади аскарча. Миркомил ҳибсхонадан олиб чиқишганидан буён кетидан келиб ҳандақ қазигунигача бешолти одим нарида «чурк» этмай босим тамаки тутатиб турган ўрта ёшлардаги кўзлари мовий соқчига маъносиз тикилди. У ҳамон жим эди, ўзбек бола яна бидирлади: — Ҳукм бор, ҳозир, ашетта бажо келтирилади!

— Ўйлаб гапираяпсанми? Валдирайвермай, атингни айт, бола?

— Менга дўқ урманг, Мирмўминбоев! Аскарни ҳақоратлаш — инқилобни ҳақоратлашдир!

— Отангди атини биласанми?

— Отамди атини нима қиласиз суриштириб, бари бир отиласиз!

Саҳар эпкини эсдию, Миркомилнинг димоғини янги қазилган тупроқнинг ёқимли иси қитиқлаб ўтди. Бой юзини ҳандақ томон бурди. Аскарча ҳамон нималардир дея бидирлайверди.

— Менга сув келтир, таҳорат олай! — чўрт кесди унинг гапини бой.

Аскарча бир зум вайсашдан тўхтатдию овозини баралла қўйиб ҳахолаб юборди, зум ўтмай қўққисдан кулгини бас қилди, бирдан жиддий тортди. Турқи гезарди.

— Нималар деяпсиз, бой! Буйруқ қиладиган даврингиз ўтди. Энди пўписангиз кетмайди!

Миркомил оғир бурилиб аскар ва аскарча томон ўгирилди, унинг мош-гурунч мўйлаби асабий титрар эди. Афсус-надомат ўрнини адоқсиз ва оғир ўйчанлик эгаллаётган нигоҳини кўтариб аскарчани бош-оёқ кузатди. Маҳбусдаги бундай ўзгаришни кўриб ҳайратини яширолмаган мовий кўз соқчи, ниҳоят, аскарчага қараб дўриллади:

— Нима деяпти?

— «Сув келтир» эмиш! Таҳорат олармишлар! Таҳоратни ашиёқда қилади, энди!..

Мовий кўз соқчи тутақиб кетди.

— Одамнинг боласимисан?! Ўзингнинг сартинг бўлса, мусулмон бўлсаларинг, охирги илтимосини бажарсанг ўлиб қоласанми, энағар!..

Аскарча кўрққанидан ерга ўтириб қолаёзди. Тиззаси қалтираб, энкайиб соқчининг ёнига милтиғини қўйди-да, қолиб-суқулиб ҳибсхона биноси томон ғизиллади. Миркомил мовий кўз соқчидан андиша қилганидан унга ортиқ қараб туролмади — шаҳар томон ўгирилиб олис-олисларга кўз ташлади. «Наҳотки?..» деди беихтиёр пичирлаб.

Орадан кўп ўтмай аскарча шошилиб қайтиб келди-да, Миркомилнинг оёғи остига обдаста қўйди. Бой икки-уч қадам четлаб ўтиб чўнқайди, таҳорат олишга тутинди. Юз-қўлларини ювди, яктагининг этагига, енгига артинди. Сўнг чакмонни ҳандақ ёқасига ўгириб тўшади-да, ортига ўгирилди.

— Менга қара, бола, — деди жуда майин-вазмин оҳангда, — бомдодни ўқиб олай, сўнг қад ростлаб, «Аллоҳу акбар» дея қўл кўтарганимда отса отаверсин, тушунтириб айт, хўпми?

Афтидан, Миркомилбой, «Муқаррар мовий кўз соқчи отади!», деган фикрда эди. Аскар бола жим бўлиб

ФОЗИЛЛАР ШАҲРИ ОДАМЛАРИ

Абу Наср ФОРОБИЙ

«МАДИНАТУЛ ФОЗИЛА» КИТОБИДАН

Жаҳон илм-фани, инсоният маънавияти тарихида Арастудан кейинги «Муаллими соний» ҳисобланган Абу Наср Форобийнинг «Аҳроу аҳли мадинатул-фозила» («Фозиллар шаҳри аҳолисининг фикрлари») асари юз йиллар давомида нотўғри талқин этилиб, материалистик, моддийлик таълимоти намунаси сифатида баҳоланиб келинди. Бу хато мазкур асарнинг мазмунидан бехабар сохта олимларнинг иши эди. «Мадинатул фозила» асари тадқиқи билан жиддий шуғулланган атоқли олимларимиздан бири Музаффархон Хайруллаев асарни қайтадан жиддий ўрганиш даври келганлигини таъкидламоқда. Қатағон, истибдод йиллари бу асарни араб тилидан атоқли шарқшунос Содиқ Мирзаев ўзбекчага ўгирган, ҳозир бу таржима қўлёзмаси қидирилмоқда. Топилиб қолса, улуғ иш бўлур эди. Ҳозирча асарнинг биринчи қисмини Абдусодиқ Ирисов турли вақтларда араб мамлакатларида босилган нашрлари асосида арабчадан, охирги қисмларини Маҳкам Маҳмуд Саудия Арабистонининг «Саодат» матбаасида 1904 йили нашр қилинган арабча нусхаси ва 1953 йили Москвадаги «Шарқ адабиёти» нашриётида босилган русча нашридан ўзбекчага ўгирмоқда. Қуйида Маҳкам Маҳмуд таржимасидан парчалар бермоқдамиз.

ФОЗИЛЛАР ШАҲРИ ҲОКИМИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

БУНДАЙ ШАҲАРГА ҲОКИМ бўладиган одам (Аллоҳдан бошқа) ҳеч кимга бўйсунмаслиги керак. Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн иккита хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши керак. Фозиллар шаҳри ҳокими аввало тўрт мучаси соғ-солим бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон ҳалал бермаслиги лозим, аксинча, у соғ-саломатлиги туфайли бу вазифаларни осонлик билан бажариши лозим. Иккинчидан, бундай шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур. Учинчидан, у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларини хотирасида тўла-тўкис сақлаб қолиши, барча тафсилотларини унутмаслиги зарур. Тўртинчидан, у зеҳни ўткир зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинмас аломатларини ва у аломатлар нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур. Бешинчидан, у фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида чиройли сўзлар билан ифодалай олиши зарур. Олтинчи — зарур ҳолларда ҳарб ишларига моҳирона раҳбарлик қилиш учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиш, ҳам жанг қилишни, ҳам саркарда сифатида жангу жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиш.

Мабодо, шу хислатларнинг барчасини ўзида жамлаган бир одам топилмаса, лекин икки киши биргалашиб, шу хислатларга эга бўлишса (яъни бири — донишманд, иккинчиси қолган хислатлар соҳиби бўлса), шу икковини фозиллар шаҳрига раҳбарликка қўйиш зарур. Мабодо, бир гуруҳ одамлар биргаликда ана шу хислатларга эга бўлишса (яъни — бирида бу, иккинчисида у, учинчисида яна бошқа хислатлар бўлса), ана шу фозиллар гуруҳини раҳбарликка қўйиш зарур. Шу гуруҳ аъзолари биргалашиб, ўзаро келишиб ҳаракат қилса, ҳар бири фозил ҳоким бўлиши мумкин. Мабодо, бирор замонда фозиллар шаҳрида ҳокимлик қилаётган бир ёки бир неча кишида бошқа зарур хислатлар бўлса-ю, аммо донишмандлик бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади.

ФОЗИЛЛАР ШАҲРИНИНГ ЗИДДИ БЎЛГАН ШАҲАРЛАР ҲАҚИДА

ФОЗИЛЛАР ШАҲРИНИНГ ЗИДДИ бўлган шаҳар — жоҳиллар шаҳри, беномуслар шаҳри, айирбошловчилар шаҳри, адашган, залолатдаги одамлар шаҳридир. Бу шаҳарларнинг вакиллари — айрим одамлар ҳам фозилларнинг зидди бўлган одамлардир.

Жоҳиллар шаҳрининг аҳолиси бахт-саодатга интилмайди, бахт-саодат нималигини билмайди ҳам. Чунки жаҳолатдаги одамлар ҳеч қачон бахт топмаган ва бахт-саодатга ишонмайди ҳам. Фаровонликка келсак, жаҳолатдаги одамлар (ҳақиқий ободликни билмасдан) баъзилар назарида бахту давлат бўлиб кўринадиган ўткинчи, юзаки нарсаларни, мол-дунёни, жисмоний лаззатларни, ҳирсу шаҳватни, обрў, амал, шон-шуҳратни ҳақиқий бахт фаровонлик деб ўйлайдилар. Шу неъматлардан ҳар бири жаҳолатдаги одамлар назарида ҳаётдан мақсад, бахт-саодат бўлиб кўринади.

Зотан (моддий ва руҳий) неъматларнинг ҳаммаси биргаликда уйғунлашган чоғдагина ҳақиқий бахт-саодатга эришиш мумкин. Бу неъматларнинг тескариси — тан касалликлари, камбағаллик, завқ, лаззатлар ва ҳурмат, обрўнинг йўқлиги — бахтсизлик бўлиб кўринади.

Жоҳиллар шаҳрининг бир қанча турлари бор. Шулардан бири зарурий эҳтиёжлар шаҳридир. Бундай шаҳар аҳолиси фақат бадан учун зарур бўлган нарсалар — озиқ-овқат, ичимлик, кийим-кечак, турар жой, жинсий алоқа ҳамда шуларга эришиш учун бир-бирларига ёрдам бериш билангина чекланган одамлардир.

Айирбошловчилар шаҳрининг аҳолиси тўқчилик ва мол-дунёга эришувда бир-бирларига ўзаро ёрдам беришни ҳаётнинг асосий мақсади деб биладилар.

Разолат (тубанлик) ва бадбахтлик шаҳри — бундай шаҳар аҳолиси фақат ейиш, ичишда, жинсий алоқада ҳузур-ҳаловатга эришишга, ҳиссий лаззатлар, ишрат, кайф-сафонинг барча турларига интиладилар.

Обрўпарастлар шаҳри. Бундай шаҳар аҳолиси ўзаро бир-бирларини мақташни, кўкка кўтаришни яхши кўрадилар. Ўзларини ўзга халқлар сўзда ҳам, ишда ҳам улуғлашларини истайдилар. Бир-бирларининг олдида ёки бегоналар кўзига улуғвор, шон-шавкатли бўлиб кўринишни хоҳлайдилар.

Амалпарастлар, ҳокимиятпарастлар шаҳри. Бундай шаҳар аҳолиси барча халқлар уларга бўйсунишини, ўзлари ҳеч кимга бўйсунмасликни хоҳлайдилар. Уларнинг фикру зикри ғалабалар, футуҳатлар нашидасини суришга қаратилгандир.

Шаҳватпарастлар шаҳри. Бундай шаҳар аҳолисининг ҳар бири эҳтирослари тизгинини жиловламай, исталганча шаҳват нафсларини, тубан майлларини қондиришга интилади.

Жаҳолатдаги шаҳарларнинг ҳокимлари ҳам худди шу шаҳарлар аҳолиси кабидур. Улар ўзи ҳукмронлик қилган шаҳарларда юқорида санаб ўтилган шахсий истакларини тинимсиз қондиришга интиладилар.

Жаҳолатдаги шаҳарлар аҳолисининг машғулотлари ҳам юқорида айтилган мақсадларга хизмат қилади.

Беномуслар шаҳрининг одамлари фозиллар шаҳри одамларидай бахт-саодатни, Ҳақ-таолони, у яратган ҳилқатларни, ақлни ва бошқа нарсаларни биладилар ва ратгўйлик хислатига эга бўлиш. Бу хислат унга халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида керак бўлади.

Бешинчи — аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгилардан ибрат олиб, ўзи тўқиб чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун қизғин сўзлаш — нотиқлик хислатига эга бўлиш.

Олтинчи — зарур ҳолларда ҳарб ишларига моҳирона раҳбарлик қилиш учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиш, ҳам жанг қилишни, ҳам саркарда сифатида жангу жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиш.

Мабодо, шу хислатларнинг барчасини ўзида жамлаган бир одам топилмаса, лекин икки киши биргалашиб, шу хислатларга эга бўлишса (яъни бири — донишманд, иккинчиси қолган хислатлар соҳиби бўлса), шу икковини фозиллар шаҳрига раҳбарликка қўйиш зарур. Мабодо, бир гуруҳ одамлар биргаликда ана шу хислатларга эга бўлишса (яъни — бирида бу, иккинчисида у, учинчисида яна бошқа хислатлар бўлса), ана шу фозиллар гуруҳини раҳбарликка қўйиш зарур. Шу гуруҳ аъзолари биргалашиб, ўзаро келишиб ҳаракат қилса, ҳар бири фозил ҳоким бўлиши мумкин. Мабодо, бирор замонда фозиллар шаҳрида ҳокимлик қилаётган бир ёки бир неча кишида бошқа зарур хислатлар бўлса-ю, аммо донишмандлик бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади.

ФОЗИЛЛАР ШАҲРИНИНГ ЗИДДИ БЎЛГАН ШАҲАРЛАР ҲАҚИДА

ФОЗИЛЛАР ШАҲРИНИНГ ЗИДДИ бўлган шаҳар — жоҳиллар шаҳри, беномуслар шаҳри, айирбошловчилар шаҳри, адашган, залолатдаги одамлар шаҳридир. Бу шаҳарларнинг вакиллари — айрим одамлар ҳам фозилларнинг зидди бўлган одамлардир.

Жоҳиллар шаҳрининг аҳолиси бахт-саодатга интилмайди, бахт-саодат нималигини билмайди ҳам. Чунки жаҳолатдаги одамлар ҳеч қачон бахт топмаган ва бахт-саодатга ишонмайди ҳам. Фаровонликка келсак, жаҳолатдаги одамлар (ҳақиқий ободликни билмасдан) баъзилар назарида бахту давлат бўлиб кўринадиган ўткинчи, юзаки нарсаларни, мол-дунёни, жисмоний лаззатларни, ҳирсу шаҳватни, обрў, амал, шон-шуҳратни ҳақиқий бахт фаровонлик деб ўйлайдилар. Шу неъматлардан ҳар бири жаҳолатдаги одамлар назарида ҳаётдан мақсад, бахт-саодат бўлиб кўринади.

Зотан (моддий ва руҳий) неъматларнинг ҳаммаси биргаликда уйғунлашган чоғдагина ҳақиқий бахт-саодатга эришиш мумкин. Бу неъматларнинг тескариси — тан касалликлари, камбағаллик, завқ, лаззатлар ва ҳурмат, обрўнинг йўқлиги — бахтсизлик бўлиб кўринади.

Жоҳиллар шаҳрининг бир қанча турлари бор. Шулардан бири зарурий эҳтиёжлар шаҳридир. Бундай шаҳар аҳолиси фақат бадан учун зарур бўлган нарсалар — озиқ-овқат, ичимлик, кийим-кечак, турар жой, жинсий алоқа ҳамда шуларга эришиш учун бир-бирларига ёрдам бериш билангина чекланган одамлардир.

Айирбошловчилар шаҳрининг аҳолиси тўқчилик ва мол-дунёга эришувда бир-бирларига ўзаро ёрдам беришни ҳаётнинг асосий мақсади деб биладилар.

Разолат (тубанлик) ва бадбахтлик шаҳри — бундай шаҳар аҳолиси фақат ейиш, ичишда, жинсий алоқада ҳузур-ҳаловатга эришишга, ҳиссий лаззатлар, ишрат, кайф-сафонинг барча турларига интиладилар.

Обрўпарастлар шаҳри. Бундай шаҳар аҳолиси ўзаро бир-бирларини мақташни, кўкка кўтаришни яхши кўрадилар. Ўзларини ўзга халқлар сўзда ҳам, ишда ҳам улуғлашларини истайдилар. Бир-бирларининг олдида ёки бегоналар кўзига улуғвор, шон-шавкатли бўлиб кўринишни хоҳлайдилар.

Амалпарастлар, ҳокимиятпарастлар шаҳри. Бундай шаҳар аҳолиси барча халқлар уларга бўйсунишини, ўзлари ҳеч кимга бўйсунмасликни хоҳлайдилар. Уларнинг фикру зикри ғалабалар, футуҳатлар нашидасини суришга қаратилгандир.

Шаҳватпарастлар шаҳри. Бундай шаҳар аҳолисининг ҳар бири эҳтиросларини тизгинини жиловламай, исталганча шаҳват нафсларини, тубан майлларини қондиришга интилади.

Жаҳолатдаги шаҳарларнинг ҳокимлари ҳам худди шу шаҳарлар аҳолиси кабидур. Улар ўзи ҳукмронлик қилган шаҳарларда юқорида санаб ўтилган шахсий истакларини тинимсиз қондиришга интиладилар.

Жаҳолатдаги шаҳарлар аҳолисининг машғулотлари ҳам юқорида айтилган мақсадларга хизмат қилади.

Беномуслар шаҳрининг одамлари фозиллар шаҳри одамларидай бахт-саодатни, Ҳақ-таолони, у яратган ҳилқатларни, ақлни ва бошқа нарсаларни биладилар ва ва хусусий билимлар ва фаолиятлар орқали саодатга эришадилар. Ҳар бир шахс бахт-саодатга элтувчи фаолият билан қанча узоқроқ ва аввалгидан янада яхшироқ шуғулланаверса, унинг кўнгли, руҳий ҳолати ҳам шунга мувофиқ комилроқ, фозилроқ бўлиб боради. Гўё моҳир ҳаттот ҳуснихат билан узлуксиз шуғулланаверганида дастхати тобора гўзаллашиб, бундан тобора ўзининг ҳам завқи ошиб бораверганидек, камолот орқали бахт-саодат топишга интилувчи зот ҳам қалби тобора покланиб, яхшиликлар қилганига ўзининг ҳам кўнгли ўсиб, завқи ошиб бораверади. Бундай зотнинг кўнгли-руҳи шу қадар юксалиб, гўзаллашиб, баркамоллашиб борадики, энди унинг руҳи моддий таянчларга ёки воситаларга боғлиқ бўлмай, тобора улардан озод бўлиб боради ва охири моддий ҳолатининг вайронлиги ёки йўқолиши баркамол руҳ учун аҳамиятсиз бўлиб қолади.

Руҳ моддийликдан, ҳайулотдан ажралиб, бошқа бир вужуд шаклига ҳам кирмагач, у энди вужудда юз берувчи турли ҳолатлардан ҳам ҳоли бўлади. Энди бу руҳга нисбатан ҳаракатда ёки сукунатда деган фикрларни айтиб бўлмайди. Энди бундай руҳга нисбатан вужудсиз (яъни, соф) руҳларга ишлатиладиган сифатларнигина қўллаш мумкин. Инсон ақлида моддий вужудларга нисбатан қўлланиладиган барча нарсаларни (ва ҳодисаларни — **М. М.**) энди вужуддан қутулган руҳга нисбатан қўлланиш мумкин эмас. Руҳнинг бундай ҳолатини англаш ва тасаввур қилиш мушкул ва ғайричадир. (Озод бўлган руҳларнинг бир-биридан фарқи нимада?) Фарқ шундаки, мазкур руҳлар жисмда эканлигида, инсон вужудларининг мижозлари турличалиги туфайли руҳлар ҳам турлича бўлади. Вужудларнинг ҳолати ўзгариши билан руҳлар ҳам ўзгариши табиийдир.

РУҲЛАРНИНГ БИР-БИРИ БИЛАН ҚУШИЛИШИ

ОДАМЛАРНИНГ БИР АВЛОДИ ЎЛИБ КЕТГАЧ, уларнинг жисмлари йўқ бўлиб кетади-ю, аммо руҳлари вужуд (қафаси)дан қутулиб, саодатга эришади. Сўнг бошқалар уларнинг ўрнини эгаллаб, улар қилган ишларни қиладилар. Бу авлод одамлари ҳам дунёдан ўтгач, худди шундай йўл билан руҳлари аввалгиларнинг изидан бориб, қиёфалари (феъл ва фазилатлари), қуввати ва сифати ўхшаш, яқин руҳлар билан қўшилишлари мумкин. Аммо бир қанча ўхшаш руҳлар бир-бири билан қўшилганларида ҳар қанча кабир (улкан) бўлсалар ҳам (жисмсизлиги туфайли) маконда бир-бирини сиқиб чиқармайдилар. Чунки улар ҳеч қачон маконни эгалламайдилар ва руҳларнинг қўшилувлари таналарнинг қўшилувидай юз бермайди.

Ўзаро яқин (кўнгил яқин) руҳларнинг қанчалик кўпчилиги бир-бири билан қўшилса, улар шунча кўп ҳузур-ҳаловатга эришадилар. (Кўнгил яқин руҳлар бу дунёда, уларга ишонадилар, аммо уларга амал қилмай, юқорида айтганимиздек, жаҳолатдаги шаҳарларнинг аҳолисига ўхшаб яшайдилар.

Беқарор шаҳар. Бундай шаҳар аҳолисининг назарий қарашлари ва амалий ишлари аввалроқ фозиллар шаҳри аҳолисининг қарашлари ва ишларига ўхшаш бўлган, аммо кейинчалик бегона ғоялар кириб олиб, унинг аҳолиси қарашларини бутунлай ўзгартириб юборган.

Адашган шаҳар аҳолисининг фикрича, бахт-саодатга фақат ўлгандан кейин етишиш мумкин. Аммо бу шаҳар халқининг Аллоҳ-таоло, азза ва жалла ҳақида, унинг яратган ҳилқатлари ва фаол ақлга доир фикр-мулоҳазалари, тасаввурлари шу қадар чалкашиб кетганки, бундай тасаввурлар ҳалол яшаш учун асос бўлолмайди, бу (чалкаш) тасаввурлар Аллоҳ яратган ҳилқатлар суратларининг ҳам аслини акс эттирмайди.

Бундай шаҳарнинг биринчи бошлиғи ўзини илоҳий нур соҳиби қилиб кўрсатади, аммо аслида бундай эмас: у ўзининг илоҳийлигини исботлаш учун алдов, риё, кибру-ҳаво билан иш тутади.

Бундай шаҳарларнинг ҳокимлари фозиллар шаҳри ҳокимларининг тескарисидир. Шаҳарни бошқариш усуллари ҳам мутлақо қарама-қаршидир. Бу фикр шу шаҳарлар аҳолисига ҳам тааллуқлидир. Фозил шаҳарларнинг бир-бирига издош бўлган имом-бошлиқлари ягона абадий бошлиқнинг ягона руҳини мужассам этадилар. Мабодо, бир замонда кўпчилик шундай шаҳарларнинг ҳокимлари яшасалар, улар ҳам биргаликда гўё ягона абадий ҳукмдор руҳини мужассам этадилар. Фозиллар шаҳри одамларидан баъзилари ҳамма учун муштарак — умумий бўлган билимларни ўрганиб иш юритадилар, баъзилари эса фақат муайян мавқедаги одамлар билиши зрур бўлган билимларни ўрганиш ва иш юритиш билан шуғулланадилар. Бу одамларнинг ҳар бири шундай умумий тириклигида бир-бирига яқинлашганларида ҳам роҳат-фароғатга эришадилар — **М. М.**). Ҳар бир янги келган руҳ ўзига ўхшаш аввалги руҳ билан қўшилганида ҳузур-ҳаловат янада ортади. Шунингдек, кейин келган (ўхшаш) руҳлар қўшилганида аввалги руҳларнинг ҳузур-ҳаловати ҳам янада ортади. Чунки ўз моҳияти (маъноси)ни топган аввалги руҳ кейин келган (ўхшаш) руҳларнинг моҳиятларини қайта-қайта топишдан роҳат-фароғати яна ва яна ортаверади. Руҳлар сифатларининг бундай ўзаро қўшилиши оқибатида уларнинг (ақлий) қувватлари миқдор жиҳатидан ҳам тобора ортади. Бундай ҳолатни яна юқорида айтганимиз, ҳаттотнинг узоқ машқ давомида маҳорати ортгани сари бу машғулотдан оладиган завқ-шавқи ҳам ортиб боришига ўхшатиш мумкин. Хаттот изчил равишда маҳорати ортганида ўзи ҳам баркамоллашиб борганидай, руҳлар ҳам изчил равишда бир-бирига қўшилганларида (маънавий) кучлари ортиб, баркамоллашиб боради. Руҳларнинг бир-бирига чексиз қўшилаверишлари имкони бўлгани учун ҳар бир руҳнинг бошқалари билан чексиз қўшилаверишидан оладиган ҳузур-ҳаловати ҳам чексиз ортиб бораверади.

Биздан аввал (бу дунёдан) кетган авлод-аждодларимизнинг руҳларининг аҳволоти ҳам худди шундайдир.

КАСБ-ҲУНАР ВА БАХТ ТУШУНЧАЛАРИ ҲАҚИДА

БАХТНИНГ ТУРЛИ ДАРАЖАЛАРИНИНГ бир-биридан афзаллиги уч хил аломатга қараб аниқланади. Биз қуйида кўриб чиқаётган ҳунар ва санъатларнинг бир-биридан афзаллиги ҳам худди шу аломатларга қараб аниқланади.

Ҳунар ва санъатлар қайси тур ва соҳаларга тааллуқли эканлигига кўра бир-биридан афзал кўринади. Масалан, бўз тўқиш, шойи тўқиш, атторлик, ҳовли супуриш, рақс санъати, фиқҳ, табиблик ёки сўз санъати бир-биридан қанчалик афзал бўлса, бахтга эришув даражалари ҳам шунга ўхшашдир.

Бундан ташқари, бир турдаги санъат, ҳунар соҳиблари ҳам малака (миқдори) жиҳатидан фарқланиши мумкин. Масалан, бир хаттот ўз ҳунарининг кўпгина сирларини билиши, кенг билим эгаси бўлиши мумкин. Бошқа бири ўз ҳунари сирларини камроқ билиши мумкин. Мазкур ҳунар(хаттотлик)ни яхши эгаллаш учун хаттот тилни, сўз санъатини, ҳуснихатни ва ҳисоб-китоб, риёзиётни пухта билиши зарур. Шу ҳунар эгаларидан бири, масалан, ҳуснихатни ва риёзиётни яхши билади, бошқаси тилни, сўз санъатини ва ҳуснихатнинг баъзи жиҳатларини яхши билади, учинчиси мана шу илмларнинг ҳаммасида моҳир.

Хаттотларнинг сифат жиҳатидан бир-биридан афзаллиги шундаки, масалан, ҳуснихат санъатини эгаллаган икки хаттотдан бири (ўзи танлаган) шу соҳада кучлироқ, бири кучсизроқ бўлиши мумкин. Бу сифатдаги афзалликлар.

Бошқа шаҳарларнинг аҳолисига келсак, бу одамларнинг феъли ёмон бўлгани учун ҳунарлари ҳам уларнинг кўнгли ёмонлигини тузата олмайди. Ёмон хаттот табиатан бадбахтлиги туфайли ёзуви ҳам тобора хунуклашиб бораверади, унинг ҳунари, санъати тобора орқага кетаверади. Фазилатсиз шаҳарларнинг одамлари ёмон феъллари, қилмишлари туфайли кўнгиллари-руҳлари ҳам ёмонлашиб бораверади. Мабодо, улар ана шу ёмон ишларида изчил саъй-ҳаракат, тобора куч-ғайрат кўрсатса, уларнинг руҳлари янада кўпроқ ёмонлашади ва охири майиб-мажруҳ бўлиб қолади. Шу туфайли улар ўзларига ёқадиган ёмон ишлардан ҳузур-ҳаловат оладилар. Вужуди, жисми касал бўлган одам (масалан, безгак тутаётган киши) мизожи бузилганидан, ўзига ёқмайдиган таомларни ейишдан ҳузур қилади ва табиатан меъдасига ёқадиган таомлар унга ёқимсиз кўринади, руҳан касал одамлар ҳамон ёмон истаклари ва одатлари туфайли бузилган тасаввурларга қараб, ёмон (ахлоқсиз) феъл-ҳаракатлардан ҳузурланадилар ва гўзал қилиқларни, ишларни ёқтирмайдилар ёки умуман гўзаллиқни тасаввур қилолмайдилар. Вужуда касал одамлар ўз касаллигини билмасдан ўзларини соппа-соғ деб ўйлаб, табибнинг маслаҳатларини олмагани каби, руҳан касал одамлар ҳам ўзларини соппа-соғ (ва фазилатли) деб ўйлаб, раҳбари, муаллими ёки устозининг насиҳатларига қулоқ солмайдилар.

Нашрга тайёрловчи: Маҳкам МАҲМУД

Жума ўгитлари

МАДАНИЯТ КЎЧАДАН БОШЛАНАДИ

ХОЗИРГИ ШАРОИТДА деярли ҳар қадамда кўча-йўл ҳаракати қоидаларига дуч келамиз. Лекин аксариятимиз бу қоидаларга амал қилмаймиз, баъзан атайин бузамиз. Айниқса, йўловчи билан ҳайдовчи ўртасида ўзаро ҳурмат йўқ. Баъзи транспорт бошқарувчилари йўловчини ҳам, ўзи сингари ҳайдовчини ҳам назарга илмайди. Қизил чироқ олдида тўхтаб турсангиз, безатилган «Жигули»нинг бойвачча ҳайдовчиси сизни айланиб ўтиб чорраҳа ичига кириб олади ёки қарама-қарши ҳаракат йўлига ўтиб тўхтайди. Турли товуш чиқарувчи сигнал соҳиблари эса қизил чироқни ҳам писанд қилмайдилар. Ортингиздан келаётган бўлсалар ёки чорраҳада орқада туриб қолсалар, устма-уст сигнал чалиб сизни шоширадилар. Баъзи «ўғил болалар» узлуксиз сигнал чалганича қарама-қарши йўналиш томонга машинасини олиб ўтиб, рўпарадан келаётганларни саросимага солиб қўядилар. Боз устига, бошқаларининг «қўрқоқ»лигидан истеҳзоли ғулганлари ортиқча.

Қоидабузарликда баъзи такси ҳайдовчиларига тенглаша оладиган одам бўлмаса керак. Улар бошқа транспорт воситалари қатновини мутлақо ҳисобга олмайдилар, дуч келган жойда тўхтайверадилар. Муҳими, «клиент» бўлса бас. Баъзи кишилар эса машинаси билан кўчани банд қилиб, бемалол гап сотишдан ҳам тоймайдилар. Отасининг пулига келган машиналарда керилиб юрган бойвуччалар маҳаллада бирор маъракa ёки тўй бўлаяптими, кўча тўла одамми, бунга парво ҳам қилмай, чанг-тўзон кўтариб, милтиқнинг ўқидай катта тезликда учиб ўтишади. Ана шунинг оқибатида, аввало, ўзи кўпчилик назаридан қолса, иккинчидан, ота-онасига лаънат келтиради.

Водий тарафда яхши бир одат бор. Маҳалла-кўйда тўй бўлаётган бўлса, маълум масофа икки томондан белгиланиб икки томонига қизил, аза бўлса, яшил мато боғлаб қўйилади. Буни кўрган ҳайдовчилар шу масофа оралиғида тезликни пасайтириб, одамларга салом бериб ўтишади. Бу ҳол бир томондан тўй-маъракa ўтказаётганларга ҳурматни ифодаласа, иккинчи томондан маросимга тўпланганлар ҳавфсизлигини таъминлайди. Ушбу анъана жумҳуриятимизнинг бошқа шаҳар-қишлоқларида ҳам қўлланса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Энди шахсий транспорт воситаларининг безатилиши хусусида тўхталсак. Мен бу борада меъёридан ошмаслик тарафдориман. Машинани дид билан безаш, техник жиҳатдан мукаммаллигини оширувчи, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминловчи воситалар ўрнатиб, улардан фойдаланиш яхши. Лекин, «Мишелин», «Бош», «Кастрол» каби ўзи ёпишувчи нотаниш ёзувлар, «Марлборо», «Палмал», «Камел» сингари сигареталар номини англатувчи ёзувларни машинанинг орқа ва олд ойналарига ёпиштириш фаросатсизликдан бошқа нарса эмас. Негаки, «Мишелин» резина ғилдирак ишлаб чиқариш фирмаси, «Кастрол» мотор мойи фирмаси, «Бош» электр қисмлар ишлаб чиқариш фирмаси белгиларидир. Сигареталар номлари эса барчага маълум. Четда бундай ёзувларни машинага ёпиштириб фирмаларни тарғибот қилиш ҳайдовчи билан маълум муддатга ва келишилган миқдордаги маблағ эвазига амалга оширилади. Бизда эса, аксинча, чет тилда битилган чиройли ёзув бўлса, кифоя, маъноси билан ишимиз йўқ, кимўзарга фалон публикасига қарашли бўлиб чиқади. Давомини суриштирсангиз, ГДР аллақачон тугатилиб, ягона Германия ташкил топган. Ана, сизга мантиқсизлик.

Номер белгиларини машина рангига мос қилиб бўяшлар, рақамлар қалинлигини ўзгартиришлар, ярмига бошқа ранг беришлар, уларни олиб қўйиб юришлар ҳаракат қоидасининг қўпол равишда бузилишига олиб келади. Бу борада ДАН томонидан текширишлар ўтказилаётганига қарамай, ўзгариш бўлмаётир.

Бизда ўнгга ва чапга бурилиш ҳақида огоҳлантирувчи воситалардан фойдаланиш маданияти ҳам оқсайди. Чорраҳаларда, кўчаларда кетаётиб йўл ҳаракати белгиларига эътибор қилмай кескин бурилишлар бошқа ҳайдовчиларни танг аҳволга солиб қўяди. Тунда оқибатни ўйламай узоқни ёритиш чироқларини ноўрин ёқиб юриш рўпарадан келаётган ҳайдовчининг кўзини қамаштиради. Унинг асабини эговлаб, баъзан фалокат содир бўлишига олиб келади. Фалокат эса оёқ остида. Баъзан об-ҳаво ноқулайлиги ёки техник носозликлар туфайли, баъзан ҳайдовчиларнинг ёки йўловчиларнинг айби билан йўл ҳаракати қоидаси бузилади, фалокат рўй беради. Хўш, шундай пайтларда биз ўзимизни қандай тутамиз? Агар икки машина тўқнашиб кетса, уларнинг эгалари ким ҳақ, ким ноҳақлигини талашиб одамийликни унутишади, бир-бирини аёвсиз ҳақорат қилишади. Гоҳо мушталр ҳам ишга тушади. Ҳолбуки, ногаҳон тўқнашувлар содир бўлганда, Япония сингари юксак маданиятга эришган бошқа мамлакатларда ҳайдовчилар бир-биридан узр сўрашиб, ўзлари ва машина ичида ўтирганлар саломат қолганликларига шукур қилишади, хушмуомалалик ва мулойимлик ила ўзаро келишиб олишади. Биз улардан ҳар қанча ўргансак арзийди.

Бизда пиёда йўловчилар ҳайдовчиларга ишончларини шунчалик йўқотишганки, ҳатто чорраҳада тўхтаб турган машина олдидан ўтишга ҳам журъат этиша олмайди. Баъзи кишилар эса, аксинча, катта тезликда кетаётган транспорт воситаси олдидан кесиб ўтишга ўрганиб қолишган.

Шу ўринда Будапешт шаҳрида ўзим кузатган бир воқеани айтиб ўтай. Бу мамлакат кишилари кўча ҳаракати қоидаларига жиддий амал қилишар экан. Чорраҳада яшил чироқ ёниб, ҳайдовчига йўл очилган чоғда ҳам, йўл устида бирорта пиёда йўловчи бўлса, у ўтиб кетгунча барча ҳайдовчилар ўринларидан жилмай туришар экан. Йўловчилар ҳам фақат белгиланган жойдан кўчани кесиб ўтади. Агар бирор ҳайдовчининг серқатновлик туфайли иккинчи даражали йўлдан шоҳ кўчага чиқолмай турган бўлса, йўловчилар бир неча дақиқа тўхтаб, унинг катта кўча ёки йўлга чиқиб олишига имкон яратиб беришади. Айни чоғда ҳайдовчи ўнг қўлини юқорига кўтариб ўз миннатдорчилигини билдиради. Бордию, йўловчи қоидани бузса, ҳайдовчиларнинг «Офарин» деб қарсак уриб қўйиши, у учун жуда катта танбеҳ ҳисобланади. Бизда-чи? Машина номер белгисига кўра Тошкентникими, ойнадаги ёзувига кўра, Германия Демократик Республикасими, Давомини суриштирсангиз, ГДР аллақачон тугатилиб, ягона Германия ташкил топган. Ана, сизга мантиқсизлик.

Номер белгиларини машина рангига мос қилиб бўяшлар, рақамлар қалинлигини ўзгартиришлар, ярмига бошқа ранг беришлар, уларни олиб қўйиб юришлар ҳаракат қоидасининг қўпол равишда бузилишига олиб келади. Бу борада ДАН томонидан текширишлар ўтказилаётганига қарамай, ўзгариш бўлмаётир.

Бизда ўнгга ва чапга бурилиш ҳақида огоҳлантирувчи воситалардан фойдаланиш маданияти ҳам оқсайди. Чорраҳаларда, кўчаларда кетаётиб йўл ҳаракати белгиларига эътибор қилмай кескин бурилишлар бошқа ҳайдовчиларни танг аҳволга солиб қўяди. Тунда оқибатни ўйламай узоқни ёритиш чироқларини ноўрин ёқиб юриш рўпарадан келаётган ҳайдовчининг кўзини қамаштиради. Унинг асабини эговлаб, баъзан фалокат содир бўлишига олиб келади. Фалокат эса оёқ остида. Баъзан об-ҳаво ноқулайлиги ёки техник носозликлар туфайли, баъзан ҳайдовчиларнинг ёки йўловчиларнинг айби билан йўл ҳаракати қоидаси бузилса, оқибати кўпинча жанжал билан якунланади. Ҳайдовчи ва Давлат автомобиль назорати ходимлари ўртасидаги баҳс кўпинча посбонлар фойдасига ҳал бўлади. Сиз ўз фикрингиз ёки эътирозингизни билдирмоқчи бўлсангиз, қоидабузардан жиноятчига айланиб қолишингиз ҳам ҳеч гап эмас. ДАН ходимлари осмондан келишади. Японияда эса йўл полицияси кириш мумкин бўлмаган, қайрилиш ёки бурилишларда, ман этилган жойларда, гавжум чорраҳаларда ўзини кўрсатиб, ҳайдовчининг ҳаракат қоидасини бузишга йўл қўймай, огоҳлантириб туради. Бизнинг ДАН ходимлари эса «қачон қоидабузарлар пайдо бўлар экан!» дегандек бирор тўсиқ ортида, дарахт панасида ёки муюлишда пойлаб туришади.

Эътибор берган бўлсангиз, баъзи завод, фабрикалар, автобазалар олдида светофор ўрнатилган. Бундан мақсад завод-фабрика ходимлари ҳавфсизлигини таъминлаш, автобаза транспортларининг рейсга чиқиши ва қайтишини осонлаштириш. Қоидага кўра, бундай светофорлар керакли фурсатларда ишлаб, бошқа вақтларда огоҳлантирувчи сариқ чироғи ёниб туриши керак. Лекин улар туну-кун тинмай ишлайди ва гоҳида баъзи бир ДАН ходимлари учун текин даромад орттирувчи воситага айланиб қолади. Худди шунингдек, кўча ёки йўлни таъмирлаш чоғида вақтинчалик тезликни чеклаш мақсадида қўйилган, бироқ кейинчалик унутиб қолдирилган огоҳлантирувчи белгилар ҳам ДАН ходимларига қўл келади. Қисқаси, айрим ДАН ходимлари йўл ҳаракати қоидасини бузишнинг олдини олувчиларга эмас, асосан жазоловчи орган ходимларига айланиб қолганлар.

МЕНИМЧА, РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақилликка эришганини ҳисобга олиб, келгусида кўча-йўл ҳаракати қоидаларига ҳам ўзгариш ва тузатишлар киритиш лозим. Бу борада юксак маданиятга эришиш учун интилишимиз керак.

Абдумутал СОТВОЛДИЕВ

Ҳаёт, одоб ва одам

«ҚАЙСИ ТАРИХНИ ЎРГАНАМИЗ?»

Ҳаёт сабоқ

Ҳафталикнинг шу йил 17-апрел сонида босилган тарих фанлари номзоди Сотимхон Холбоевнинг мақоласини катта қизиқиш билан ўқидик. Биз талабаларга Ўзбекистон тарихи ва ХХ аср сиёсий тарихидан сабоқ берамиз. Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги кунда олий ўқув юртлари илмий кенгашларида ХХ аср сиёсий тарихи фани тўғрисида кўплаб тортиш

Бағирдаги чўғ

Сирожиддин АҲМАД

XX АСР БОШЛАРИДА ЗУЛМ ОСТИДА ҚОЛГАН ХАЛҚИМИЗНИНГ ақл кўзини очиш учун, унинг вужудидаги барча инсоний сезгиларни уйғотувчи, ижтимоий фаолликка ундовчи, миллий истиқлолга куч берувчи дармон-дори керак эди. Айниқса машҳур маърифатпарвар Исмоилбек Ғаспаралининг Туркистонга келиши, истиқлол ҳақидаги фикрларнинг ўлкада ёйилиши Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Ашурали Зоҳирий, Обиджон Маҳмудов, Убайдулла Хўжаев каби сиймоларни миллат учун курашга отлантирди. Шу зотларнинг фидокорлиги билан Туркистон ва Бухоро амирлигида «Турон», «Ғайрат», «Қатъият», «Бирлик», «Турк ўчоғи», «Тарбияи атфол», «Таъмими маориф» каби жамиятлар пайдо бўла бошлади. Бу жамият ва Исмоилбек Ғаспаралининг маориф, матбуот, тил, ижтимоиёт соҳасидаги тарғиботлари Туркистонда зўр қувват олиб, кенг ёйилди. Беҳбудий ва Абдурашидхонов янги усулдаги мактаблар очиб, халқимизни мутлақо янги ижтимоий-маданий ўзанга бурдилар. Бу ўзан тарихда «Жадидчилик — тараққийпарварлик» деб аталди.

Жадидлар ўлкамизни қолоқлик ва зулмдан қутқармоқ учун аввало маърифий-маданий ишларни томир оттириб, халқни катта курашга етакламоқчи бўлдилар. Тарихнинг аччиқ сабоқлари шунга мажбур қилган эди. Чунки золим оқ пошшо каллакесарлари ўлкада амалга оширган қирғинлар халқимизнинг ғурурини оёқости қилган ҳамда тарихидан фахрланиш туйғусини сўндирган эди. Уни тиклаш ҳар жиҳатдан пухта тайёргарликни талаб қиларди. Шу боис жадидлар турли соҳаларда Оврупо таълимини олган уларнинг қонунларини яхши биладиган ва ўз элига нафи тегадиган имон-эътиқодли мутахассисларни тайёрлаш, истиқлолнинг ижтимоий-сиёсий, ҳарбий, маданий пойдеворини тиклашни ўзларининг бирламчи вазифалари деб билган эдилар. Чунки жадидлар наздида ҳар қандай давлатнинг бешта таянч нуқтаси бўлган: **сиёсат, ҳарб, иқтисод, маданият, матбуот.**

Жадидлар ўзбек миллий демократик матбуотининг вужудга келиши учун жонбозлик кўрсатдилар. Беҳбудий, Мунаввар қори, Обиджон Маҳмудов, Убайдулла Хўжаев, Ашурали Зоҳирий тиришқоқлиги туфайли «Хуршид», «Турон», «Самарқанд», «Ойна», «Ўрта Азиянинг умрузаронлиги», «Тараққий», «Садойи Фарғона», «Садойи Туркистон», «Ҳенгаш», «Турк сўзи», «Суръат» каби жаридалар бирин-кетин майдонга келиб, мустамлакачиларнинг юрагига қутқу, халқимиз қалбига истиқлол, эрк туйғусини солишга интилдилар.

Жадидчилик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий ҳаётга катта таъсир кўрсатиши билан бир миқдорда узоқ асрлар мобайнида икки йўналишда—сарой ва анъанавий шаклда яшаб келган театр санъатига ҳам катта ўзгаришлар киритди. Бунда, албатта, ўлкамизга сайру тижоратга келган рус, татар, озарбойжон театрларининг таъсири ҳам сезиларли бўлди. Оврупо шаклидаги театрларнинг Туркистонда, хусусан Бухорода томошалар кўрсатгани маълум. Ҳатто амирнинг валиаҳдликдан воз кечган қариндошларидан бирининг ўрис хотинидан бўлган фарзанди — Н. Церетели театр ва кино актёри эди. У амир саройида бемалол истиқомат қиларди. Бундан ташқари ҳаваскор театр труппалари пайдо бўлгани, жумладан, унда улуғ адибимиз Фитратнинг иштирок этгани ҳам маълум.

Аммо Оврупо театри нусхасидаги ихтисослашган театрнинг ҳақиқий тарғиботчилари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлонийдир. Улар театрга ҳақиқий ҳаёт мактаби деб қарадилар.

Умуман олганда, Оврупо театри нусхасидаги ўзбек саҳна адабиёти ва театрини икки босқичга бўлиш мумкин. Негаки 1913—1915 йиллар театрида сиёсий маърифатпарварлик барқ урса, 1916—1921 йилларда эса миллий истиқлол учун кураш ёркин кўринади.

САҲНА АДАБИЁТИ. Бу соҳа ҳақида гап кетганда, мумтоз шоир Чўлпон илк саҳна асари сифатида Абдурауф Самадов-Шаҳидийнинг «Маҳрамлар» асарини тилга олади. Ушбу пьеса 1911 йилда Наманганда Исҳоқия матбаасида босилган. Аммо ўзбек жадид театрининг илк тадқиқотчиси Миёнбузрук Солиҳов уни биринчи ўзбек пьесаси деб ҳисобламайди. Сабаби, асарнинг ҳақиқий номи «Уликлар» бўлиб, татарча ёзилган, кейин ўзбекчага таржима қилинган. Шу номда 1917 йилда ҳам қайта босилган. «Лекин, масала бу ерда биринчилик шарафини бир асарга бериш устида эмас, — деб ёзади М. Солиҳов, — балки маҳаллий театру кучларининг ўсиши ва етиштириш тарихларини ифодалаш устидадир. Шу ҳолда «Маҳрамлар» пьесасини маҳаллий кучлар тарафларидан ёзилган ва биринчи пьеса деб тақдим қилиб бўлмайди. Чунки бу пьеса ўзбек маҳаллий кучлари тарафидан «Падаркуш» пьесаси қўйилганидан сўнгра саҳналаштирилган». Биз ҳам шу фикрдамиз.

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ РАСМАН ТАЪКИДЛАШИЧА, «Падаркуш» асари 1911 йилда ёзилган. Аммо ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этишини хоҳламаган чор мустамлака ҳокимияти асарни бостиришга рухсат бермайди. Беҳбудий тадбир топади. У ўз асарини Тифлисга юборибдаги, ҳарбий цензурага асарнинг Бородино жанги мавзуси ва Русиянинг французлар босқинидан халос этилганига бағишланганини рўкач қилади. Ниҳоят, у рухсатни қўлга киритади. Икки йиллик оворагарчиликдан кейин 1913 йилда Самарқанддаги Б. Газаров ва К. Слиянов матбаасида бостиради.

Асар босилгач, ўлка зиёлилари ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетади. Чунки бу асарнинг ёзилиши тарихий зарурат эди.

Аммо Туркистонга хомашё заҳираси сифатида қараган, туб аҳолининг қадимий маданиятини менсимаган ва уни қўпориб ташлашга ҳаракат қилган мустамлакачилар ва уларнинг малайлари ўзбек халқининг фаҳм-фаросатини, исломдек кучли эътиқодга эга эканлигини ҳисобга олмаган эдилар. Бинобарин истиқлолга беҳуда қон тўкиш билан эмас, катта сиёсий-маърифий маданият билан келиш лозимлигини тушунтириб бердилар. Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси шу йўлдаги илк тарихий қадам эди.

«Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли» дидактик асар эмас, у ўз даври учун том маънодаги фалсафий, ижтимоий драмадир.

Беҳбудий жамиятни инқирозга учратувчи, миллатни пароканда қилувчи куч жоҳиллик ва уни майдонга келтирувчи ғайрат мустамлакачиларнинг турли ҳийла, найранг, дасиса, қўрқитиш, гиёҳвандлик каби қуроллари эканини ҳам уқдириб ўтади. Ва ана шу қуроллардан бири рус мустамлакачилари паноҳида ўлкамизда армани Артём орқали сотилаётган пивою, унинг қўшмачилиги экан. Пиво, ароқ, фоҳишабозлик ҳар қандай азамат халқни тиз чўктирувчи атомдан хавфлироқ қурол экани таъкидланади.

«Падаркуш» муаллифнинг илк саҳна асари бўлишига қарамай, мезонсаҳна ва айтишув (диалог)ларни пухта ишлаган. Ҳар бир тимсолнинг ўз сажияси бор. Муболаға, истеҳзолар, танбеҳлар ўринли қўлланган. Рус хитойшунос олими Б. Пестовский осори атиқачи Вяткиннинг сўзига асосланиб, Беҳбудий ўз асарини Д. Фонвизиннинг «Сабий» асаридан таъсирланиб ёзганини эслаб ўтади. Аммо «Падаркуш»да бу мутлақо сезилмайди. Чунки асар қаҳрамони Тошмурод маишатга берилиб кетиб, чапани ҳаёт кечирган бой болаларининг ҳаққоний тимсолидир.

Асар эски ва янги зиёлилар ўртасида катта шуҳрат қозонди. Қўл Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг зурёди Маҳмудхўжа Султоналихўжа — Беҳбудий издошлари кўпая борди. 1914—1917 йиллар мобайнида Нусратилло Қудратуллонинг «Тўй»; Ҳожи Муин ибн Шукруллонинг «Эски мактаб, янги мактаб», «Кўкнори», «Жувонбозлик қурбони», «Қози ила муаллим», «Бой ила хизматкор», «Мазлума хотин»; Абдулла Бадрийнинг «Аҳмоқ», «Жувонмарг», «Намоз ўғри», «Жаноби олий», «Миркомилбой»; Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв»; Фитратнинг «Қон», «Бегижон», «Темур сағанаси», «Ўғизхон»; Чўлпоннинг «Бой»; Маннон Уйғурнинг «Туркистон табиби»; Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт»; Абдулла Авлонийнинг «Адвокатлик осонми»; номаълум драматургнинг «Аҳмад парния» сингари йиғирмага яқин пьесалари пайдо бўлди. Афсуски, бу асарлар ҳақида рус тилида ёзилган уч-тўрт тақризларни ҳисобга олмаганда танқидий мақолалар учрамайди.

Саҳна юлдузи А. РИСҚИЕВ суратга олган

Миёнбузрук Солиҳовнинг 30-йилларда ёзилган «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» асарида жадид театри ва саҳна адабиёти ҳақида нохолис бўлса-да, баъзи фикрлар мавжуд. Чунончи, у Нусратулло Қудратуллонинг «Тўй» асарига баҳо бериб: «Бу пьеса қурилиш жиҳатидан даврига кўра жозибали чиққан пьесалардан ҳисобланади. Жадидларнинг маҳаллий бойликларни сақлаш ва буржуазияни ўстириш сиёсатлари бу пьесада жуда очиқ кўринади...» — дейди. Афсуски, М. Солиҳов барча асарларни буржуа мавҳуми билан таҳқир қилади.

Жадид саҳна адабиёти ва умуман инқилобдан аввал ва кейинги даврда театр санъати равнақига Ҳожи Муин ибн Шукрулло — Меҳрийдек катта ҳисса қўшган ва астойдил хизмат қилган шахслар жуда камдир. Ўқитувчи, журналист, таржимон, матбаачи, танқидчи, библиограф ва шоир бўлган Ҳожи Муин жадид саҳна адабиётининг улкан намояндасидир.

Ҳожи Муин ҳам устози Беҳбудий каби мактабни ислоҳ қилиш масаласини биринчи ўринга қўяди. Икки усулдаги мактаб ҳаётини саҳнага олиб чиқади. «Эски мактаб — янги мактаб» пьесасининг биринчи пардасида бошланғич мактаб домласи мулла Очилнинг дарс бериш йўриғидаги камчиликлар, шахсиятидаги нуқсонлар очиб ташланади. Очилнинг нақадар жоҳил, ўз маҳоратини юксалтиришга, билимини оширишга интилмайдиган, қотиб қолган киши эканлиги жонли мезансаҳналарда кўрсатилади. Болалар беш-олти йил ўқисалар-да, савод чиқара олмайдилар. Муаллиф мулла Очил мактабида бўйра чўпдан қўчқор ясаб уруштириш, гурпанглашишни жонлантира олган. Асарнинг иккинчи пардасида муаллиф Нуриддиннинг ўқитиш усули, турли синфдаги болалардан имтиҳон олиши, умуман усули жадид мактабининг афзалликларини намойиш этади.

ЎЗБЕК САҲНА АДАБИЁТИ ВА ТЕАТРИ ИЖТИМОИЙ-МАЪРИФИЙ фикрларни саҳнада жонлантириб, одамларнинг ақл кўзини очишга, миллий-диний туйғусини уйғотишга интилди.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни зийраклик билан кузатиб борувчи, турли босқинчиларнинг ошкора ва яширин зулм остида эзилган, ўтга ташланса-да, мисли қақнус қўшдек чўғ бағрида қайта туғилгувчи ўзбек халқи ва унинг зиёлилари, адиблар, жумладан, Ҳожи Муин ҳам ўзбек аёлларининг тақдирига асло бефарқ қараб турмади. Чунки жамиятнинг соғломлиги, маънавий равнақи, қисмати асосан аёлларнинг баркамоллигига, заковатининг бойлигига боғлиқдир. Чунки улар тажаллийи азалдирлар, яъни Аллоҳнинг жилвакор нуридурлар. Донишмандлар аёллари тарбиясиз бўлган жамият узоқ яшамайди, дейдилар. Аёлларнинг ҳаёт ва жамиятдаги ўрнини яхши билган Ҳожи Муин ўзбек аёлининг қисматидан — ички ҳаётидан, кундошлик истибдодидан ҳикоя қилувчи «Мазлума хотин» драмасини ёзди.

Асарда Ҳожи Муин мураккаб бир шароит ва даврда аёллар тенг ҳуқуқлиги, муҳаббат билан оила қуриш каби умуминсоний муаммоларни олиб чиққан. Бу фикрлар аёл, оила, жамият масаласида жадид мафкураси олға сурган муаммолардан бири эди. Ушбу масала қисман Абдулла Бадрийнинг «Жувонмарг» драмасида ҳам кўтарилган.

Аслида соатсоз татар устасининг жаҳонгашта ўғли бўлган Абдулла Бадрий ўзбек саҳна адабиёти учун катта хизмат қилган кишилардан биридир. Унинг ўндан ортиқ асарлари ўз вақтида ўзбек саҳнасида кўп ижро этилган. Ўзи эса театр даргоҳларида режиссёр, актёр ва муаллим сифатида фаолият кўратган. «Жувонмарг» пьесасини 1916 йилда ёзган.

«Жувонмарг» («Ёш ўлган») пьесасининг мазмуни қуйидагича: Тошпўлат деган бир жоҳил киши қизи Тўтиқи Аҳмад кўнтур деган кимсага зўрлаб бермоқчи бўлади. Қиз никоҳ куни онаси билан бирга тараққийпарвар тоғасининг маслаҳатига кўра қочиб кетади; Аммо отаси уларни топиб олиб, ўлдиради. Тоғаси ақлдан озади...

Жадид саҳна адабиётида маърифат ва аёллар озодлиги муаммолари билан бир қаторда истиқлол мавзуи кенг кўтарилди. Мисол тариқасида Фитратнинг «Бегижон», «Темир сағанаси», «Ўғизхон», Абдулла Бадрийнинг «Номоз ўғри», Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Абдурраҳмон Исмоилзоданинг «Шарқ ўрдуси», «Хоин ўғли», Ҳамзанинг «Лошмон фожиалари», «Фарғона фожиалари», Нўшравон Ёвушевнинг «Чингизхон», Ҳусайн Жовиднинг «Шайдо», Шамсиддин Сомибекнинг «Коваи оҳангар», Ғози Юнуснинг «Заҳоки морон», Маннон Рамзнинг «Туркистон хонлиги», Тангриқул Мақсудийнинг «Ватан», Номиқ Камолнинг «Ватан ёхуд Силистра» сингари асарларини санаб ўтиш мумкин.

Саҳна адабиётида тараққийпарварлик, истиқлол ғоялари 1921 йилгача кўринди. Шу йилдан то 1927 йилгача ўзбек саҳна адабиётида сунъий тарзда яратилган бўшлиқ пайдо бўлди. Аммо жадид драматургияси ўзбек саҳна адабиётининг таназзулга учрамаган адабиёти бўлиб қолди. Эл қалбига ўзлигини танишдек, Ватан деган олий туйғуни туйишдек, унинг учун ҳатто фидо бўлишдек буюк тушунчаларни сингдирди.

Жадид театри Оврупо нусхасидаги ихтисослашган ўзбек театри саҳна адабиёти билан баробар туғилди, десак муболаға бўлмайди.

Туркистонда ва Бухоро амирлигида сайёр труппалар ўз асарларини кўп марта намойиш килгани ҳақидаги маълумотлар мутахассисларга аён. Тошкентда турли миллатлар иштирокида театрлаштирилган «Шарқ кечалари» ўтказилгани маълум. Бундан ташқари Тошкентга чор ҳокимияти юмуши билан келган генерал Соҳиб Гиреевич Еникеевнинг уйида спектакллар кўрсатилиб турган. Еникеев Худоёрхоннинг Петербургдаги элчиси, хонлик тугатилгач, Туркистон генерал губернаторлигининг штатс-маслаҳатчиси сифатида хизмат қилган ва руслар орасида Карл Карлович Умидов номи билан машҳур бўлган Мирзо Ҳаким парвоначининг қизи Саодат хонимга уйланган эди. Шарқ ва Ғарб тарбиясини кўрган Саодатхоним уйида жуда катта йиғинлар, тантаналар ўтказилган. Тошкентдаги биринчи мусулмонча спектакль (ўша вақтда шундай деб аталган. Сабаби спектаклда ислом динига эътиқод қилувчи кишилар қатнашган) шулар хонадонида ўйналган.

Театр ташкил этиш масаласи Самарқандда ҳам ривож топди. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари бу ишга астойдил бел боғлайдилар. Самарқанд театр ҳаётини яхши билган татар театр арбоби Абдулҳамид Азамат сўзи билан айтганда «Беҳбудий афанди бир ёқдан ўзининг «Падаркуш» китобини ёзиб, Туркистонда янги адабиётга негиз қўйгонидек, иккинчи ёқдан шул асар билан ерлик халқнинг ўз орасидан саҳна оламига ишлагувчи кучлар етиштириб, Туркистон театрини туғдирди». «Ойна» ойномасининг хабарига қараганда, «Падаркуш» спектакли илк бор 1914 йил 15 январда саҳналаштирилган. Асарга Ориф Абдураҳимзода режиссёрлик қилган. Ролларни Абдусалом Абдураҳим ўғли (Бой), Мулла Аббос (Хайрулла), Мардонқул Шоҳмуҳаммад ўғли (Домла), Мирза Нуъмон мулла Фозил муфти ўғли (Зиёли), Яздонқул Райимқул Муҳаммадсолиҳ ўғли, Мирҳошим Мирраҳим ўғли, Муҳиддин Жўрабой ўғли, Абдулла Бадрий (Лиза), Муҳаммад Аминжон ўғли (Бойнинг укаси), Аҳмаджон Шамсиддинов (Тошмурод ва пристав ролларида) ижро этганлар. Бу труппа ташкилий иш кўролмаган бўлса-да, баъзи актёрлар, ўша давр истилоҳи билан айтганда мушаҳҳислар турли шаҳарларга бориб, ҳаваскор труппаларга ёрдам берганлар.

ТУРКИСТОНДА ҲАР ЖИҲАТДАН МУКАММАЛ ҲАМДА ИЗЧИЛ иш олиб борган, ўзбек театрининг замини бўлган «Тараққийпарвар турон тўдаси» қисқача «Турон» труппасидир. Бу труппа «Турон» тараққийпарварлар жамияти қошида очилди.

Хўш, «Турон» жамиятининг бошида кимлар турарди ва унинг ижтимоий сиёсати, мафкуравий вазифаси нималардан иборат эди? Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулла Асадулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков (ҳар иккиси ҳуқуқшунос-адлиячи), Комилбек Норбеков, Муҳаммаджон Пошшохўжаев (муаллим), Каттахўжа Бобохўжаев (приказчик-гумашта), Башируллахон Асадулла Хўжаев (таржимон), Низомиддин Асомиддин Хўжаев (матбаачи), Каримбек Норбеков (приказчи-гумашта), Абдулла Авлоний (ўқитувчи) жамиятнинг муассислари эдилар. Гарчи жамиятнинг мақсади:

«а) аҳоли ўртасида жиддий ва саҳна ҳамда хайрия ишларига муҳаббат уйғотиш:

б) халққа спектакль қўйиб, соғлом томоша кўрсатиш;

в) Туркистон ўлкаси ҳудудидаги мусулмонларга моддий ва маънавий ёрдам бериб, иқтисодий томонини яхшилаш...», шунингдек, «Нашриёт» ноширлик фирмаси ташкил этиш, институтлар очиш деб эълон қилинган бўлса-да, асосий вазифаси миллатимизни ижтимоий-маданий жиҳатдан юксалтириб, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий мустақилликка аста тайёрлаб бориб, истиқлолга эришдириш эди. Ушбу фикрни Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг: «Чор ҳукуматини йўқотиш жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас», деган фикрлари ҳам тасдиқлайди.

Труппа норасмий ва тарқоқ тарзда 1911—1912 йилларда буён гоҳ тўпланиб, гоҳ тарқалиб юрган бўлса-да, «Турон» жамияти расмий ташкил топгач, 1913 йил июнь—июль ойидан эътиборан қатъий иш бошлайди. Декабрь ойида эса Беҳбудийнинг «Падаркуш» ва озарбойжонча «Хўр-хўр» асари устида икки ойдан ортиқ иш олиб борилгач, 1914 йил, 27 февралда премьера ўйналди. Бу ўзбек миллий ва ихтисослашган Оврупо нусхасидаги театрнинг ўлкадаги энг катта санъат биноси — Коллизейда очилган биринчи мавсумининг биринчи спектакли эди.

Театр пардаси мутафаккир ва инқилобчи Мунаввар қори Абдурашидхонов кириш нутқи билан очилади. У театрнинг инсон ва жамият, миллат ҳаётидаги ўрни ва бошқарувчилиги, бошқачароқ айтганда, жиловдорлиги хусусида фикр юритади. Адиб: «Театр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса, ўзининг ҳусн ва қабиҳини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур», «театр... улуғлар мактаби», — дейди.

Бу спектаклга рус, армани, татар, яҳудий ва бошқалар томошага келган эдилар. Ҳатто ашаддий мустамлакачи ва миссионер бўлган Н. Остроумов ҳам ёш ўзбек актёрларига тан берган. Озарбойжонлик режиссёр Али Асқар Асқаров саҳналаштирган бу спектакль ҳақида (Б. Ҳайит, В. Қаюмхон бу спектакль режиссёри деб У. Хўжаевни кўрсатадилар, аммо ўша давр матбуоти ва архив материалларида уларнинг фикрларини тасдиқловчи ҳужжат учратмадик.) Остроумов ўз жаридаси — «Туркистон вилоятининг газети»да «Туркистон вилояти тараққийлик Русия ҳукуматига тобеъ бўлганига ярим аср бўлиб, сартиялар миёнларида бу ўйин биринчи мартаба бўлиб ҳам шу даражада яхши ўхшатдиларки, ҳар қаю театрни кўриб театр илмига омил кишилар буларнинг янги ўрганганларига инонмай, **балки булар бир неча йил Оврупода машқ қилгон одамлар деб хаёл қилади.** (Биз чизмадик — **С. А.**) Хусусан, пивнойда ўлтурганликни шу даражада ўхшатди, кўп вақт машқ қилгондек ўтказдилар.

...Русия ҳукуматига тобеъ бўлганига 300 йил бўлган татарлардан неча даражада ортиқ деганда муболаға бўлмас». **[ТВГ. 6 март, 1914 й].**

«Эл байроғи» жаридасининг (26.I. 18й.) хабарига қараганда «Турон» труппаси Туркистон мухториятини (Қўқон) ҳам қўллаган. Жаридада шундай хабар босилган:

«Мухториятли Туркистон ҳукумати хазинасига ҳар синф ва ҳар ким бақадар ҳол қўлиндан келган қадар ёрдам қилиши лозимлигидан биз Тошкентдаги «Туркистон санойиъ нафиса» жамияти аъзолари шул вазифани адо қилмоқ мақсади билан Фарғонанинг икки-уч шаҳарларида театру қўйдик. Ҳозирда фақат Андижондан 685 сўмни тегишлик ўринга топширдиқ. Маалтаассуф қиммматчилик сабабли кўзга кўринарлик бир нарса ҳосил бўлмади.

Мудир учун Бадриддин Аъламов.

Саркотиб учун Абдуманнон Мажидий».

1917 йил феврал инқилобидан кейин труппага Аброр Ҳидоятов, Ўтаб Расулмуҳаммедов, Қудратулла Маъзумов, Раҳмонберди, Ҳожизода, Босит Қориев, Қаюм Рамазон, Керим Ёқубий, Ҳамидулла Солиҳов ва бошқа ёшлар келиб қўшилдилар.

Атоқли санъаткор Маннон Уйғур Карл Маркс номи билан труппани қайта ташкил этади. Хуллас, «Турон» труппаси баъзи жузъий ўзгаришлар билан 1923 йилгача яшайди.

ГАРЧИ 1918 ЙИЛДАН БОШЛАБ ТРУППАНИНГ Низомиддин Хўжаев, Бадриддин Аъламов, Абдулла Авлоний, Маннон Уйғур сингари намояндалари ёлгон шиорларга ишониб фирқа сафига ўтиб, янги ҳокимиятга хизмат қилишга аҳд қилган бўлсалар-да, аммо большевойларнинг ниятларини тез тушуниб етдилар. Сабаби, Ленин дунёга жар солган ваъдаларнинг биронтаси амалга ошмади, туб миллатларга, жумладан ўзбек халқига ваъда қилинган озодлик, ҳуррият берилмади. Товуш чиқарган кишиларга миллатчи, панисломчи, пантуркчи тамғасини босдилар. Шу боис Октябр ҳарбий, жиноий зўрлаш ва зўравонлигининг фаол иштирокчиси Георгий Сафаров бу жараённи тап тортмай «Туркистонда мустамлака инқилоби. Тажрибалар.» деб атади. (Бу хизмати учун 1921 йилда фирқа сафидан ўчирилиб, бироз тикланиб, кейин яна ўчирилиб, охир-оқибат 37-йилнинг тиғи-парронига учради.) Қўқон, Еттисув, Байтқўрғон қирғини, Тошкентда дин аҳлларининг отилиши зийрак зиёлиларнинг сиёсий воқеаларга ўзгача муносабатда бўлишларига замин ҳозирлади. Шароит шу даражага етдики, шоирларимиздан Иброҳим Даврон: «Хўб ажаб замонае бегонадурман ўз юртимда. Бир қўлим оғзимда-ю, бир қўлим кетимда» дейишга, Чўлпон эса расмий тарзда фарёд кўтариб:

«Бу ярамас!» — дея оғзим очилмасдан буйруқ: «Мундоғ аччиқ фиғонларга бу ўлкада лузум йўқ!» — деб ёзишга мажбур бўлди.

Мустамлака инқилобининг чирик ниятларини тез англаган Маннон Уйғур 1919 йилда иккинчи катта асарни ниҳоятда дадиллик ҳамда тезкорлик билан саҳналаштиради. Биринчиси, машҳур адибимиз Фитратнинг «Темур сағанаси» номли бир пардали драмасидир.

Фитрат узоқ муддат залолат ва узлатда ётган ота Туркистон халқини уйғотишга, истиқлол учун курашга чорлаб, «Юрт қайғуси» номли туркум саж ёзган эди. Аммо шу асарда буюк бобомиз Амир Темур, Абдуллахон, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва Ислом дини номи билан халқимизни бирлашиш ва курашга чорлаган эди. Мазкур асар ғоялари замин бўлган «Темур сағанаси»нинг Уйғур томонидан саҳналаштирилиши инқилобий давр учун оламшумул воқеа бўлганди.

Маннон Уйғур саҳналаштирган иккинчи асар Муҳаммад Саид Ўрдубодининг «Андалуснинг сўнг кунлари» фожиасидир. Асарни Маннон Уйғурнинг ўзи ўзбекчалаштирган. Томошада араблар билан испанлар ўртасидаги кураш, қўрқоқлик ва жасорат биринчи ўринга олиб чиқилган эди. Лашкарбоши Мусо — Уйғурнинг жасоратли ва ўтли сўзлари томошабинларни инқилобий туйғуларини чархлаб, ватан учун курашга чорлаган. Шу боис ҳам 20-йилларда ГПУ нинг одамлари Маннон Уйғурнинг ҳар қадамини пойлашгани ҳақида кекса санъаткорлар гапириб юришади.

Буюк санъаткорнинг дадиллик ва фидокорлиги Фитратни «Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари» асарларини саҳнага олиб чиқишда яққол кўринади. Зеро, Уйғур инглиз саллотларини саҳнага Сибирь полки саллотлари либосида олиб чиққани ҳам кўп саволларга жавоб беради.

ХУЛЛАС, ЖАДИДЧИЛИК МАТБУОТИ, МУҲАРРИРЛАРИ, ТЕАТРИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ 1923 йилгача, яъни Маннон Уйғур Москвага олий санъат муассасасига ўқишга кетгунча давом эттирди.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш керакки, жадидчилик ва жадид театри, драматург, актёр, режиссёрлар етиштириш, халқни мутлақо янги ижтимоий ҳаётга — истиқлолга чорлаш билан чекланмади. Ғарб ва Шарқни бирлаштирувчи кўприк воситасини ҳам ўтади.

Жадид театри ва саҳна адабиёти тарихида ўта миллатпарвар, эркпарвар ижтимоий онг шакли бўлиб туғилди, халқимиз орасидан буюк кишиларни вояга етказди, истиқлол ғояларини тараннум этди. Бунга шак йўқдир. Чунки ўтмишга назар ташлаган ҳар бир киши бунга амин бўлади.

БЕЗАКЛАР УМРИ

Доимий ҳамроҳ

Қўлимдаги китобга ҳайрат билан тикиламан. Унинг бежирим муқовасига ва ранг-баранг саҳифаларига катта иқтидор, муҳаббат билан берилган безаклар эса шунчалар кўнгилга яқин. Бу китоб педагогика фанлари номзоди Саидахбор Бўлатов қаламига мансуб бўлиб, «Ўзбек халқ амалий безак санъати» деб номланган. Китоб шу йил «Меҳнат» нашриётида чоп этилган.

Муаллиф китоб устида жиддий меҳнат қилган. Халқ амалий безак санъатининг ганч ўймакорлик, наққошлик, ёғоч, тош ва суяк ўймакорлиги, кандакорлик, кулолчилик, пичоқчилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гилам тўқиш, кигиз босиш, саватчилик бўйрачилик каби турларини, уларнинг тарихи ва мактабларини, шунингдек, бу касбларни ўрганиш технологиясига оид барча далилларни эринмай ўрганиб чиққан. Китобни тайёрлаш жараёнида 250 га яқин сурат, чизма, нақшлар, нақш элементларини тўплаган. Бу нафақат тарихий, этнографик жиҳатдан, балки методик жиҳатдан ҳам ўта ноёб дастурдир. Ўзбек халқининг маданияти, тарихига алоқадор бу қўлланманинг китобхонларга манзур бўлиши аниқ.

Юқорида санаб ўтганим халқ амалий санъатининг қатор турлари йўқолиб кетиш арафасида эди. Вақтли матбуот бу тўғрида ҳар қанча бонг урмасин натижалар кўнгилдагидек бўлмади. Демак, назарий, амалий, методик ва тарихий жиҳатдан пухта ва мукаммал бир қўлланма зарур эди.

Ганчкорлик санъати намуналарини кўрганда сеҳрли қўллар яратган эртаклардан завқ оламиз, боболаримизнинг ақлу-заковатига тасаннолар айтамиз. Аммо оддийгина ганч қоришмаси қандай тайёрланади, деган жўн саволга жавоб тополмай каловланамиз. Ёки бўлмаса ганч қоришмасига гипс аралаштирилгани учун ҳам у нақадар тез қотиб, тошга айланиши, бунинг олдини олиш учун эса усталар нечоғлик чаққон, ҳаракатчан, тадбиркор бўлмоқликлари лозимлигини билмаймиз. Юртимизнинг энг ажойиб ганчкор усталари Уста Мулла Обид, Уста Ширин Муродов, Уста Шамсиддин Ғафуров ҳақида нималар биламиз. Уларнинг номлари қай даражада абадийлаштирилаяпти?..



Ахир бу одамларга Уста номи шунчаки берилмагандир. Улар йиллар давомида меҳнат қилишган. Катта усталардан ўрганишган. Янги услублар ўйлаб топишган. Уста номига лойиқ бўлгач, қирқ-эллик уста ва шогирдлар даврасида ўртага чиқарилиб, ганч ўймакорлик асбобларидан шутургардани қийиқчасига қистириб қўйишган.

Гоҳида ўлкамиздаги тарихий обидаларга бой шаҳарларда бўлганимизда у ердаги гўзалликдан завқ оламиз. Биноларнинг ички ва ташқи ранглар бизни лол қолдиради. Ваҳоланки, нақшлар учун танланган ранглар, уларнинг йўналиши ҳар хил мазмунни акс эттирган. Кишини ҳорғинликдан олиб чиқадиган, баҳорий уйғонишни сўзлаб турадиган нақшлар бўлган. Ҳатто ҳар бир шаҳарнинг табиатига, жойлашиш тартибига мос келувчи нақшлар ишлаб чиқилган. Усталар кўр-кўрона бир-биридан кўчирма олишмаган. Қанийди, ҳозир ҳам ўзбек хонадонлари деворларини миллий нақшлар билан безалган бўлса? Уй-рўзғор буюмларига ҳеч кимникига ўхшамаган дилбар нақшлар туширилган бўлса? Буни фақат орзу қилиш мумкин.

Лекин ҳали ҳам кеч эмас. Миллий нақшларни қайтадан жонлантириш вақти етиб келди. Бунинг учун эса албатта «Ўзбек халқ амалий безак санъати» китобини диққат билан ўқиб чиқмоқ даркор. Унда наққошлик мактаблари, усталарнинг ўзига хос услублари нақш турлари, тайёрланиш жараёни барча-барчаси ҳақида маълумот бор.

Кейинги пайтда халқ амалий санъатининг ёғоч ўймакорлиги тури бир қадар оқсади. Чунки фабрикалар ишлаб чиқараётган эгизак мебеллар, эшик-деразалар бирпасда ҳаммаёқни эгаллади. Кўп қаватли уйлар шу қадар бир-бирига ўхшашки, гўё ҳаммаси битта кўйлак кийиб олгандек. Чунки биноларнинг ички ва ташқи кўринишларида миллий меморчилик услуби сезилмайди. Европа шаҳарларини-ку қўйиб турайлик, Украина томонларига бир ўтинг-а, бир-бирига ўхшаш кўчани ёки уйларни топа оламиксиз. Ўзининг миллий услубига хос қилиб қурилган бўлмаганда бирон-бир ғишти билан ажралиб туради.

Илгариги усталар ёғоч ўймакорликда қарағай, арғувон, мирзатерак, қорақайин, шумтол, арча, ёнғоқ дарахтларидан фойдаланганлар. Тез қурт тушадиган зирк дарахтини унчалик маъқул кўришмаган. Ота-боболаримиз дарахт турларини танлашда сира адашмаганлар. Шунинг учун ҳам биз бу кўҳна санъатни янада жонлантирмоғимиз, фарзандларимизга ҳам ўргатиб, бу миллий ҳунарга меҳр уйғотмоғимиз даркор. Китобда айнан шу масалага ҳам жиддий ёндашилган.

Бу касб-ҳунарларни жонлантириш, уларнинг қадр-қиммати, мавқеини кўтариш учун йирик корхоналар қуриш шарт эмас. Балки шу касбларнинг фидокорлари ёрдамида кичик корхоналарни бунёд этмоқликнинг ўзи кифоя.

Шунда давлатимиз раҳбарлари томонидан берилаётган эътибор ғамхўрлик ўз-ўзидан оилага ҳам кўчар эди. Афсуски, ҳозир бизда бу касб-ҳунарлар билан машғул кишиларга эътибор жуда кам...

Китобнинг бошқа боблари билан яқиндан танишишни муҳтарам китобхонга ҳавола этиб, сўзимни мухтасар этар эканман, бундай маънавий жиҳатдан бебаҳо қўлланмани д

УЙҒОНИШ ДАВРИ

Ушбу мақола муаллифи — фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Қўчқар Хоназаров 70 ёшга тўлди. Ҳафталигимиз ижодий жамоаси номидан ҳурматли олимни ушбу қутлуғ сана билан самимий қутлаймиз.

МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИЛГАНДАН СЎНГ ўтган бир йил ичида жумҳуриятимизда анча-мунча ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, маънавий ҳаётимизда катта силжишлар рўй берди. Шулардан бири халқимиз миллий онгининг уйғониши, миллий ўзлигини тиклашга интилиши бўлди.

«Уйғониш» ва «тиклаш» сўзларини кўпчилик давр талабларига монанд деб ҳисоблайди. Мен бунга қўшилмайман. Негаки, жамият ҳаёти шундайки, ундаги ҳар бир миллат доим уйғоқ ва миллий ўзлигига эга бўлади. Ўзлигини англаш жараёни, ўзлигини билиш ҳаракати ҳеч вақт тўхтамайди. Ҳар бир миллат меҳнат қилади, ўйлайди, демак, ўз ўтмиши ва мавжуд ҳаётини қиёслаб келажак режаларини тузади, уларни амалга ошириш учун курашади. Ҳар бир кишидаги ва ҳар бир онладаги жузъий фикр-ниятлар жамиятдаги жиддий ўзгаришлар туфайли рўёбга чиқади. Шу жиҳатдан қараганда асримиз бошида «Фарзандларим ўқисин, замонавий маълумот олсин. Бунинг учун умумтаълим тизимини ўзгартириш ва илғор мамлакатлар билан яқиндан муносабат ўрнатиш зарур», деб режа тузган жадидона фикрловчи ўзбек миллий онгимизнинг илк яловбардори бўлган Бундайлар минглаб топилар эди. Улар миллий уйғонишнинг олдинги сафида эдилар. Ўз ҳаракатлари ва фидойиликлари билан миллатимиз осмонида илк чақмоқлар чақди. Лекин бу чақмоқлар тез сўнди. Чунки ўзбек жамиятидаги ўзгаришлар ўша даврнинг икки асосий кучига — подшо ҳукуматига ва В. И. Ленин бошчилигидаги большевикларга маъқул эмасди.

Миллий онгнинг уйғониши ҳукмрон тизимни қўпорувчи куч эди. Табиийки, мустамлакачилар, улардан сўнг ҳукмронликка эришган ленинчилар ҳам бунга тиш-тирноқлари билан қарши эдилар. Миллий онгни ўсиши, миллий ўз-ўзини англашнинг мустаҳкамланиши большевикларнинг миллий сиёсат соҳасидаги асосий мақсади ва вазифасига зид эди. Коммунистларнинг нияти миллат ва элатларни байналмилал руҳда тарбиялаб, тезда уларни қўшиб юбориш ва миллатсиз, миллий тилларсиз ягона инсониятни пайдо қилиш эди.

Коммунистлар ақидаси бўйича, жаҳон социалистик инқилобини тезлаштириш учун СССРдаги миллат ва элатларнинг яқинлашиши ва қўшилишини жадаллаштириш керак эди. И. В. Сталин шу «тарихий заруият»ни кўзда тутиб, ВКП (б)нинг 1930 йилда бўлиб ўтган XVI съездида «Бизнинг вазифамиз — миллатлар ва миллий тилларни қўшишдир», деб очиқ-ойдин айтганди. «Халқлар доҳийси»нинг бу сўзлари якдиллик билан ижрога қабул қилинди, зеро, у даврда партия съезди қарори тўғрисида бошқача фикрлаш мумкин ҳам эмасди.

Изчиллик билан олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари туфайли миллатлар ва миллий тилларнинг қўшилиб кетиши тарихан муқаррарлиги тўғрисидаги назарий «қоида» аста-секин миллионлар онгига сингдирилди. Орамизда яқин-яқингача бу «қоида»га риоя қилиб мулоҳаза юритадиганлар кўп эди.

Марксча-ленинча фикрловчи назариётчилар ҳозир ҳам дунёдаги миллатлар, минтақалар, қитъалар ўзаро яқинлашмасдан иложи йўқ, чунки янгидан-янги ихтиролар, радио, телевидение, тайёралар, ўзаро қатновларнинг жадаллашиб бориши узоқни яқин қилмоқда, халқлар орасидаги масофа ва тўсиқларни улоқтириб ташламоқда, дейдилар. Яқинлашиш эса, дейди улар, чексиз давом этавермайди ва муқаррар равишда миллатларни қўшилиб кетишга мажбур қилади. Ана шу тарздаги «мантиқий хулосаларга суяниб», собиқ КПСС раҳбарлари СССРдаги миллат ва элатлар «умрини ўлчаб қўйган эдилар». Совет Иттифоқида амалга оширилган миллий сиёсат натижасига кўра, Шимол, Узоқ Шарқ, Сибир, Кавказ тоғларида ва Помир ичкарисида яшайдиган майда, кам сонли элатлар келаси асрнинг йигирманчи йилларигача, миллий онги ва миллий ҳис-туйғулари ҳали етарли шаклланиб, ривожланмаган мордва, коми, удмурт сингари миллатлар XXI асрнинг биринчи ярмида, грузин, эстон, туркман, украин, молдован каби «ўзаги қаттиқ» миллатлар эса асосан бўлажак асрнинг ўрталари — иккинчи ярмидан ўзаро қўшилиб кетиб, мамлакатда рус миллати ва рус тили асосида ташкил топган янги тарихий бирлик — совет халқи қолиши керак эди.

МИЛЛАТЛАР ВА МИЛЛИЙ ТИЛЛАРНИ ҚЎШИБ ЮБОРИШ ишида партия ташкилотчи ва етакчи куч сифатида иш кўрди. Бу жараённи тезлаштириш чораларини белгилади, бундай «муҳим иш»ни ўзибўларчиликка ташлаб қўймасликка интилди. Акс ҳолда, «мақсад»га эришиш қийинлашарди. Масалан, ўзбекларнинг эстонлар билан, тожикларнинг молдованлар билан, грузинларнинг ёқутлар билан яқинлашиши ва қўшилиши секинлашарди. Бундай ҳолга йўл қўймаслик учун мамлакатдаги барча халқлар аввало энг йирик, энг кўп тарқалган, энг илғор ҳисобланган рус халқи билан, сўнгра у орқали бир-бири билан қўшилишлари керак эди. Шу мақсадда совет фани, совет тарғиботи ва ташвиқотининг муҳим вазифаси рус халқини фақат ижобий жиҳатдан улуғлашга, рус тилини бутун олам сари ягона калит деб ифодалашга, шу йўсинда рус бўлмаган ҳамма халқларнинг рус халқи ва рус тилига интилишларини кучайтиришга қаратилди ва шу асосда амалий иш олиб борилди. Коммунистик партиянинг бу борада амалга оширган сиёсати чоризм очиқ-ойдин ҳаётга татбиқ этган руслаштириш сиёсатидан ошиб тушди.

Коммунисик партия миллий сиёсатининг энг хавфли душманлари миллатларнинг онги, ўз-ўзини англаши ўсгани сари улар орасидан етишиб чиқаётган ўқимишли, тушунчали, миллат учун жонини фидо қилишга тайёр бўлган кишилар эди. Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ҳусайн Шамс, Ҳамид Сулаймон,. Боту Ҳодиев, Фитрат, Чўлпон, Ҳусан Ғозиев, Отажон Ҳошим, Сафо Зуфаров ва бошқа минглаб ўзбеклар ҳам шулар жумласидан эдилар. Партиянинг «миллий сиёсати» ўз халқини уйғотишга, унинг миллий онгини шакллантиришга ва мустаҳкамлашга интилган, шу олижаноб ишга ўзини бағишлаган бундай инсонларни жамиятдан олиб ташлаш, шундай фаолиятга мойиллиги бор шахсларни «саралаб» йўқотишга қаратилган эди.

Миллий онг, миллий ўз-ўзини англашни шакллантириш фақат ўз миллатини бошқа миллатлардан ажратиш, унинг ўзига хос томонларини, тарихини, маданиятини инсонят олдидаги хизматларини, тарихий шахслари, урф-одатлари, расм-русумлари, удумлари, миллий анъаналарини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқалигина амалга оширилиши мумкин. Албатта, ушбу жараёнда, муайян миллатга бошқа миллатлар, уларнинг моддий ва маънавий маданияти қандай таъсир этганлиги ҳар томонлама ўрганилиши табиийдир. Коммунистик партия эса худди шуни, яъни миллатлар ўзини ўрганиб, ўз миллий онги ва ўз-ўзини англашини хуш кўрмасди. «Миллатларнинг бир-биридан фарқини ўрганиб, ўзига хос томонларини олга сурманг, балки миллатларни бирлаштирадиган, яқинлаштирадиган, уларнинг қўшилиб кетишини тезлаштирадиган томонларини изланг, топинг ва юзага чиқаринг», дер эди жамиятнинг раҳбар ташкилоти.

Бу кўрсатмани расмий талаб ва қоидага айлантириш лозим эди. Бунинг учун эса ўз миллати, унинг маданияти, истиқболи ҳақида ўйлайдиганларни тийиш, лозим бўлса, жамиятдан узоқлаштириш керак эди. Расмий раҳбар идоралар томонидан тийиш қуроли ва қўрқитув воситаси сифатида «миллатчи» сўзи ишлатила бошланди. Илдизи ва маъносининг маъносига қараб фикр юритсак, «миллатчи» сўзини аслида «миллатим деювчи», «ўз миллатини ҳимоя қилувчи», «ўз миллати учун жон куйдирувчи» деб тушуниш керак. Лекин тарғибот ва ташвиқотимизнинг тазйиқи билан биз уни фақат салбий маънода ишлатадиган бўлдик. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг иккинчи жилди 464-саҳифасида ёзилишича, «миллатчи» — «миллат айириш, бир миллатни улуғлаб, иккинчисини ерга уришдан иборат бўлган реакцион буржуа идеологияси»нинг вакили эмиш. Астағфурулло! Наҳотки, миллатим деб жамиятга наф келтирган киши буржуа мафкурасининг тарафдори, шу йўлдан борувчи бўлса? У ҳолда ҳозирги даврда қаддини тиклаётган ўзбек миллати миллатчилардан иборат экан-да? Умуман олганда, агар эски ақидалар асосида фикр юритсак, собиқ «байналмилал» СССР ўрнига 15 та мустақил давлатнинг пайдо бўлиши, ҳар бир давлат туб миллатининг тили давлат тили деб эълон қилиниши, алифбо масаласи янгича қўйила бошлаши, ўтмишда «миллатчи» деб қораланганлар қадр-қимматининг тикланиши ва бошқа ўнлаб муҳим ўзгаришлар ўта миллатчиликдир.

Менингча, «миллатчи», «миллатчилик» сўзлари эндиликда ўзларининг ҳақиқий ва муносиб ўринларини эгалламоқдалар. Шундай экан, «миллатчи» сўзини оқлаш вақти ҳам етди. Миллатчи ўз миллатини кўкка кўтариб, бошқа миллатларни ерга урадиган шахс эмас! У ўз миллатини улуғлайди ва улуғлаши керак ҳам. Бу ишни тенг ҳуқуқли миллатларнинг орасида ўз миллати ҳам муносиб жой эгаллаши учун қилиши керак лозим. Шундай иш юритиш лозимлигини бугунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мисолида кўриб турибмиз.

ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ ФАОЛЛИК ДАРАЖАСИНИ кўтариш, унинг ички имкониятларини тўла ишга солиш учун биз ҳар бир ўзбекни миллатчига, яъни уни ўз миллатининг истиқболи, маданияти, жаҳондаги обрўси за мавқеи учун фаол курашадиган шахсга айлантиришимиз керак. Ўзбек халқи миллатчилар миллатига айланса, ундаги ижобий жараёнлар — миллий тарихни ўрганиш, миллий тилни такомиллаштириш ва бойитиш, миллий маданият, анъана ва расм-русумларни тиклаш, тараққиёт ва истиқболнинг табиий йўлларини топиш тезлашади.

Табиий, орамизда ўз миллатини ортиқ даражада улуғлайдиган, бошқа миллатларни менсимайдиган, уларни иложи борича камситишга уринадиганлар ҳам топилади. Назаримда, уларни «миллатпараст» дейиш жуда ўринлидир. Миллатпараст ўз миллатига сажда қиладиган, уни илоҳийлаштирадиган, бошқа миллатларга калондиқлик билан қарайдиган, улардан бир нарсани ўрганишни, қабул қилиб олишни ўзига эп кўрмайдиган кишидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилиниши билан миллатимизнинг ўзига бўлган ҳурматини, ўз қадр-қимматини билиши ва кўтариши даркорлиги долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Бундай вазиятда ҳақиқий жонкуяр миллатчилар билан бир қаторда миллатпарастлар қатори ҳам кенгайиб бормоқда. Шунинг учун миллатчилик билан миллатпарастлик ўртасидаги жиддий фарқ масаласи олимларимизнинг тадқиқотларида яхшилаб асослаб бериладиган муҳим масалалардандир.

Шуниси ажабланарлики, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам, 1983 йилда чиққан «Ўзбекча — русча луғат»да ҳам «миллатпараст» сўзи умуман йўқ. Балки, шу боис «миллатчи» сўзи «миллатпараст» сифатида талқин қилиниб келингандир. Луғатларда, шунингдек, «миллатпарвар» сўзи ҳам учрамайди. Боиси узоқ йиллар мобайнида бизга миллатпарварлар эмас, байналмилалчиларгина керак бўлганди.

В. И. Ленининг миллат ва миллий муносабатларга бағишланган мақола ва рисолаларининг ҳаммасида миллатларнинг яқинлашиши ва қўшилиб кетиши, бу жараёнларга қандай раҳбарлик қилиш, уларни қандай йўллар билан тезлаштириш масалалари диққат марказида туради. Октябр инқилобидан кейинги даврларда бу назарий қоидалар ва амалий кўрсатмалар коммунистик изчиллик билан амалга оширилди ҳамда миллатларнинг, миллий тилларнинг камситилишига, баъзи элатларнинг умуман йўқ бўлиб кетишига, уларнинг тиллари ўлик тилга айланишига олиб келди. Ҳаёт миллатлар ва миллий тилларнинг қўшилиб кетиши назарияси бошдан-оёқ хато эканлигини, миллатларнинг эзгу ниятлари ва орзуларига зидлигини кўрсатди.

ҲАЕТНИНГ МОҲИЯТИ УНИНГ ранг-баранглигидадир. Ранг-баранглиликнинг кўпайиши эса жамият ривожланишининг зарурий шартларидан биридир. Мустақиллик шароитида жамиятимизнинг, маданиятимизнинг, тилимизнинг бойлиги, ранг-баранглилиги қанчалик ўсиб-кўпайса, ҳаётимиз шунчалик қизиқарли бўлиб боради. Бундай жараёнлар ҳар бир давлатда миллий онгнинг, миллий ғурурнинг, ўз-ўзига бўлган миллий ҳурматнинг, ўз қадр-қимматини билишнинг ўсишини, шовинизм кўринишлари, улуғ давлатчилик ва улуғ миллатчилик руҳидаги қарашларнинг енгилишини тезлаштиради, моддий ва маънавий ҳаётда янги даврни бошлаб беради. Ўзгаришлар жараёнида миллий зиёлилар ҳар бир миллатнинг ҳақиқий онги, эзгу ният-орзуларини ифода қилувчи илғор кучга айланмоғи лозим. Бу курашнинг олдинги сафида миллатимизнинг асл фарзандлари — миллатчилар боришлари жоиздир. Чунки улар халқимизни моддий, маънавий ва руҳий жиҳатдан тор, чекланган ҳаёт томон тортмоқчи бўлган миллатпарастларнинг ўз қаторларида бўлишларига йўл қўймайдилар.

Қўчқор ХОНАЗАРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖОДКОР ЁШЛАРИНИ ДАВЛАТ ИЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ижодкор ёшларнинг маънавий камол топиш шароитларини яхшилаш, уларнинг фаолиятини кучайтириш ҳамда республиканинг маданий ва илмий-техникавий потенциалига қўшадиган ҳиссасини ошириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 1993 йилнинг 1 сентябригача бўлган муддат ичида Нукус шаҳрида, барча вилоят марказларида республика ижодкор ёшларининг энг муҳтож қисми учун 30 хонали, Тошкент шаҳрида эса 60 хонали уй-жой биноларини лойиҳалаш ва қуришни таъминласинлар.

Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ана шу уйлардаги турар-жойларни тегишли ижодий уюшмалар ва илмий ташкилотларнинг тавсиялари асосида бериш тартибини ўрнатсин.

Узбекистон Республикасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети ҳамда молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши билан биргаликда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 10 кун муддат ичида мазкур уйларни лойиҳалаш ҳамда қуришни пул билан таъминлаш манбаларига оид масалаларни кўриб чиқиб, ҳал қилсинлар.

2. Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Маданият ишлари вазирликларига, Кинематография давлат компаниясига ва Фанлар академиясига ижодий уюшмалар ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддат ичида қуйидаги таклифларни киритиш топширилсин:

— ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисида;

— республика мактаб олимпиадаларининг, ижодкор ёшлар халқаро ва республика танловларининг ғолибларини моддий рағбатлантириш, уларни кириш имтиҳонларисиз ўз соҳаси бўйича олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида;

— аълочи талабалар ва аспирантлар учун Ўзбекистоннинг атоқли фан ва маданият арбоблари шарафига номли қўшимча стипендияларни таъсис этиш ҳақида;

— ижодкор ёшларнинг асарлари ва ишларини босиб чиқаришни яхшилаш тўғрисида;

— коммунал ва маиший хизмат ҳақини тўлашда, жамоат транспортидан фойдаланишда ижодкор ёшлар учун имтиёзлар бериш ҳақида;

— истеъдодли ёшларни чет элларга ўқиш ва малака ошириш учун юбориш тўғрисида.

3. Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош солиқ бошқармаси 10 кун муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон ижодий уюшмаларини асосий ишлаб чиқариш фаолияти бўйича солиқлардан озод қилиш ҳақида таклифлар киритсинлар.

4. Вазирлар Маҳкамаси 20 кун муддат ичида ушбу фармонни бажаришга оид ташкилий чора-тадбирларни таъминловчи қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда)

МУРОТХЎЖАЕВА Светлана Қодировна — «Ўзбекфильм» студиясининг мультбирлашмаси режиссёри

НИЗОМОВА Гулнора Альфредовна — «Баҳор» ансамблининг артисти

НОСИРОВ Норпўлат — Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг артисти

РАФИҚОВ Афзал Азимович — А. Ҳидоятов номли театр артисти

ХЎЖАМБЕРДИЕВ Тилаш — Давлат телерадиокомпанияси халқ асбоблари ансамблининг бадиий раҳбари

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ»

СОАТОВ Қўрқмас — Ўзбек хореография билим юртининг бадиий раҳбари

УМАРОВ Абдураҳим Зикриллаевич — «Усто» бирлашмасининг директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ»

МУРОТХЎЖАЕВ Наримон Қодирович — республика онкология илмий марказининг директори

ТУРСУНОВ Тошпўлат — Тошкент санъат институтининг ректори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

МАҲМУДОВА Дилбар Пиримқулова — «Ўзбекистон овози» газетасининг катта мухбири

РАЗЗОҚОВ Жаббор — «Туркистон» газетасининг бош муҳаррири

ХОЛҚОСИМОВ Жўра — «Ўзбекистон овози» газетасининг бўлим мудири

ХУЖАЕВА Муайяна Нуъмоновна — «Овози тожик» газетасининг бўлим мудири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

АЗИЗОВ Азим Тешабоевич — «Чаман» ансамблининг бадиий раҳбари

ЖУРАЕВА Гулчеҳра — республика хотин-қизлар комитетининг ходими

МАМАТОВ Собит Маматович — «Меҳржон» маданият ва истироҳат боғининг директори

МИРЗАЕВ Раҳматилла Ҳидоевич — Ўзбекистон телевидениесининг диктори

РАҲИМОВ Мирзоҳид — Ўзбекистон телевидениеси дикторлар гуруҳининг раҳбари

ПАК Борис Сенсуевич— ёзувчи ва шоир

СЕЙДАНОВ Қолдибек— Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти қозоқ филологияси кафедрасининг доценти

ТАРБЕЕВА Софья Гафоновна — «Звезда Востока» журнали проза бўлимининг муҳаррири

ТОҲИРОВ Ўткур Дадақўзиевич — халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубий маркази директорининг ўринбосари

УМАРОВА Дилором Қўчқоровна — Ўзбекистон телевиденисининг диктори

ХАЙРУЛЛАЕВ Муҳаммаджон Камол ўғли — ёзувчи

ЮНУСХЎЖАЕВА Муборак Йўлдошевна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 август.

ИСТИҚЛОЛ САРИ ЙЎЛ

Газетхонлар муҳожиротдаги туркистонликлар матбуоти ҳақида ёзувчи Тоҳир Қаҳҳорнинг «Таслим бўлмаган миллат» («ЎзАС», 10 январ, 1992 йил) мақоласи орқали яхши хабардордирлар. Мақолада мустамлака даврларида турли мамлакатларга мажбуран кетган ватандошларимизнинг хориждаги ҳаётлари, Туркистон истиқлоли йўлидаги курашлари ва ана шу ғоялар нашрлари бўлмиш матбуот нашрлари хусусида ҳикоя қилинган эди. Жумладан, Истанбулда нашр этилган «Ҳур Туркистон учун» истиқлолчи газетасининг асосчиси, эгаси, умумий нашриёт мудири ватандошимиз Зиёвиддин Бобоқурбоннинг ноширчилик фаолиятига ҳам батафсил тўхталган эди.

Газетанинг биринчи сонида бундан 17 йил муқаддам эълон қилинган бошёзувни бугун Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги кенг нишонланаётган тантанали кезларда яна бир бора ёдга олмоқ мақсадга мувофиқдир. «Газетамиз номининг ўзиёқ мақсадимизни билдиради: биз бўлинмас, ягона Туркистон фикридамиз, Туркистон истиқлол жабҳаси сафидамиз; эллик йилдирки, Туркистон ичида ва ташқарисида миллий фикрга йўл берилмаётир, биз бунга йўл истаймиз; истиқлол масаласини Туркистон миллий мустақилликка эга бўлгунча бошламоқ биздан, давом эттирмоқ сиздан...»

Hür Türkistan için
İSTİKLÂLCI GAZETE
SAYI: 7 ● 15 AĞUSTOS 1976 ● YAZIŞMA ADRESİ: POSTA KUTUSU 51 AKSARAY-İST. ● TEL. ADRESİ: ASYAKLANIŞ-İST. ● FİYATI: 5 TL
RUSLAR TÜRKİSTAN'DA KÜLTÜR EMPERYALİZMİNİ BAŞLATTI
Çarlık devrinden beri Türkistan'ın yeraltı ve yerüstü kaynaklarını sömüren Sovyetler, Türk çocuklarına Rusça'nın (yuva) dan başlatılması kararını kukla cumhuriyetlere tasdik ettirdiler.
AŞYAZI
Türkistan Meselesi
PIAC Konferansı Helsinki'de yapıldı

Ана шундай олижаноб мақсадлар ёзувчи ва журналист, чинакам ватанпарвар Зиёвиддин Бобоқурбон ҳаётининг мазмунини ташкил қилди. Зиёвиддин Бобоқурбон 1931 йили Ўзбекистоннинг Марғилон шаҳрида таваллуд топди. Болалик чоғида чет элга чиқиб кетди. У ота-онаси билан турли мамлакатларда муҳожирлик қўбатларини бошидан кечирди. Туркияда яшаб, таълим олди. 1952 йилдан эътиборан журналистлик қила бошлади. 1953 йили муҳожиротдаги ғарбий ва шарқий туркистонликлар билан биргаликда «Туркистон» деб номланган ойлик илмий-адабий ва сиёсий журнал нашр эта бошлади. Журналнинг нашири ва масъул мудири бўлиб хизмат қилди.

Журнал молиявий сабабларга кўра чиқмай қолгач, туркиялик миллатпарвар дўстларидан Илҳан Дарендели ўғли билан «Тупроқ» номли ойлик журнал нашр этди ва унга муҳаррирлик қилди. Шу йилларда у Истанбулда чиқадиган «Навадис», «Янги Истанбул» каби рўзномаларда Туркистон ва туркий халқлар муаммоларига бағишланган мақолаларн билан қатнашиб, ном қозонди. Турли ижтимоий ва маданий жамиятларда фаол иштирок этди. «Туркийлар бирлиги», «Анқара газетачилар жамияти»га аъзо бўлди.

Зиёвиддин Бобоқурбон ижтимоий-сиёсий фаолиятини 1966 йил ноябридан «Озодлик радиоси»нинг ўша вақтдаги Туркистон шўъбасида давом эттирди.

Ватандошимизнинг ноширчилик фаолиятида 1975 — 1977 йилларда турк тилида нашр этилган «Ҳур Туркистон учун» истиқлолчи газетаси алоҳида аҳамият касб этди. Газета мунтазам равишда миллий истиқлол, туркий бирлик ғояларини тарғиб этиб борди, саҳифаларидан миллий-маданий меросга кенг ўрин берди, мустабидлик найрангларини фош қилди.

Зиёвиддин Бобоқурбон айни вақтда «Ўрта Осиё матбуот бошқармаси»нинг бошлиғи ва масъул мудири бўлиб хизмат қилмоқда.

Муҳожиротдаги туркистонликлар матбуоти жонкуяри, миллий истиқлол учун толмас курашчи Зиёвиддин ака Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги тантаналарини Тошкентда ватандошлари даврасида кутиб олди.

Бугун у ўз элининг ўз фарзанди. Гоҳ қариндошлари даврасида, гоҳ янги ортирган дўстлари билан суҳбатда, гоҳ ўзбекистонлик ҳамкасблари билан қизғин мулоқотда.



— Миллатга садоқат истиқлол йўлидаги чироқдир,— дейди биз билан суҳбатда Зиёвиддин Бобоқурбон, — асрий армонимиз ушалди. Энди бу буюк ғалабани бой бермаслигимиз, истиқлол учун бир ёқадан бош чиқариб, қўлни қўлга бериб меҳнат қилишимиз лозим. Истиқлолга эришишимиз осон кечди. Лекин уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш эътиқод бирлиги, ҳар соҳада фидойилик тақозо этади. Аллоҳ бошимизга тушган балони қайтадан келтирмасин!

Ёшу қари барча ватандошларимизга мустақиллик тоабад муборак бўлсин!

Саъдулла ҲАКИМ

САМАРҚАНД САЙҚАЛИ...





Мусаввир Ҳабибулло РАҲМАТУЛЛАЕВ

ЎзАС ахборотлари

БЕРУНИЙХОНЛИККА МАРҲАМАТ

Бугун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Берунийнинг «Ҳиндистон» асари ёзилганига 960 йил тўлиши муносабати билан берунийхонлик илмий анжумани бўлиб ўтади.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Журналистлар, радио ва телевиденне ходимлари, ишчи-деҳқон мухбирлари, матбаачилар, ҳаваскор қаламкашларнинг ижод йўлдоши — «Ўзбекистон матбуоти» журналига обуна давом этмоқда.

Обуна баҳоси: бир йилга 18 сўм, олти ойга 9 сўм.

Журнал таҳрир ҳайъати ўз муштарийларига ранг-баранг мавзулардаги материалларни ваъда қилмоқда.

ЮБИЛЕЙ КЎРГАЗМАСИ

«Ўзбекистон дизайн жамғармаси» республика ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси аъзолари юртимизнинг мустақиллик байрами муносабати билан кўргазма ташкил этдилар. Шу йил 31 август куни кўргазманинг очилиш маросими бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Эркин Самандаров бошчилигидаги бир гуруҳ адабиёт ва санъат намояндалари қатнашдилар.

Кўргазмадан жой олган ишлар орасида республикамизнинг барча областларида ижод қилаётган дизайнчилар яратган халқ истеъмоли маҳсулотлари, ижтимоий соҳага мансуб буюмлар, саноат асбоб-ускуналари, графика усулидаги дастурлар бор. Уларнинг ишланишидаги ўзига хослик, безагининг гўзаллиги ҳамда арзон хомашёдан тайёрланаётгани кўргазмага келаётганларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият Олий билимгоҳи жамоаси «Халқ театри ижодиёти режиссёрлиги» кафедрасининг катта ўқитувчиси Раҳимжон Исмоиловга онаси

Хайринисо ИСМОИЛОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

С. МАҲКАМОВ сурат-лавҳалари

ШУМ БОЛАНИНГ ЧОЙХОНАСИ

ХИЗМАТДАМИЗ, ХИЗМАТДА!

«Қўлни қўйвор. Қўйвор дейман! Қайирма! Закускабоп қиворди-ку, ука. Индамаса... Илгариги Эрка қиём акам деб ўйлаяпсан шекилли-а? Билмайсан-да. Бўлмаса қўлингни чаккангга қўйиб чест берардинг: «Служу Эрка қиём акаму!» деб.

Ҳа, ука, обрўйимиз терак бўйли бўлиб кетди. Катталар ҳам саломга келишяпти, билсанг. Анча-мунча тер тўкдик-да ўзиям. Нечта тўйни тўполонга айлантирдигу... Мана, биттасини айтай — Эшмат фирқанинг бошига лаганни шапка қилиб кийдириб қўйдим. Бўлди тўполон бўлди жанжал... Қандай қилиб, дейсанми?

Эшмат фирқа маросимни мажлис деб ўйлайдиган нусхалардан. Тўйми, мотамми, унга барибир. Гапираверади, гапираверади. Қўлингдаги қадаҳ илкиллаб тураверади, тураверади. Кимнинг тўйи экан, эсимда йўқ. «Мана ўртоқлар, ҳаммамизнинг оёғимизга занжир бўлган турғунлик йиллари ортда қолди» — деди Эшмат фирқа келин-куёвга қараб «табриги»ни бошлар экан.

— Нега турғунлик йиллари дейилади, акаси бўйидан? — қитмирлигим тутиб луқма ташладим. — Кенгроқ тўхталиб ўтсангиз.

Эшмат фирқа менга хўмрайиб қаради.

— Чунки турғунлик йилларида... Турғунлик йилларида... — деб тили айланмай қолди,

— Чунки ҳамма нарса дўконларда турган. Шунинг учун бу йилларни турғунлик йиллари деймиз! — дедим безрайиб.

«Гурр» кулги кўтарилди. Пайтдан фойдаланиб қадаҳимни бўшатиб олдим.

— Бундай дейиш хато. Сиёсий хато! — Эшмат фирқа ўрнида депсиниб қолди. — Атрофга боқайлик, ҳаммаёқда қайта қуриш...

— Ваъзхонлик, — дедим мен. Бундан Эшмат фирқанинг жаҳли чиқди.

— Мана, сенга ваъзхонлик! — деб ликопдаги қатиқни юзимга чаплади.

— Мана, сенга қайта қуриш! — деб лаганни бошига шапка қилиб кийдириб қўйдим.

Бўлди тўполон. Тўрттаси мени тортган, бештаси Эшматни. Куёв келинни тополмай гаранг. Дод-фарёд.

Буям ўтди. Эгамназар шопир тўй бошлаб қолди. Шопир бўлсаям жуда қўли очиқ болада. Ароқни машинаси билан тўкиб ташлади. Кенгаш кунидан бошлабмиз тортишни. Қосим чашма, Карим-ярим билан биз кенгашни узоқроқ қуриб юборибмиз. Тарқаганимизда ярим кечадан ўтиб, тўйхонада қассобнинг ити ҳам қолмаган экан. Улфатларим катта кўчадан кетишди. Мен тиккалаб ўтиб қўяқолай деб чорбоққа йўл солдим. Қўлинг дард кўрмагурлар, ўчоқни ковлашиб, қозонни ўрнатишиб, сувни тўлғазиб, шўрва пиширишга шай қилиб, устига шолча ёпиб қўйишган экан. Ha, «Стоп! Қозон бор!», деган ёзувни ўқидим, на бирор тўсиққа дуч келдим. Пойимизга поёндоз тўшабди-да, хотинбой деб «Қадамингга гуллар очилсин»ни баралла айтиб шахдам қадам ташлаб юборибман. Кетдим! Яхшиям, қозонни боплаб ўрнатишган экан, қуламади. Муздай сув танга жуда ёқади-да. Айниқса, тўйиб, тўкилай, тўкилай, деб турган бўлсанг. Бўйнимгача сувга ботиб ёти-иб пинакка кетиб қолибман. Бир пайт чанқаб уйғондим. Бошни тиқиб, сувдан шимирдим. Ана ундан кейинги уйқу жуда ширин бўлади-да. Бир вақт совқотиш ўрнига исиб кетяпман. Бўйлаб қарасам, Марайим ўчоққа ўтни ёқиб юборибди.

— Ҳаё-ҳуй, одам бо-ор! — дедим. Индамасанг, шўрва қилиб пишириб ҳам юборишаверади-да.

Марайим тахта бўлиб қотиб қолди. Сувни бир шалоплатиб қўйгандим урра қочди. Секин чиқиб жуфтакни ростламоқчи эдим, оёқ сирғалиб яна қозонга қуладим. Ўзиям балиқ бўлиб кетдим!

Дам ўтмай Марайим тўйбошини бошлаб келди. Юрагинг қуриб кетгур тўйбошининг орқасида туриб олиб чироқ тутадими-ей, таёқ ўқталадими-ей...

— Бизмиз, Марайимбой, бизмиз. Эркавой акангизман, — дедим.

Кўтариб олишди. Уст-бошимизни сиқишди. Ўтда қуритиб ҳам беришди. «Келинга айтинг, дазмоллаб ҳам бераколсин», дегани тилим бормади.

Уйга етиб бормасимдан тўйбоши тугунча кўтариб келиб қолди.

— Ия, ҳа? Боравердик айтмасангиз ҳам. Ҳозир изимга қайтмоқчи эдим. Овора бўлибсиз-да.

— Сенга бир хизмат бор, — деди тўйбоши.

— Бемалол, айтаверинг, қотирамиз!

— Унда — Эгамназар шопир қўлидаги тугунчани менга тутқазди, — мана шунда етарли ароқ, закуска бор...

— Хўш, хўш?

— Шуларни еб ичиб, уйингдан чиқмай ўтирасан — тўйни тинчгина ўтказиб олай!

— А?

— Ҳа! — Эгамназар этагини қоқиб жўнаб қолди.

Нега куласан? Боплабди? Кимни боплайди! Менимми? Хе-хе-хе! Ишларимнинг юришиб кетганини эшитгин, тиржаймасдан. Эгамназар шопирнинг ташаббуси оммалашиб кетди. Ҳали у ёқдан келади тўйбошилар, ҳали бу ёқдан. Қўлларида тугун, лабларида табассум, тилларида бол: «Палон куни тўй қилаётгандик, хизматда бўласиз-да энди бир!» Қўшни қишлоқлардан ҳам обрў орттирган эканман мен танимаган одамлар ҳам келади-ей! «Шу, тўй қилаётгандик, тинчгина ўтказиб олсак... Мана бу сизнинг улушингиз. Илтимос, қотириб хизмат қилиб беринг — уйдан чиқмай ўтиринг».

«Заказ»лар кўпайиб кетди. Рўйхат қилиб олдим. Мана, қара, йигирма олтинчида Мамазия сўфиникида тўй. Тугунча ташлаб, тайинлаб айтиб кетган — бормайман. Худди шу куни Зоҳид кичкинаникида отакўрди. Закалат бергани йўқ — бораман!

Ана шунақа хизматдамиз укам! Сен бўлса хизматдаги одамнинг қўлини қайириб судрайсан, Қўйиб берсам ҳушёрхонага тиқасан. Тур, анови таксини тўс, қишлоққа бойвачча йигит бўлиб кириб борай. Матвалиники тўй эди, униям кўнгли тинчисин. Таксистни рози қилиб қўявер. Сенам тўй қилиб қоларсан. Майли, закалат ўрнида қабул қиламан — тўйингга бормайман.

Санд АНВАР

Рассом И. ЗОИРОВ

ЎНДАН ЧИҚАЛАМА

ҲАСРАТ

(Некрасовга тақлид)

Қандайин гуноҳим бор эди, худо?
Рози эдим банди бўлсам зиндонга.
Рози эдим жондим бўлсам-да жудо

Муҳтож қилиб қўйдинг мени нодонга!
Қандайин гуноҳим бор эди, аллоҳ,
Лозиммиди ёвга ё бош эгишим?
Кураш майдонида панд берди, эвоҳ,

Хоин бўлиб чиқди ишонган кишим!
Қандайин гуноҳим бор эди, нени
Бўйнимга тош каби илиб қўйибсан.
Илмнинг қадри йўқ замонда мени
Мактабда муаллим қилиб қўйибсан...

Амир ХУДОЙБЕРДИ

Расоом Ш. СУБҲОНОВ

ХАЙРУЛЛА АКА ҲАНГОМАЛАРИДАН

ШИФОБАХШ СУВ

Хайрулла ака дўсти Ғани кўса билан саратоннинг жазирамасида ғўзага сув тараб юрган кунларидан бирида, бир оз салқинлаб, дам олиш учун шохариқ бўйига, тутларнинг соясига чўзилишди.

— Хайри — деди Ғани кўса эринибгина кўзларини ярим очиб. — Бир чойнак чой бўлганда бир чанқов босди қилардикда, ғизиллаб шийпонга бориб келмайсанми?..

— Шийпонга, чойга бало борми? Ана биқинингдан шарқираб шифобахш сув оқиб ётибди, — деди ўрнидан туриб ариққа энгашар экан Хайрулла ака.

— Шифобахшлигини қаттан била қолдинг энди, молпам?..

— Вей, биринчидан бу тоғ суви, иккинчидан бу ерга оқиб келгунча қанча-қанча гиёҳлар, шифобахш ўтларни ювиб, ҳидини ўзига омухта қилиб келади, учинчидан билсанг анови жинғилнинг у ёғида шаршара борга ўхшайди, эшит ана шарилляпти. Демак сув зарралари пишиб оқяпти, — деди-да «оҳ-оҳ» дея уч-тўрт ҳовуч симириб ичди. Ғани ака ҳам ютина-ютина шошиб ҳовучига сув олди-ю негадир ичмай тўхтаб қолди.

— Хайри, бу шаршаранг шарилламай қолди-я?..

— Сендан шуям ҳазар қилгандир-да. Эҳтиёт бўл, тағин сув ҳам орқасига оқиб кетмасин, — деди мамнун хохолаб куларкан Хайрулла ака.

— Шошмачи, — дея Ғани ака жинғил орқасига ўтди-ю, қийқириб кулар экан ўртоғини чақирди:

— Кел тезроқ, шаршарангни кўриб қўй. Сўрачи, шаршара яна қанча вақтдан кейин оқар экан? Қачон шифобахш сув бўлар экан?

Хайрулла ака ўтиб қараса ариқнинг ичида эринибгина думи билан чивин қўриб, кавш қайтариб, говмиш турарди.

БИР ПОЙ ЭТИК

Қиш бўлди дегунча фарғоналиклар тенг-тўшлари ёки маҳалла-маҳалла бўлиб гап ейишади. Гап баҳона унча-мунча улфатчилик, картабозлик, шахмат-шашка авжига етиб, ҳатто тонготар бўлиб кетади.

Хайрулла акамиз ҳам «энди бугун албатта овқатни ейману, уйга шу жаҳи очиқ кампирди олдига учаман» дея ўйлади-ю, яна улфатлар қистови, ўйинга қизиқиш билан хўроз қичқирганини билмай қолади.

Шундай кунлардан бирида, хўроз икки-уч қичқиришга улгурганда «Шу жаҳи очиқни унини эшитмай» — деди-да секин уйига жўнади. Етиб келгач, эҳтиётлик билан оёқ учида даҳлизга кириб хотинини уйғотвормаслик учун оҳиста бир пой этикни ечиб, иккинчисини энди ечаётганда этик чойнакка тегиб жаранглатиб юборди.

— Вой!.. Ҳай ким.., нимасан?., Пишт. Кет!.. — деди уйқусираб кампири.

Акамиз ичида «уф-ф, лаънати-ей шуниям эплолмадим,» деди-да томоқ қириб, буйруқнома овозда:

— Тур-э, кун чиққунча юмалаб ётавермай. «Пишт, кет» эмиш-а, Бу менман, қанча вақт бўлди-ю ўрнимдан туриб бомдодни ўқиб бўлганимга. Бўпти ишга кетдим, — деди-ю ҳозиргина ечган бир пой этикни қайта кийиб, оғзини катта очиб эснаганча, гандираклаб уйдан чиқди-да гапхонага жўнади.

Муҳиддин МАДАМИНОВ

ГУРЖИ ЛАТИФАЛАРИ

Қамоқхонада маҳбуслар Дзукудан сўрашибди:

— Қанча беришди?

— Ўн йил.

— Нима қилувдинг?

— Иш пайтида ойнани очувдим.

— Қаерда ишлардинг?

— Сув ости кемасида.

●

Миха боғчага бориб болаларини беришларини сўрабди.

— Қайси бири сизни болангиз, — сўрашибди ундан тарбиячилар.

— Хоҳлаган биттасини бераверинглар, эртага барибир қайтариб олиб келаман-ку, — дебди Миха.

●

Бичикнанинг машинаси светофорга яқинлашганда ўчиб қолибди. Кўки ёнипти, сариғи ёнипти, қизили ёнипти. Лекин машина ўт олмабди.

Бундан ачиқланган Бичикна қичқирибди:

— Нима бўлди итбачча, қанақа рангни ҳоҳлайсан ўзи?

●

Чичикна ўрмонда ўтириб олиб икки темирни бир-бирига уриб ўтирарди.

— Чичикна нима қилаяпсан! — сўрабди Шалико.

— Йўлбарсларни қўрқитаяпман!

— Бу ўрмонда йўлбарс йўқку.

— Мен қўрқитаётганим учун йўқ-да.

●

Тўйхонада тўйбоши қичқирибди:

— Ким гитарани билади?

— Мен биламан, азизим! — дебди Валодиа.

Гитарани Валодиага олиб келиб беришибди. Валодиа гитарани қўлга олиб бош панжасини гитарага қўйиб дебди:

— Мана, мана шу гитара-да, дардинг олайлар.

●

Тифлисда комендантлик соати вақтида Михани тутиб комендатурага олиб кетишибди.

Кечаси соат учда Миха уйига қўнғироқ қилибди:

— Маро, сенмисан!

— Ҳа, менман, Миха!

— Хотин, бўридай очман, тезроқ бирор нарса олиб кел, бўлмасам...

— Миха олиб боришгаку олиб бораман, лекин сени қаердалигингни билмайман-ку!

— Сен фақат кўчага чиққин, ўзлари олиб келишади, — дебди Миха.

●

— Чичикна, агар сенга миллион сўм беришса нима қилардинг?

— Қарзларимни тўлардим!

— Қолганини-чи?

— Қолганини кейин тўлардим.

●

Миха ва Чичикна поездда бирга йўлга чиқишибди. Йўлда қайнатилган товуқ гўштини еб бўлишгандан кейин, Миха суякларни йиғиб бир қоғозга ўрабди ва ёстиғининг тагига тиқиб қўйибди.

— Бу суякларни нима қиласан! — деб сўрабди Чичикна.

— Товуқ суякларини еса одамда ақл кўпаяркан, — дебди кулиб Миха.

— Вах, бўлмаса менга сот — дебди Чичикна ва суяклар учун ўн сўм тўлабди. Лекин ея олмабди ва Михага қичқирибди:

— Муттаҳам, ёлғончи! Товуқни беш сўмга олиб суягини ўн сўмга сотдинг-а.

— Ана кўрдингми, ҳали озгина еганинг йўқу, аллақачон ақлинг кира бошлади.

●

Илико бир кишидан қарз экан. Бир куни ўша киши қарзини сўраб келибди.

— Озроқ, кут оғайни, тўлайман! — дебди Илико ва чўнтагидан рўйхатлар ёзилган қоғоз чиқарибди. — Мана бу рўйхатни кўраяпсанми. Шуларнинг ҳаммасидан қарздорман. Сени исминг, эҳ-ҳе охирида эканку. Анча кутишингга тўғри келади.

— Пул жуда зарур эди. Менинг исмимни рўйхатнинг бошига олиб қўйишнинг иложи йўқми?

— Иложи бор, фақат бунинг учун юз сўм берасан.

— Нима? Яна юз сўм...

— Сен оғайни кўп бошни қотирма, билиб қўй бўлмаса рўйхатдан бутунлай ўчириб ташлайман.

Гуржи тилидан Файзуллоҳ ФАЙЗИЕВ таржимаси

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Беккул ЭГАМҚУЛОВ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00 213 минг 790 нусхада чоп этилди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 3 СЎМ

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Буюртма № Г—288 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12